

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

ТДПУ ҳузуридаги педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва  
уларнинг малакасини ошириш  
тармоқ маркази директори

\_\_\_\_\_ Н.Муслимов  
“ ” 2015 йил

**МАХСУС ПЕДАГОГИКАНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА  
ИННОВАЦИЯЛАРИ**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи:**

п.ф.д. проф. Л.Р. Муминова

**Тошкент -2015**

## **МУНДАРИЖА**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....	12
Дефектология фанлари ғоялари, назариялари, гипотезалар, қонуниятлари ва тамойиллари .....	12
Дефектологиянинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Етакчи ва замонавий концепциялари.....	28
Методология ва методологик ёндошувларни танқидий таҳлил қилиш ва синтезлаш .....	41
Ўзбекистонда махсус педагогиканинг шаклланиши ва тараққиёти, ундаги муаммолар .....	55
Инклузив таълимнинг жорий этилиши муаммолари.....	74
Ўзбекистонда бакалавр-дефектологларни тайёрлашнинг инновацион моделлари.....	88
АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ.....	99
ГЛОССАРИЙ .....	104

# **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

## **Кириш**

### **I. Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Махсус педагогиканинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари” модулининг мақсади:** тингловчиларни педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга қаратилган.

Тингловчиларни дефектолог - кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, илгор маҳсус таълим технологияларининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, илмий-амалий хорижий тажрибалар, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, дефектолог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

#### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар:**

**Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда хуқуқий-меърий ҳужжатларни;
- психиканинг ривожланишини белгилайдиган омиллар;
- маҳсус педагогиканинг методологик базаси;
- маҳсус педагогика ва психологиянинг ривожланишида Л.С.Виготский назарий концепцияларининг аҳамияти;
- меъердаги психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари;
- меъердан чекинган ривожланишнинг умумий қонуниятлари;
- психик дизонтогенез ва унинг асосий турлари;
- ривожланишида нуқсони бўлган болалар турларини;
- психик ривожланиш нуқсонининг мураккаб тузилиши ҳақидаги таълимот;
- маҳсус ва инклузив таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- маҳсус педагогика фанида инновациялар;
- маҳсус ва инклузив таълимгапедагогик ва информацион технологияларни жорий этиш;
- маҳсус педагогиканинг тараққиёт йўналишлари ва инновацияларини;
- дефектология (маҳсус педагогика) фанларини ўқитишда замонавий ёндашувларни;

## **Педагогик квалиметрияни билиши;**

Боланинг психик ривожланишидаги ўзига хосликлар, далзарб ва энг яқин ривожланиш зоналари, таълим ва тарбиянинг етакчи ўрни, коррекцион таъсирни амалга оширишда яхлит динамик ва тизимли ёндошув зарурлиги ҳақидаги Л.С.Виготскийнинг концепция ва гоялари, бошқа қатор олимларнинг назарий ва экспериментал тадқиқотлари, олимлар ишлаб чиқкан концепцияларини (А.Р. Лурия, А.Н. Леонтьев, В.В. Лебединский, В.И. Лубовский, Р.Е. Левина ва бошкалар) билиш; марказий нерв системасининг шикастланишидаузага келадиган турли дизонтогенезларнинг турларини ва нуксонли болалар хусусиятларини, абилитация ва реабилитация конуниятларини билишлари;

•Махсус таълим-тарбия жараёнида махсус шарт-шароитларнинг яратилишига муҳтож болаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; мазкур тоифага кирувчи (анализаторларида, таянч-харакат аппратида, эмоционал-иродавий соҳада бузилишлар кузатилган, турли психик бузилишларга учраган) болаларни психологик-медагогик ташхислаш ва коррекцион – ривожлантирувчи технологияларни қўллаш~~кўникма~~ларига эга бўлиши;

•Олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларини самарали ташкил этиш, илмий, методик ва ташкилий фаолиятни тизимли ривожлантириш, Миллий ва хорижий махсус педагогиканинг мустақил соҳалари: сурдопедагогика (эшитишида камчилиги бўлган болаларнинг таълими ва тарбияси масалалари билан шуғулланувчи); тифлопедагогика (кўришида камчилиги бўлган болаларнинг таълими ва тарбияси масалалари билан шуғулланувчи); олигофренопедагогика (акли заиф болаларнинг таълими ва тарбияси масалалари билан шуғулланувчи); логопедия (нутқ камчиликларини ўрганади ва коррекцияланувчи фан) ни пухта билиш, ривожлантириш ва қўллаш малакаларини эгаллаши лозим.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-хукуқий асослари”, “Инновацион таълим технологиялари”, “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг соҳага оид компетентлик даражасини ривожлантиришга хизмат қиласди.

## **Модулнинг олий таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбиқ этадилар.

Дефектология таълими йўналиши бўйича  
**“Махсус педагогиканинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари”**  
 модулининг тақвимий-мавзулар  
 РЕЖАСИ

т/р	<b>Ўқув модулининг мавзулари</b>	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламиси	Жумладан			Мустакил таълим	Професор-ўқитувчининг Ф.И.Ш
				назарий	амалий	кўчма машғулот		
1.	Дефектология фанининг ғоя, назария, гипотеза, қонуният ва тамойиллари	4	4	2	2			
2.	Дефектологиянинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Етакчи ва замонавий концепциялари.	4	4	2	2			
3.	Методология ва методологик ёндошувларни танқидий таҳдил қилиш ва синтезлаш.	2	2	2				
4.	Ўзбекистонда махсус педагогиканинг шаклланиши ва тараққиёти, ундаги муаммолар.	4	4	2	2			
5.	Замонавий дефектология фанининг ютуқлари ва инновациялари.	2					2	
6.	Дефектология фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фан тармоқлари ва уларнинг илмий тадқиқот методлари.	2	2		2			
7.	Инклузив таълимнинг жорий этилиши муаммолари.	8	6	2	2		2	
8.	Ўзбекистонда бакалавр-дефектологларни тайёрлашнинг инновацион моделлари.	4	4	2	2			
Жами			30	26	14	12		4

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Дефектология фанлари ғоялари, назариялари, гипотезалар, қонуниятлари ва тамойиллари (2 соат)**

Махсус педагогиканинг (дефектология) моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, фаннинг мақсади, шакл, метод, воситалари. Махсус педагогиканинг мустақил соҳаларидағи инновациялар. Марказий нерв системасининг шикастланишида юзага келадиган дизонтогенезларнинг турлари ва нұқсонли болалар хүсусиятлари, абилитация ва реабилитация қонуниятлари.

### **2-мавзу. Дефектологиянинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Етакчи ва замонавий концепциялари (2 соат)**

Махсус педагогика (дефектология) нинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Махсус педагогикага таалукли (Л.С. Виготский А.Р. Лuria, А.Н. Леонтьев, В.В. Лебединский, В.И. Лубовский, Р.Е. Левина ва бошқалар) нинг концепциялари ва ғоялари, бошқа қатор олимларнинг назарий ва экспериментал тадқиқотлари, олимлар ишлаб чиққан методологиялари.

### **3 -мавзу. Методология ва методологик ёндошувларни тәнқидий таҳлил қилиш ва синтезлаш.**

Педагогика ижтимоий-сиёсий фан эканлиги, унинг умумий асослари, қисмлари бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги масалалари. Марказий Осиё алломалари (“Авесто”, Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом ат-Термизийнинг, Аҳмад Яссавий, Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Мұхаммад Содик Қошғарий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Фитрат, Бехбудий, А. Авлоний ва бошқалар) нинг таълим-тарбиявий қарашлари ва Жаҳон педагог олимларнинг (Пифагор, Демокрит, Суқроплатон, Рене Декарт, Ян Амос Коменский, Ж.Ж.Руссо, И. Г. Песталоцци, К.Д. Ушинский, А.С. Макаренко, В.А. Сухомлинский ва бошқалар) педагогика фани ривожига қўшган ҳиссалари. Педагогика фанининг назарий-методологик асослари ва Президент И.А. Каримов асарлари педагогика методологиясининг муҳим жиҳати эканлиги.

Миллий педагогика таълим-тарбиянинг муҳим омили эканлиги. Миллий халқ педагогикасининг мақсад ва вазифалари. Миллий халқ педагогикасининг асосий йўналишлари. Миллий таълим-тарбия усуллари, улардан самарали фойдаланиш.

### **4-мавзу. Ўзбекистонда махсус педагогиканинг шаклланиши ва тараққиёти, ундаги муаммолар. (2 соат)**

Махсус педагогиканинг шаклланиши ва тараққиёти, ундаги муаммолар. Махсус педагогика (дефектология) фани умумий педагогиканинг тармоғи сифатида. Фаннинг категориал аппарати: таянч тушунчалари, илмий-назарий

ва методологик асослари. Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга оид қарашлари. Махсус таълимнинг хозирги замон тизими. Махсус педагогиканинг шаклланиши ва тараққиёти, ундаги муаммолар.

### **5-мавзу. Инклузив таълимнинг жорий этилиши муаммолари (2 соат)**

Инклузив таълим тушунчаси. Инклузив таълимнинг хуқуқий-меъёрий асослари. Инклузив ва интеграция тушунчалари. Ўзбекистонга инклузив таълимнинг кириб келиши. Инклузив таълимнинг тадбиқ этишдаги тўсиқлар ва муаммо. Инклузив таълимнинг компонентлари. Кадрларнинг аҳамияти Инклузив таълимнинг жорийланишида таълим иштирокчиларининг ўрни ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар.

### **6-мавзу. Ўзбекистонда бакалавр-дефектологларни тайёрлашнинг инновацион моделлари. (2 соат)**

Олий таълим муассасаларида услубий фаолият мазмуни ва турлари. Махсус таълим тизими учун бакалавр-дефектологларни тайёрлаш жараёни учун электрон ўқув модулларининг яратилиши ва сифатини таъминлаш.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзуларини такомиллаштириш, амалиётга боғлаш. Малакавий амалиёт базаларини янгилаш ва дастурларини такомиллаштириш. ОТМнинг ахборот-ресурс ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини ривожлантириш.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Дефектология фанининг ғоя, назария, гипотеза, қонуният ва тамоиллари (2 соат амалий).**

Махсус педагогиканинг (дефектология) мазмуни ва моҳияти, назарий ва методологик асослари, илмий-тадқиқот методлари.

Махсус педагогика йўналишларига инновацияларнинг жорий қилиниши масалалари.

Марказий нерв системасининг шикастланишида юзага келадиган дизонтогенезлар турлари. Нуксонли болалар хусусиятлари. Уларни абилитация ва реабилитация килиш йўллари.

### **2-мавзу. Дефектологиянинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Етакчи ва замонавий концепциялари. (2 соат амалий)**

Илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштирилиши.

педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Дефектология” таълим йўналиши ҳамда “Махсус педагогика, Дефектология (мутахассисликлар бўйича)” мутахассислиги умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги хужжатлар, илғор таълим технологияларининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш,

### **3-мавзу. Ўзбекистонда махсус педагогиканинг шаклланиши ва тараққиёти, ундаги муаммолар ва амалий ечимлари (2 соат амалий)**

Ўзбекистонда махсус педагогика соҳаларининг ривожланиш босқичлари.

Ўзбек махсус педагогикасининг ривожланиши Тошкентда 1919 йилдан фаолият юрита бошлаган Ўрта Осиёда дастлабки барча нуқсонли болалар биргалиқда таълим олишлари учун мўлжалланган мактабдан 1922 йилда илк кар болалар, 1924 йилда ёрдамчи, 1935 йилда кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатларининг ажраб чиқиши. Махсус тизими учун ўқув дастурлари ҳамда дарсликларининг яратилиши.

Дефектолог мутахассисларинг тайёрланишининг йўлга қўйилиши (1964 йил). Дефектология факультетининг ташкил этилиши. Республикаизда махсус таълимнинг илмий-назарий асосларини яратиш муаммолари ва амалий ечимлари. Дефектология соҳасидаги илк тадқиқотларнинг олиб борилиши. Миллий махсус педагогика ривожланишига хисса қўшган олимлар.

Мамлакат миқёсидаги илмий-тадқиқотларнинг ташкил этилиши, уларнинг махсус таълим тизими амалиётининг ривожланишига таъсири юзасидан маълумотлар.

### **4-мавзу. Махсус педагогика фанига қўйилган замонавий талаблар (2 соат амалий)**

Махсус педагогиканинг коррекцион-ривожлантирувчи тавсифга эга таълимни амалга оширишда педагогларга қўйилаётган замонавий талаблар. Махсус таълим педагог ходимлари фаолиятининг йўналишлари.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

### **5-мавзу. Дефектология фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фан тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари (2 соат амалий)**

Замонавий фан ва амалиётдаги янгилик ҳамда ўзгаришлар. Техника ва технологияларнинг жадал ривожланиши. Техника ва тиббиёт соҳасининг интеграциялашуви. Тиббиётдаги ютуқларнинг алоҳида ёрдамга муҳтож

бўлган болалар даволаниши, ривожланиши, таълим-тарбияси жараёнига ижобий таъсири. Ногиронликка янгича муносабатнинг шаклланиши: тиббий ва ижтимоий моделлар. Илк ва эрта ташхис ҳамда коррекцион-ривожлантирувчи муҳитнинг яратилиши. Илмий-тадқиқот методлари.

## **6-мавзу. Инклузив таълимнинг жорий этилиши муаммолари (4 соат амалий)**

Инклузив таълим моҳияти. Инклузив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари. Инклузив ва интеграция тушунчалари. Ўзбекистонга инклузив таълимнинг кириб келиши. Инклузив таълимнинг жорийланишида юзага келаётган муаммо ва тўсиқлар. Инклузив таълимнинг жорийланишида таълим иштирокчиларининг ўрни ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар. Мазкур машғулот мини маъруза ва муҳокама қилинувчи муаммо “Йўл” машқи орқали аниқланади ҳамда ечимлари ишлаб чиқилади. Ҳар бир тингловчи маҳсус таълим муассасаси таълим иштирокчиси сифатида келгуси фаолиятида зарурый бўлган вазифаларни аниқлайди ва режалаштириб олади.

## **7-мавзу. Ўзбекистонда бакалавр-дефектологларни тайёрлашнинг инновацион моделлари (4 соат амалий).**

Инновацион таълим технологиялари, уларнинг моҳияти, мазмуни. Бакалавр-дефектологларни тайёрлаш ўқув жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш йўллари.

Талабаларнинг билиш фаоллиги ва креатив кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион таълим технологиялари. Ўқув жараёнлари натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга йўналтирилган таълим технологиялари. Кейс-стади. Портфолио. Модулли таълим.

Таълим сифатини оширишда андрогогика-катталар таълимининг аҳамияти. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик технологиялар, компьютер ва Интерентдан фойдаланиш бўйича саводхонлигини ошириш.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Модул доирасида кўчма машғулотлар режалаштирилмаган.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

Модул доирасида мустақил таълим учун 4 соат режалаштирилган.

*Дефектология фанларини ўқитшида ривожланган мамлакатлардаги илзор тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиши.*

## **Дастурнинг информацион-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёни:

- замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилишини:

- модулларнинг барча маъruzалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;

-амалий машгулотларда педагогик ва ахборот-комуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;

- тингловчиларнинг илгор тажрибаларини ўрганишни ва оммалаштиришни назарда тутади.

### **Адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
- 2.Каримов И. Ўзбекистон Конституцияси биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамияти барпо этишда мустаҳкам пойdevордир./ Ishonch. 2009 йил 6 декабр. № 142-143.
3. Закон Республики Узбекистан от 18.11. 1991 г. № 422-XII «О социальной защищенности инвалидов». Новая редакция (утверждена законом Республики Узбекистан от 11.07.2008 г. № 3РУ-162).
4. Закон Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка». //Социальная защита молодежи и женщин с ограниченными возможностями. Материалы семинаров. – Ташкент, 2009.
5. Аксенова Л.А.Социальная педагогика в специальном образовании. – М.: Академия, 2001.
6. Боскис Р.М. Глухие и слабослышащие дети. – М.: Владос, 2001.
7. Варенова Т.В. Теория и практика коррекционной педагогики. – Минск: ООО Асар, 2007.
- 8.ВыготскийЛ.С. Проблемы дефектологии. – М.: Просвещение,1995.
9. Выготский Л.С. Мысление и речь// Собр. Соч. М.,1982 Т.2.
10. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
11. Мавлонова Р., Тўраева О., Ҳолиқбердиев К. Педагогика. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
12. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. Т.: “Ношир”, 2013 й.
- 13.Л.Р.Мўминова,Д.А.Назарова Махсус таълим атамаларининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2010 й.
- 14.Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.
- 15.Немов Р.С. Психология. - М.: ВЛАДОС, 2003.- 1-2-т. 518 с.
16. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2014 й.
- 17.Чичерина Я., Нуркельдиева Д.,Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.

18.Чичерина Я., Нуркельдиева Д.,Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиши методикаси. Т.: “Fanvatexnologiyalar, 2013й.

### **Интернет маълумотларн:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uzэлектрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. <http://www.uforum.uz/>
9. Axborot resurs markazi [http://www.assc.uz/](http://www.assc.uz)
10. <http://www.xabar.uz>
11. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
12. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
13. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

## **МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

### **Дефектология фанлари ғоялари, назариялари, гипотезалар, қонуниятлари ва тамойиллари Режа**

1. Дефектология фанлариниг йўналишлари
2. Дефектология фанлариниг илмий-назарий ва методологик асослари
3. Дефектология фанлариниг умумдидактик ва маҳсус тамоиллари

**Таянч тушунчалар:** гипотеза, назария, тамойил, қонуният, олигофренопедагогика, тифлопедагогика, сурдопедагогика, логопедия.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими миллий таълим моделининг муҳим таркибий қисми сифатида таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари томонидан янги маълумотларни, янги билим, янги кўникма ва малакаларни олишнинг бош манбаси ҳисобланади, шунинг учун ҳам, айнан мазкур тизим, маълум маънода, таълим тизими ходимларининг соҳада амалга оширилаётган модернизация жараёнларига тайёрлиги учун масъул ва шу боис унга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бугунги кунда ҳам долзарб бўлган “... бугун фарзандларимизга кимлар таълим-тарбия берадигани, педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилаётгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълимни ислоҳ қилиш тизимининг энг долзарб вазифаси бўлмоғи зарур”<sup>1</sup>, - деган фикрлари педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга берилаётган эътиборнинг қай даражада муҳим эканлигини намоён қилиб турибди.

Мустақил ривожланиш даврида мамлакатимизда ушбу тизимнинг мувафақиятли фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилгани таълим соҳасида қабул қилинган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимиға мажбурий талаблар қўйилди; тизим таркибига кирувчи бўлинмаларнинг вазифалари белгилаб берилди; қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тур ва шакллари келтирилди; педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни ва сифатига умумий талаблар билан бирга ўқув юклamasи ҳажми ва педагог кадрлар тайёргарлиги савиясига талаблар белгиланди.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

## **1. Дефектология фанлариниг йўналишлари**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва “Кадрлар таёrlаш миллий дастури” талаблари асосида имконияти чекланган болаларга таълим – тарбия беришнинг асосий мақсади ёш авлодни истиқлол ғоялари асосида соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига таёrlашдан иборатdir.

XXI аср бутун дунёда, жумладан, Республикаизда бола хуқуқларини тўла таъминлашга эришиш асри. Чунки дунё жамоатчилигининг эзгу орзуси ва истаги болалар, уларнинг келажаги учун барча шароитни муҳаё этишdir. Республикаиз президенти И.А.Каримовнинг Олий мажлиснинг XIV сессиясидаги “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” мавзусидаги нутқи, Мустақилликдан сўнг қабул қилинган қатор қонунлар, “Таълим тўғрисида”, “Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида” Қонунлари, Вазирлар маҳкамасининг 433-қарори, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”, “2001-2006 йилларга мўлжалланган Ногиронларни тиббий- ижтимоий реабилитация қилиш Дастури”.

Ҳар бир инсон фарзандининг тўқис бўлиши, унинг камолини кўриш орзусида яшайди, лекин турли сабабаларга кўра бунга эришолмаганлар ҳам бор. Махсус таълим тизимида “аномал”, “нуқсонли”, “ақли заиф” каби атамалари ўрнига “алоҳида эътиборга муҳтоҷ”, “ақлий ривожланишида муаммолари бўлган”, “ривожланишида четга чиқишлари мавжуд” атамаларининг кириб келиши бундай болаларнинг абилитация, реабилитация, коррекция, ижтимоий ҳаётга мослашувлари ва интеграциялашув(уйғунлашув)лари масалаларига бўлган муносабатларнинг ўзгаришига олиб келди.

Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар мактаб-интернати ўқув-тарбия жараёнига қўйилаётган янги талаблар у ерда фаолият кўрсатаётган педагоглар олдига қатор вазифаларни қўймоқда-ки, бу энг аввало, уларнинг таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашишларини тақозо этишда намоён бўлмоқда. Махсус таълим ходимлари томонидан амалга оширилаётган фаолиятга қўйилаётган талабларни ёритиш аввалида ушбу тур мактаб, мактаб-интернатлари ўқувчилари таркиби, муассасага қўйилаётган замонавий талаблар ҳақида тўхталиб ўтилиши ўринли саналади.

Ўзбекистон узлуксиз таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ёшлар онгига хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг аҳамияти, моҳиятини сингдиришdir. Шундай давлатнинг келажаги ёшлар қўлида эканлиги ва бу ёшлар давлат томонидан қўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб бериши эса таълим ходимларининг

касбий салоҳияти ва ўз касбини қай даражада эъзозлашига боғлиқдир. Демак, таълим тизими ходимлари замон билан ҳамнафас яшashi ва фаолият юритиши талаб этилмоқда. Бунинг учун тегишли хужжатлар моҳиятини тўлиқ англаши, унинг ижросида бевосита шахсий хиссасини қўшиши муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўз маърузасида жумладан шундай деди: “... *бизнинг энг катта таянч ва суюнчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёши авлодимиздир.*

Шу боис ёшларнинг нафақат жисмонан балки, ақлан ҳамда маънан соғлоим, ҳар томомнлама етук ёшларни тарбиялаш олдимизда турган вазифадир. Айнан ушбу вазифаларни ҳал қилишда ногиронликнинг олдини олиш амалиёти билан боғлаган ҳолда таҳлил қиласиган бўлсак, қуйидаги саволнинг ечимида том маъно борлиги аниқланади. Қандай инсонлар ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларига маънавий жиҳатдан тайёр бўлиб етишидаи? Яъни барча эзгу ўй, фикрлар дебочаси соғлиқ масаласига бориб тақалади. Айнан мана шу савол ўзгаришлар, кескин ривожланишлар даврида ногиронликнинг олдини олиш масаласининг муҳим ижтимоий аҳамиятга эгалигига тавсиф беради. Ўз ва ўзгалар, яқинлари, оила аъзолари соғлиги ҳақида қайғурладиган инсонлар ўз олдига қўйган мақсади сари событқадам ташлайди ва ўз оиласи ва ҳалқи манфаатини ўйлайди. Аҳолини, жумладан ёшларни ўзгаришларга тайёр, ёт ғояларга оғишмайдиган қилиб тайёрлашда ногиронликнинг олдини олиш масалаларини чуқур ўрганиш ҳалқ таълими тизимида муҳим аҳамиятга эгадир.

Махсус педагогиканинг асосий вазифаларидан бири болаларнинг умумий ривожланишини фаоллаштиришдан, ривожланишнинг умумий таълим даражасини ошириш учун махсус шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Махсус педагогика нуқсонли болалар таълими, тарбияси ва улар тараққиётидаги руҳий, жисмоний нуқсонларни коррекцияловчи фан сифатида юзага келди. Махсус педагогика инсон ҳақидаги фанлар билан, айниқса, умумий педагогика, умумий психология, махсус психология, анатомия, физиология фанлари билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг қонуниятларига таянади. Махсус педагогиканинг асосий мақсади болаларга билим бериш, коррекцион-тарбиявий ишларни амалага ошириш, меҳнат фаолиятига, ижтимоий хаётга тайёрлашдан иборат. Юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда махсус педагогика ўзининг бир нечта тармоқларига таянади.

### **Махсус педагогиканинг тармоқлари қўйидагилар:**

Олигофренопедагогика - ақли заиф болаларга махсус таълим тарбия билан шуғулланувчи фандир;

Тифлопедагогика- Кўр ва кўзи ожиз болаларга махсус таълим тарбия билан шуғулланувчи фандир

Сурдопедагогика (Кар ва эшитишида нуқсони бор болаларга маҳсус таълим тарбия билан шуғулланувчи фандир)

Логопедия - нутқида нуқсони бор болаларга маҳсус таълим тарбия билан шуғулланувчи фандир)

Олигофренопедагогика - ақли заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитиш хақидаги фан бўлиб, дефектологиянинг бир қисмини ташкил этади. Бош миянинг органик бузилиши натижасида билиш фаолияти тургун пасайиши келиб чиқади. Натижада ақли заифлик келиб чиқади. Олигофренопедагогика ҳам ўзига хос ривожланиш, шаклланиш тарихига эга. Ақли заиф болалар таълим-тарбияси масалалари билан шуғулланиш ишлари тарихи қарийиб 200 йилдан ошиқдир. Олигофренопедагогика фанининг дастлабки бошланғич даври ақли заифликни ўрганиш, асосан 1926 йилларга тўғри келади. Олигофренопедагогикага Л.С.Выготский асос солган. У ақлий нуқсонга эга бўлган болаларга таълим-тарбия беришни назарий ва амалий асосслаб берган. Ақли заифликни келтириб чиқарадиган сабаб-оқибатлар хусусиятлари **эндоген, экзоген** хусусиятларига эга. Бу касаллик сабаб-оқибати натижасида боланинг билиш фаолиятлари кенг маънода бузилиб, ақлий ривожланиш тезлиги, самарадорлиги пасаяди.

Олигофрения бола туғилганидан кейин ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан: мия ва унинг пўстлоғининг шамоллаши(минингит), марказий нерв системасининг шикастланиши. Насл орқали ҳам ўтади. Ф.Платтер руҳий касалликлардан ақли заифликни ажратди. Ж.Эскирол биринчи марта «Ақли заифлик» анатомиясини фанга киритди. Ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаш назариясини юзага келишида Э.Сегеннинг (1812-1880) педагогик фаолияти катта аҳамиятга эга. 1846 йилда ёзган «Ақлий нормал бўлмаган болаларнинг тарбияси, гигиенаси ва ахлоқий давоси» асари олигофренопедагогика фанида катта ютуқ бўлди. Ақли заиф болаларни ўрганиш масаласи алоҳида ўрганишни талаб этадиган мавзулардан биридир. Ақли заифлик деганда меърий руҳий ривожланишдан четланиб, хақиқий, реал ақлий нуқсонликка олиб келувчи холат тушунилади. Бундай болалар ёрдамчи мактабларда таълим-тарбия оладилар. Таълим жараёнида ақли заиф боланинг тафаккури, нутқи, қизиқишилари ва билиш қобилиятлари ривожланиши билан бирга ахлоқи ҳам ривожланиб боради. Уларда жамоада ўзини тутиш, меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш каби фазилатлар вужудга келади.

**Кўришида муаммоси бўлган болалар.** Тифлопедагогика грекча **тифлос** кўр сўзидан олинган бўлиб, кўришда нуқсони бўлган шахслар таълим-тарбияси хақидаги фан. У умуман умумий педагогиканинг қисми ва дефектологиянинг бўлимларидан биридир. Тифлопедагогиканинг табиий

илмий асоси И.Сеченов ва И.П.Павловнинг «Олий нерв фаолияти тўғрисидаги» таълимоти саналади. Тифлопедагогика педагогика фан сифатида қўйидаги асосий муаммаларни хал қиласди:

- кўришда жиддий нуқсони бўлган шахсларни психологик, педагогик ва клиник ўрганиш нуқсонлар мавжуд бўлганда рухий ва жисмоний ривожлантириш ва кўриш функцияси бузилишларини аниқлаш.

-Кўриш ва кўзи ожизларда бузилган ва тўла ривожланмаган функцияларни коррекциялаш ва тиклаш йўллари ва шартлари.

-Шахснинг кўриш фаолиятида турли бузилишлари мавжуд холда шаклланиши ва ҳар томонлама ривожлантириш шартларини ўрганиш, фан асосларига ўргатиш, политехник меҳнат ва касб тайёргарлиги.

-Кўр ва кўзи ожизларни ўқитиш ва тарбиялаш учун маҳсус муассасалар типлари ва структурасини белгилаш.

- Кўришда нуқсони бўлгани шахсларнинг билим имкониятларини кенгайтириш, уларни ўқитиш ва жамиятда меҳнатга тайёрлаш самарадорлигини имконини берадиган маҳсус техник воситаларни яратиш.

-Тўла қонли бўлмаган кўришни муҳофазалаш ва ривожлантириш бўйича гигиеник тадбирлар тизимини ишлаб чикиш.

-Таълим-тарбия ва касб тайёргарлиги учун биноларни лойихалашга алоҳида эътибор қаратиш.

-Замонавий тифлопедагогикани ривожлантириш, нуқсонларни олдини олиш ва тугатиш йўлларини компенсациялаш.

Даволаш ва тиклаш ишлари мактаб-интернатларда окулист раҳбарлигига амалга оширилади. Педагог ва тарбиячилар ҳам врач тавсияларини ўз вақтида бажаришга ёрдам берадилар. Кўзойнак ва бошқа оптик кўрувчи коррекцияловчи воситаларни тавсия қилиш даволаш ишининг асоси хисобланади. Педагог ва тарбиячилар болаларни кўзойнаклардан шифокор тавсия этганидек тўғри фойдаланишларини назорат қиласди. кўзойнакни оправасини (қолипи) тўғри танлаш мухим роль ўйнайди. У юз хажмини қорачиқлари орасидаги масофага мос тушиши шарт, қулоқларни, бурунларни қисмаслиги лозим.

Кўр ва заиф кўрувчи болаларни меҳнатга ва мустақил хаётга тайёрлашда маҳсус машғулотларнинг ўрни катта. Даволовчи жисмоний тарбия. Фазода мўлжалга олиш. Даволовчи жисмоний тарбия машқлари орқали турли касалликларни амалиётда даволаш чора-тадбирларини кўлланувчи жисмоний маданият воситалари тўплами хисобланади. Фазода мўлжалга олиш кўришда нуқсони бор инсоннинг мухим катта эҳтиёжи хисобланади. мўлжалга олишга ўргатиш, болаларни боғча ёки мактаб

атрофида эркин мүлжал олишга ўргатади. Бу қанча эрта бошланса яхши натижада беради.

### **Эшитишида муаммолари бўлган болалар**

Нутқ – мураккаб рухий фаолиятдир. У рухий жараёнларнинг таркиб топишига ва боланинг умуман баркомол бўлиб ўсишига катта таъсир кўрсатади. Нутқ эшитув органлари воситаси билан идрок этишга асосланган бўлиб, атрофдагиларга тақлид этиш йўли билан ривожланиб боради. Оғзаки нутқнинг шаклланишида эшитув анализатори, нутқни харакатга келтирувчи анализатор иштирок этади. Нутқни харакатга келтирувчи анализатор эшитув анализатори билан махкам боғланган холда ишлайди, эшитиш анализаторининг ривожланиш даражаси эса кўп жихатдан талаффузга боғлиқ.

Бола нутқининг ўсиб бориши товушлар талаффузи, физиологик ва фонематик эшитишнинг камол топиб бориш даражаси билангина ҳарактерланиб қолмай, балки энг мухум - ўз нутқи ва атрофидагилар нутқидаги сўзларнинг тузилишини, товуш таркибини фарқлай олиш қобилияти билан ҳам ҳарактерланади. Сўз таркибини англаб олишдан иборат бу қобилият грамматик ва лексик компонентларнинг ривожланишида ҳам мухум ахамиятга эга.

Иккала сигнал тизими, шунингдек, идрок билан сўзнинг ўзаро алоқада бўлиши ақлий ривожланишнинг асосини ташкил этади

Дефектологларнинг (Т.А. Власова, Р.М. Боскис, Д.В. Нейман ва бошқаларнинг) берган маълумотларига кўра, эшитишида нуқсонлари бор болаларнинг ривожланиш даражаси шу нуқсоннинг бола ҳаётининг қайси даврда пайдо бўлганлигига ва оғир – енгиллигига боғлиқ. Сурдопедагогикада эшитишида нуқсонлари бор болалар **кар, заиф эшитувчи, кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолган болалар** гурухига бўлиб ўрганилади. Туғма ҳали тили чиқмаган гудаклик даврида иккала қулоқнинг мутлақо эшитмаслиги кар – соқовликка олиб келади. Эшитиш қобилиятининг қисман бузилиши натижасида нутқий нуқсонга учраган болалар заиф эшитувчи болалар гурухига киритилади. Нутқий ривожланиб, шаклланиб олгандан сўнг яхши эшитмайдиган бўлиб қолган болалар кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолганлар гурухига киради. Бу нуқсон нутқ таркиб топганидан сўнг вужудга келса ҳам, қулоқдаги нуқсон туфайли эшитишида хос камчиликлар бўлаверади.

Турғун эшитиши нуқсонлари келиб чиқиш сабабларига кўра **туғма ва оттирилган бўлиши мумкин**.

Кар – соқов болаларнинг 25% - 30% да эшитиши нуқсонлари туғма бўлади. Бунга сабаб: онанинг хомиладорлик даврида турли касалликлар,

масалан, грипп билан касалланиши, ота – оналарнинг ичкилик ичиб туришлари, онанинг хомиладорлик даврида билар – билмас дори – дармонларни истеъмол қилишлари (айниқса стептомицин, хинин сингари дориларни), хомиланинг шикасланишлари; ирсият, генетик факторлар (қулоқ тузилишларидағи патологик ўзгаришлар бўлиши, масалан, эшитиш йўли атрофиясининг битуви).

Эшитишдаги ортирилган нуқсонлар қулоқ ёки эшитиш анализаторларининг тузилишидаги камчиликлардан келиб чиқиши мумкин. Бунга олий нерв маркази, ўтказувчи йўллар ёки қулоқнинг ўзидағи ўзгаришлар сабаб бўлади. Боланинг ilk ёшида отит, пароитит (тепки), менингит, менингоинсифалит, қизамиқ, қизилча, грипп касалликлари билан касалланиши баъзи холларда кар- соқов ёки турли даражалардаги заиф эшитишга олиб келиши мумкин. Хозирги қунда экология масалаларининг кенг ўрганилиши эшитиш нуқсонларининг олдини олишда ҳам катта аҳамиятга эга. Эшитиш анализаторларига турли захарли кимёвий дорилар жуда кучли таъсир этиб айниқса анализаторнинг ўтказувчи нервларини ишдан чиқаради, натижада бола яхши эшита олмайдиган бўлиб қолади.

Эшитиш нуқсонларига эга бўлмаган болалар аномал болалар категориясига киради, чунки бу нуқсон боланинг умуман ривожланиб, камол топиб боришига, дастур материалларини ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади.

Эшитиш нуқсонлари бор болалар маҳсус шароитда, маҳсус усууллар билан ўқитилиши ва тарбияланиши керак. Эшитиш нуқсонларининг енгил даражалари ҳам болани ҳар томонлама ривожланишига таъсир кўрсатади, боғча ва мактаб дастурларининг ўзлаштиришда бир қатор ўзига хос қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Боланинг эшитиш қобилияти нутқи ривожлангандан сўнг масалан, икки ёшида йўқолганида ҳам, карлик натижасида бола атрофдагилар нутқини эшитмайди ва хаттоки билганларини ҳам аста – секин унугади, боладаги карлик билан соқовлик қўшилиб у кар – соқов бўлиб қолади. Болага ўз вақтида маҳсус ёрдам кўрсатилмаса, унда ақли заифлик белгилари ҳам пайдо бўлади. Бироқ нуқсоннинг ўрни тўлдирилиб, бошқарувчи жараёнларни активлаштирувчи маҳсус педагогик коррекцион шароит боладаги нуқсонларни бартараф этади, уларни ҳам нутқий ривожланишини, ҳам умумий, ақлий ривожланишини таъминлайди.

Заиф эштувчи болалар учун маҳсус ташкил этилган мактабгача тарбия муассасаси ҳамда мактаб-интернатда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Маҳсус муассасалардаги тарбиячи ва ўқитувчилар бундай болаларнинг тегишли таълим – тарбия олишларига ёрдам беришлари керак.

Юқорида қайд этилганидек, сурдопедагогикада эшитиш қобилияти заиф болаларга кар – соқов, түгма ҳамда кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолган болалар киради. Заиф эшитувчи болалар ўз навбатида эшитиш қобилиятининг нечоғлик бузилганига қараб енгил, ўртacha ва оғир даражали камчилиги бор болаларга бўлинади. **Енгил даражадаги** заиф эшитувчи болалар овози билан гапирилган нутқни **6 – 8 метр** масофадан овоз чиқармай, шивирлаб гапирилган гапни қулоқ супрасидан **3 – 6 метр** масофадан эшитади. **Ўрта даражадаги** қулоғи оғир болалар овоз чиқариб гапирилган гапни **4 – 6 метр**, овозсиз шивирлаб гапирилган гапни **1 – 3 метр** масофадан эшитади. **Оғир даражадаги** заиф эшитувчи болалар ўрта меъёрда овоз билан гапирилган гапни қулоқ супрасидан **2 метр**, шивирлаб гапирилган гапни **0,5 метр** масофадан эшитади холос.

Қулоғи оғирлик натижасида бола нутқида бир қатор камчиликлар кузатилади: луғатининг камбағал бўлиши, грамматик компонент ривожланмаган – гап ичида сўзларни ташлаб кетиш, сўзларни нотўғри эшитиш, уларни ўзаро боғлай олмаслик, келишик, сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни ишлата олмаслик; товушларни нотўғри талафғуз қилиш – ўхшаш, жарангли-жарангиз ундошларни бир бири билан адаштириш, тушириб кетиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бола нутқидаги камчиликларнинг келиб чиқиши сабабларини билмаслик орқасида айрим тарбиячи ва ўқитувчилар болани дангаса, маъс улиятсиз, безори деб, унга нотўғри муносабатда бўладилар, натижада бола инжиқ, йиғлоқи, сержаҳл, гап ўтмас бўлиб қолади, яъни унда иккиламчи рухий ўзгаришлар пайдо бўлади.

Енгил даражадаги заиф эшитувчи болалар соғлом тенгдошлари қаторида оммавий мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабда таълим – тарбия олиши мумкин. Бироқ унга алоҳида муносабатда бўлиш, улар учун кулагай шарт – шароитлар яратиш талаб этилади.

Узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистонда эшитишда нуқсони бўлган болалар учун мактабгача тарбия муассасалари, мактаб ва касб – хунар коллежларида маҳсус гурухлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу тоифадаги болалар учун ташкил этилган мактаб – интернатларда мактабгача тарбия бўлими ҳамда умумтаълим мактаб бўлими мавжуд. Ушбу муассасаларда таълим умумтаълим 9 йиллик таълимнинг давлат талаблари ва дастурлари асосида амалга оширилидади.

Эшитиш қобилияти заифлашган болалар билан ишлашда сурдопедагоглар катта ютуқларга эришмоқдалар. Ушбу тоифадаги аномал болалар маҳсус кечки мактабларда таълим олганларидан кейин олий ўқув юртларини ҳам муваффакиятли битириб чиқмоқдалар, мамлакатимизнинг

турли корхоналарида ҳамма билан баробар меҳнат қилмоқдалар. Демак, эшитиш нуқсонларини бартараф этиш, тўла компенсациялаш, мумкин. Тарбиячи ва ўқитувчиларнинг асосий вазифалари – соғлом болаларни заиф эшитувчи болалардан ажратиб, уларга алоҳида ёндашиш, зарур бўлса, уларнинг “максус муассасалар” да таълим – тарбия олишини ёки интеграциялашган таълимга жалб этишни таминлашдан иборат.

Кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларда сўзлашув (оғзаки, ёзма) нутқни шакиллантириш юзасидан дарс ва машғулотларда муайян тизимдаги машқлар асосида ўқитувчи ва ўкувчи фаолияти ташкил этилади, дидактик воситаларни барча турларини нутқий жараёнга мослай олиш талаб этади. Нутқий материалларнинг амалий эгалланиши таъминлаш учун максус содир этилган муаммоли нутуқга (гапириш, ёзип тушунтиришга) эҳтиёжини туғдурувчи вазиятлар олдиндан режалаштирилади. Бунда нутқий материаллар фанлар бўйича ўкув дастурларида, режалаштиришларда олдиндан белгиланган бўлади, яъни коррекцион – педагогик жараён муайян тизим асосида амалга оширилади.

Хозирги кунда сурдопедагогикада кар ва заиф эшитувчи болаларнинг максус таълим билан эрта қамраб олиниши, ривожланиши, коррекция – компенсация қилиниши масалалари долзарбdir.

### **Рухий ривожланиши сустлашган болалар**

Улгурмовчи ўкувчилар орасида рухий ривожланиши сустлашган болалар кам учраб туради. Уларнинг билиш фаолияти-интеллекти мантиқий тафаккур, идроки, хотираси, ихтиёрий диққати, иш қобилияти ва бошқа хислатларига биринчи ўринда марказий нерв системасининг касалликлари натижасида рухий ривожланиши сустлашади. Бундай болаларда хиссиёт, ирода сферасидаги камчиликлар бирламчи, ақлий заифлик эса иккиласмачи ходиса бўлиб хисобланади.

Т.А. Власова, М.С. Певзнер, В.И. Лубовский, Т.В. Егорова, К.С. Лебединская, Н.А. Никашина, К.К. Мамедов, Б.В. Шоумаров, Н.А. Спина, Р.Д. Тригер ва бошқа олимларнинг маълумотларига кўра бошланғич синф ўқувчиларининг 5,8 фоизини ана шундай болалар ташкил этади.

Рухий ривожланиши сустлашган болалар ақлий даражаси жихатидан асосан икки гурухга бўлинади:

1. Енгил нуқсони бор болалар –булар максус шароитда 1-3 йил таълим –тарбия олганларидан кейин ўқиши оммавий мактабнинг тегишли синфда давом эттириши мумкин.

2. Рухий ривожланишида сезиларли даражада орқада қолган болалар –булар мактабни битиргунига қадар максус шароитда ўқитилиши керак. Бундай болалар мактаб дастурини соғлом тенгдошлари қаторида ўзлаштира

олмайди. Рухий ривожланиши сустлашган болаларни оммавий мактабда хамма қатори ўқиши таълим жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатади, яни ўртача ўқувчининг савиясини орқага тортади, яхши ва альо ўзлаштирувчи ўқувчиларни етарли даражада ўстиришга тўсқинлик қиласди.

Дастур материалларини яхши ўзлаштира олмаганлиги туфайли рухий ривожланиши сустлашган болалар доим муваффақиятсизликларга учрайверади, бу нарса уларнинг хулқ - авторида аксарият турли салбий хислатлар юзага кегишига сабаб бўлади. Олимлардан К.С. Лебединская, Г.П. Бертон, Е.М. Дунаева, ва бошқалар рухан суст ривожланганликни клиник-психологик жихатидан қуидаги хилларга бўлишни тафсия этадилар: 1) **конситутционал шакли;** 2) **соматоген шакли;** 3) **психоген шакли;** 4) **Церебралшакли.**

Рухан ривожланиш камчиликларининг баъзи бир шаклларида, болаларни вақти вақти билан маҳсус психоневрологик санаторияларда даволаш фойдалидир. Санаторияда бола коллектив ишига аста-секинлик билан жалб этилади. Унда чарчаш аломатлари пайдо бўлганда, у ўкув машхулотларидан вақтинча озод этилади ёки унга соддароқ вазифалар берилади. Санаториядан даволаниб қайтганларидан сўнг, бола ўқишни ўз мактабида давом эттиради.

РРС болалар учун мамлақатимизда маҳсус мактабгача тарбия муассасалари, мактаб – интернатлар, мактабларда куни узайтирилган синфлар жорий этилган. Ушбу муассасаларда таълим умум ўрта таълим мактаблари ва боғчаларининг дастурлари асосида олиб борилиб, химоялайдиган мулойим даволовчи маҳсус тартиб ташкил этади. Таълим – тарбиявий ишлар болаларнинг фкирлаш қобилияти диққати, иш қобилияти, хотираси, нутқи ва тафаккуридаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, бундай болаларга билим беришда ўқитувчи унинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини этиборга олган холда маҳсус шароитда, маҳсус усуслар билан ишлайди, тегишли ёрдам ташкил этади.

Ўз вақтида ва тўғри ташкил этилган ёрдам туфайли ушбу тоифадаги алоҳида ёрдамга муҳтож болалар кейинчалик яхши ривожланиб кетиб, мактабни битиргач олий ўкув юртларида ҳам муваффақиятли таълим оладилар.

### **Харакат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар**

Ҳар қандай ота – она ўз оиласида соғлом фарзандни, жисмонан бақуват, рухий тетик, фикрлаш қобилияти соғлом, иймон – этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ҳар томонлама камол топишини истайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Республикаизда соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. “Баркамол” авлодни

тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу масалага устувор вазифа деб қаралмоқда. Мустақил ватанимизнинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун” деб аталган, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг тузилганлиги. 2000 йилни “Соғлом авлод йили”, 2001 йилни “Она ва бола йили” деб элон қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Президентимиз томонидан “Соғдом авлод” рукунидаги, махсус ёрдамга муҳтож бўлган болаларни соғломлаштириш, уларни соғлом кишилар қаторига қўшиш, ижтимоий моддий жихатдан химоялаш, меҳнатга, ижтимоий хаётга мослаштириш масалаларига доир қатор қарорлар, хужжатлар чиқарилмоқда, қабул қилинмоқда.

Республикамизда сўнги пайтларда болаларнинг соғлом туғилишини таъминлаш, аномалияларни олдини олиш хамда жисмоний ёки руҳий ривожланишда камчиликлари бўлган болаларни эртароқ аниқлаш чора – тадбирлари устида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу масалани тез ва самарали ҳал бўлишини таъминлаш мақсадида онанинг хомиладорлик давридан бошлаб, то бола вояга етгунга қадар унинг ривожланиши тиббиёт ходимлари, ўқитувчи ва тарбиячилар, психолог, дефектологлар томонидан назорат қилиниб, “Соғлом авлод” дастурини тўғри амалга оширилишини таъминлаш чора – тадбирлари ишлаб чиқилмоқда, ташкил этилмоқда. Натижада, харакат – таянч аъзолари жарохатланган болалар ҳам аниқланиб, уларга махсус ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳаракат – таянч аъзолари жарохатланган болаларнинг қўпчилигига ногиронлар аравачалари олиб берилганлиги сабабли, улар боғча ва мактабларга қатнай бошладилар.

Ҳаракат – таянч аъзолари жарохатланган болалар церебрал фалажи, полиомиелит (шол касаллиги асорати), харакат таянч азоларининг турли туғма ва оттирилган деформацияси – артрогрипос, оёқ қўлларнинг мажрухлиги ахондроплазия ёки хондродистрофия – тана, бўйин, бошнинг нормал ривожланаётган бир пайтда туғма оёқ – қўл суяклари ўсишининг орқада қолиши, миёпатия – мушак тўқималарида модда алмашинуви билан боғлиқ бўлган ирсий касалликда мушаклар яхши қисқармайди, киши қўл – оёқни харакатга келтира олмайди.

Ҳаракат – таянч аъзолари жарохатланган болаларнинг қўпчилигига мия фалажи кузатилади. БЦФ (Болалар церебрал фалажлиги) касаллиги хали етилмаган, шаклланиб бўлмаган миянинг касаллигидир. Онанинг хомиладоарлик даврида маълум касалликлар билан касалланиши, туғилиш вақтидаги патологик ўзгаришлар, туғилгандан то бир ёшгача давр ичida боланинг касалланиши натижасида бош миянинг ҳаракат зоналари шикастланади, унинг натижасида эса миянинг яхлит етилиши кечикади ва бузилади. Оқибатда боланинг умумий ҳамда нутқий моторикаси

(харакатчанлиги) фаолияти бузилади. Нутқнинг ривожламаслиги эса, интелектуал ривожланишни секинлаштиради. Киши организимининг асосий функциялари – нафас олиш, қон айланиш, ютиниш, тана ҳаракати, нутқий ҳаракатлар ва бошқалар ҳаракат орқали мушакларнинг қисқариш натижасида содир этилади. Ҳаракатлар ихтиёрий ва ихтиёrsиз бўлади. Аниқ мақсадни кўзлаб бажарилган ихтиёрий ҳаракатлар инсон хатти ҳаракати, хиссий – иродавий қобиляти, билиш фаолиятини, хулқнинг шаклланишида асосий рўл ўйнайди.

### **Мураккаб нуқсонли болалар**

Дунёдаги 500 миллион ахолининг 10% ногиронлардир. Шулар жумласига мураккаб нуқсонли аномал болалар ҳам киради. Мураккабнуқсонли аномал болаларда бир неча нуқсон биргаликда кузатилади. Улар комплексли нуқсонли болалар категорияси деб ҳам номланади. Оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, ногиронликнинг олдини олиш, экологик мувозанатни янада барқарорлаштириш юзасидан мамлакатимизда мустақиллигимизнинг биринчи куниданоқ мунтазам амалий ишлар олиб борилмоқда. Республикада касал болалар туғилиши кўрсаткичи минг ахолига нисбатан 1991 – йилдаги 34,5 дан 2000 – йилда 21,4 га камайди. Демак, ҳали ҳам бу борада қўпгина ишлар олиб борилиши лозим. Аёллар, айниқса қизлар орасида учрайдиган чекиш, спиртли ичмликлар ичиш, наркотик моддалар қабул қилиш, шифокор маслаҳатисиз дори – дармонлар қабул қилиш, экологик муаммолар ва бошқа холатлар ногирон болалар туғилишига сабаб бўлаётганини ва уни олдини олиш боасида қўпроқ балоғат ёшидаги йигит – қизлар орасида тушунтириш ишлари кенг тарзда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Олимлар томонидан аниқланган 400 дан ортиқ дори – дармонлар хомила ривожланишига (дастлабки 1 – 2 ойлар) салбий таъсир этади.

Мураккаб нуқсонли махсус ёрдамга мухтож тоифасига кар – кўр - соқов болалар, кар ва ақли заиф, кўр ва олигофрен, ҳаракат – таянч аъзолари жарохатланган ва кўр ёки ақли заиф ҳамда хокозолар кирадилар.

Охирги йилларда кўр ва заиф кўрувчи болалар сони анча камайди. Офтотмалогик юутуқлар, эрта диагностиканинг янги усууларининг қўлланилиши, қўриш органлари касалликларини даволаш ва коррекция қилиш натижасида махсус мактаб ўқувчиларининг контингенти сезиларли даражада ўзгарди. Кўр болалар нисбатан камайди, аммо заиф кўрувчи болалар сони кўпайди. Уларнинг орасида мактаб дастурини ўзлаштира олмайдиган болалар яққол кўрина бошлади. Комплекс, яъни ҳар томонлама текшириш, ўрганиш натижасида уларнинг қўриш қоблятининг бузилиши билан бирга олигофрения типидаги ақли заифлик ҳам мавжудлиги

аниқланди. Заиф кўрувчи ва ақли заиф бўлган болаларнинг ўқитиш ва тарбиялаш анча мураккаб ва ўзига хосдир. Одатда кўр ва заиф кўрувчи болалар “Брайль” системасида ўқиши ва ёзиши ўрганадилар. Тўғри ташкил этилган таълим натижасида кўр болалар нукта – релефли шрифтни тез ўрганиб оладилар. Ақли заиф кўр болаларда бу жараён секин кечади. Бунга бир қанча сабаблар мавжуд бўлиб, марказий нерв системасининг органик шикастланиши натижасида ақли заиф кўр боланинг компенсатор имкониятлари суст бўлади. Махсус ташкил этилган ишлар туфайлигина эшитиш анализаторлари компенсатор вазифасини бажаради. Ақли заиф ўқувчиларнинг тафаккури, тасаввури, нутқ фикирлаш қобилятини ривожлантиришда ёрдамчи мактабда кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланилади. Кўрлар мактабида кўпроқ нутқ сўзга махсус тифлографик кўргазмали қуролларга асосланган холда иш юритилса, ақли заиф кўр болалар билан бошқачароқ иш юритилади. Иккала холатда ҳам биринчи новбатда боланинг абстракт тафаккури яхши ривожланган бўлиши керак. Ақли заиф болаларнинг эса билиш фаолияти турғун бузилган бўлади. Ақлан ва заиф кўрувчи болаларнинг таълим тарбиясига махсус ёндашган холда, махсус яратилган тизим асосида ўқитиш ва тарбиялаш лозим.

Мураккаб болалардан эшитиш қобиляти ва ақли заиф болалар биринчи бўлиб ўрганилган эди. Кар ва заиф эшитувчи болаларда иккиласи сифатида ақлан заифлик кузатилиб борилади. Натижада интелекти соғлом, эшитиш қобиляти заиф болаларни ҳам авли, ҳам эшитиш қобиляти заиф болалардан амалда ажратиш анча мушқул, айниқса илк ёшлик чоғларида. Ҳозирги кунда улар учун дифференциал – диагностик меъзонлар ишлаб чиқилган. Ақли ва эшитиш қобиляти зайд болалар карлар ёки заиф эшитувчи болалар мактаб интернатларининг ёрдамчи синфларида ёрдамчи мактаб дастури бўйича таълим оладилар. Ёрдамчи синфлар кўрлар ва заиф кўрувчи болалар мактаб интернатлари ҳам мавжуд.

Мураккаб нуксонли болалар тоифасига кўр, кар соқов болалар ҳам киради. Бу тоифадаги болалар нуксони анча мураккаб. Кар соқов кўр болалар теварак атрофдан ахборот олиш имкониятидан маҳрум бўлганлиги туфайли ақлан ривожланмайди. Бироқ махсус ташкил этилган ёрдам туфайли бу болалар тўлиқ интелектуал ривожланиш имкониятига эгадирлар. Уларга барча мураккаб мuloқат турлари яратилади, нутқи ўстирилади ва улар баркамол нутқдан тортиб, то сўз нутқигача эгаллай оладилар. Бу эса уларнинг ўрта мактаб дастуринини эгаллаб, хатто олий ўқув юртларини ҳам бошқалар қатори битиришларига имкон беради.

## **Нутқ нуқсонига эга бўлган болалар**

Логопедия бу нутқ бузилишлари хақидаги маҳсус таълим ва тарбия воситасида нутқ бузилишларини ўрганиш, тузатиш ва олдини олиш хақидаги педагогик фандир. Логопедия нутқ фаолияти бузилишининг сабаблари, механизмлари, аломатлари, оқимлари таркибини ўрганади. Шунинг учун уни маҳсус педагогика сарасига қўшадилар. Логопедия термини грекча **логес, пейдео** сўзларидан ташкил топган бўлиб, таржимада тўғри нутқни тарбиялаш маъносини англатади. Фан сифатида логопедия нутқ нуқсонини тузатиш, нутқий фаолияти заифлашган шахсларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёни хисобланади. Логопедияни ўрганиш обьекти нутқ нуқсонига эга бўлган шахс. Адабий тилда қабул қилинган нутқ нормаси билан бир оз бўлса ҳам четга чиқиши-бу нутқ нуқсони деб хисобланади.

Замонавий логопедия структураси мактабгача ёшли мактаб болалар логопедияси, ўсмирлар ва катта ёшдагилар логопедиясига бўлинади. Логопедиянинг асосий **мақсади** нутқида нуқсони бор шахсларни ўқитиш, тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг илмий асосаланган системасини ишлаб чиқиш, шунингдек нутқ нуқсонининг олдини олишдан иборатdir. Логопедия фани нутқида нуқсони бор болаларнинг шахс сифатида ҳар томонлама ривожлан И.П.Павлов таълимотига мувофик нутқ бош миянинг мураккаб психо-физиологик функциясини, унинг иккиласмчи сигнал системасини ўзида намоён этади. Биринчи ва иккинчи сигналлар системаси бир-бири билан узвий боғланганадир. Иккинчи сигнал системаси биринчи система асосида шаклланади. Аммо кейинчалик иккинчи сигнал системасининг биринчи сигнал системасига тартибга соловчи таъсири намоён бўлади. Сўз алоҳида хусусиятнинг сигнали, умумлаштириш куролидир. Биринчи ва иккинчи сигнал системалари орасидаги ўзаро мураккаб алоқаларни хисобга олиш нутқ бузилишини тузатиш, бўзилган нутқ ва нутқиз функцияларнинг ўрнини босиш устида самарали логопедик иш олиб бориш учун имокният яратади.

### **Нутқ нуқсонлари**

Нутқ нуқсони логопедия фанида муайян тилнинг меёрларидан четга чиқиши деб таърифланади. Нутқ нуқсонлари куйидагича характерланади:

1. Нутқ нуқсони ўз-ўзидан барҳам топмайди, балки вақт ўтган сари янада мустаҳкамланиб боради.
2. Нутқ нуқсони гапиравчининг ёшига мос келмайди
3. Нутқ нуқсонлари бўлган кишилар логопедик ёрдамга муҳтож бўлади.
4. Оғир нутқ нуқсони кишининг нафакат нутқига, балки умумий ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

## **Махсус педагогикада қўлланиладиган хусусий тамойиллар**

Махсус педагогикада қўлланиладиган хусусий усуллар умумий ўргатиш усуллари билан мустаҳкам боғлиқдир. Махсус таълим жараёни умумий дидактик тамойиллар билан бир қаторда хусусий тамойилларга асосланади. Хусусий тамойиллар имконияти чекланган болаларнинг индивидуал хусусиятлари, таълимдаги алоҳида эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда танланади. Хусусий тамойиллардан энг асосийлари қўйидагилар:

- таълимнинг коррекцион йўналганлиги;
- таълим жараёнининг вазиятбоплиги, ҳаёт билан боғлиқлиги;
- таълимнинг ўқувчи ёши ва имкониятларига мослиги.
- ривожланиш принципини,
  - системалик,
  - комплекслилік,
  - фаолиятда ёндашув,
  - онтогенетик принцип,
  - умумдидактик принциплари
  - Маълумотларни сифат жихатдан тахлил этиш тамоили

Маълумотларни факат сон жихатдан тахлил килиш билан чекланмай, балки хар кандай топширикни бола томонидан бажарилиш жараёни, унинг хатти-харакатларининг характеристи (у юл куйган хатолар тури ва хусусияти, топширикни бажариш жараёнига киришуви, фаоллик даражаси) хамда текширув натижаларини сифат жихатдан тахлил этиш хам ғоят мухимдир

Системалик принципи тил ҳақида мураккаб функционал система тугрисидаги тушунчага таянади. Унинг тузилиш компонентлари узаро чамбарчас алокада булади. Шу муносабат билан нуткни унинг ривожланиши жараёнларини ва бузилишини тузатишни урганиш нутк курилиши системасининг барса компонентларига, барча томонларига таъсир этишини назарда тутади.

Нутқ бузилишларининг ухаш турларини логопедик холосалаш, табакалаштириб диагностикалаш учун нуткли ва нутксиз белгиларни, тиббий, психологик, логопедик жихатдан текшириш натижаларини, билиш фаолиятининг ривожланиш даражаси ва нутқ ривожланиши нисбатларини нутқ холати ва боланинг сенсомотор ривожланишидаги мухим жихатларни тузатиш нуқтаи назаридан тахлил килиш ривожланиши принципига асосланади.

Ривожланиш принсиби, шунингдек боланинг якин ривожланиши доирасидан урин олган маолум вазифалар, кийинчиликлар боскичларни логопедик иш жараёнига ажратишни хам кузда тутади.

Нутки бузилган болаларни текшириш, шунингдек улар билан олиб бориладиган логопедик ишни ташкил килиш боланинг етакчи фаолиятларини (предметли-амалий, уйин, ташкилий) хисобга олинган холда амалга оширилади.

### **Махсус педагогика фанининг методлари**

- емпирик методлар: обсервацион (кузатиш), экспериментал (лаборатория, табиий, шакилланувчи ёки психологик-педагогик синов), психодиагностик (тестлар, стандартлаштирилган ва хаёлий лойихалаштирилган, анкеталар, сухбатлар, интервю) фаолиятини, шунингдек нутк фаолиятини хам тахлил килишнинг праксиметрик усуллари, биографик метод (анамнестик маолумотларни йигиш ва тахлил килиш).
- олинган маолумотларни микдор (математик-статистик) ва сифат анализи киради. Бунда олинган маолумотлар ЭХМни куллаган холда машинада ишлаб чикилади.
- интерпретацион методлар, услублар, урганилаётган ходисалар уртасидаги алокаларни назарий тадқик килиш усуллари (кисмлар ва бутунлик уртасидаги, алохид жихатлар ва умуман ходиса уртасидаги, функциялар ва шахс уртасидаги хамда бошка алокалар).
- Тадқикотнинг обективлигини таъминловчи техник воситалар: компьютер, интонографлар, спектрографлар, назометрлар, видеонутк, фонографлар, спирометр ва бошка аппаратуралар, шунингдек, бутун нутк фаолияти ва унинг айрим компонентларини динамикада урганишга имкон берувчи рентгенокинофотография, глотовография, кинематография, электромиографиялардан кенг фойдаланилади.

### **Назорат саволлари**

1. Дефектология фанларининг йўналишларини айтиб беринг.
2. Дефектология фанлариниг илмий-назарий ва методологик асосларини изоҳланг.
3. Дефектология фанлариниг умумдидактик ва махсус тамойилларини айтиб беринг.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. Т.: “Ношир”, 2013 й.
2. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2014 й.

3. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.
4. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
5. Аксенова Л.А. Социальная педагогика в специальном образовании. – М.: Академия, 2001.
6. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: “Fanvatexnologiyalar, 2013й.
7. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров-дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.

## **Дефектологиянинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Етакчи ва замонавий концепциялари**

### **Режа**

1. Психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари.
2. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ўзига хос хусусиятлари
3. Коррекцион педагогиканинг предмети
4. Ривожланишдаги нуқсонларнинг сабаблари.
5. Олий психик функцияларнинг ривожланиши ҳақида Л.С. Виготскийнинг концепцияси.
6. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар ҳақида тушунча.
7. Психик дизонтогенез ва унинг асосий вариантлари.

### **1. Психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари**

Психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари Л.С. Виготский томонидан таърифлаб, берилган. Лев Семенович Виготскийнинг таъкидлашича, нормал ва аномал бола бир хил қонуниятлар бўйича ривожланади.

Психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари.

ИНТЕГРАЦИЯ – инсон ҳаёти давомида бошида тарқоқ бўлган психик жараёнлар турғун ва шу билан бирга мослашувчан функционал тизимларга бирлашиб боради (О.Н. Усанова " Дети с проблемами психического развития").

Психик жараёнларнинг бир текисда ривожланмаслиги – яъни ҳар битта психик функция учун у энг жадал ривожланадиган мақбул (оптималь) муддатлар мавжуд. Психик функцияларнинг нормада ривожланиши гетерохрония қонунига бўйсунади (психик функцияларнинг онтогенезда шаклланишида муайян муддатлар, кетма-кетлик). Ривожланиш бузилганида асинхрония кузатилади, яъни психик функциялар шаклланишининг муддатлари ва нормал кетма-кетлиги бузилади.

Боланинг нерв тизими ва психикасининг МОСЛАШУВЧАНИЛИГИ. Болалиқда психика анча юмшоқ ва мослашувчан бўлади ва бунинг ҳисобига бузилишлар компенсация қилиниши мумкин, яъни бирининг ҳисобига иккинчиси ишлаши мумкин.

Ҳар қандай зиён ёки ҳар қандай заарли таъсир организмнинг ҳимоялаш реакциясини ишга солади, ўша камчиликни тўлдиришга даъват этади, бунинг натижасида организм учун хавф юзага келади.

Л.С. Виготский ривожланишида нуқсони бўлган болада ривожланишда умумий қонуниятлар билан бир қаторда ўзига хос хусусиятларни ҳам кўрсатиб ўтган.

Рус психологи Л.С. Виготский (1896-1934) олий психик функциялар ривожланишининг концепциясини яратган олимдир. У ўзининг нуқсонли болалар психологияси лабораториясида дефектология муаммолари билан шуғулланган. Ўз илмий фаолиятининг сўнгги босқичида тафаккур ва нутқ, ички нутқнинг ўзаро нисбатини тадқиқ этган ("Мышление и речь", 1934), болалар психологиясига энг яқин ривожланиш зонаси тушунчасини киритган, рус ва жаҳон тафаккури ривожига катта таъсир кўрсатган олимдир.

Л.С. Виготскийнинг хизмати шундаки, у нормал ва аномал боланинг ривожланиши бир хил қонунларга бўйсунган бўлиб, бир хил босқичларни босиб ўтишини, бироқ аномал болаларда бу босқичлар вақтда чўзилиб кетишини ва нуқсоннинг мавжудлиги аномал бола ривожланиши ҳар бир ҳолатда ўзига хос кечишини кўрсатиб берди.

Нуқсонли ривожланишининг умумий қонуниятлари қуидагиларда намоён бўлади:

1. **ДИВЕРГЕНЦИЯ**, яъни ривожланишда икки жиҳат – биологик ва ижтимоий (психик) жиҳатлар ўртасидаги тафовут. Нормада бу икки жиҳатлар бир-бирига тўғри келади. Бола ўсади, жисмонан ривожланади ва унинг ёшига муайян психик ривожланиш даражаси мос келади. Ривожланишида нуқсони бўлган бола эса жисмонан ўсади, улғаяди, аммо психик ривожланиши орқада қолади ва тегишли коррекцион иш олиб борилмаса, бу ҳолат тобора чуқурлашиб боради.

2. Аномал ривожланиш **МУРАККАБ НУҚСОН ТУЗИЛИШИ** билан характерланади. Бунда ҳамма вақт бирламчи нуқсонлар кузатиладики, улар биологик сабаблар туфайли келиб чиқсан бўлади, яъни бош миянинг органик шикастланиши ёки марказий нерв тизимининг жиддий функционал бузилишлари оқибатида келиб чиқади. Бу бузилишлар турғун бўлиб, уларни коррекция қилиб бўлмайди. Бироқ бугунги кунда бундай дейиш хато, чунки тиббий коррекция олиб борилиши мумкин, аммо бирламчи нуқсонларни педагогик йўл билан коррекция қилиб бўлмайди.

Иккиласми нуқсонлар бирламчи нуқсонлар базасида шаклланади ва ижтимоий асосга эга бўлади, яъни бола нуқсонли ривожланади. Бу нуқсонлар маҳсус педагогик методлар ёрдамида бартараф этилиши ёки коррекция қилиниши мумкин.

Шахс шакланишининг бузилишларида намоён бўладиган (характер, хис-туйғулар, мотивлар) учламчи нуқсонлар ҳам бўлиши мумкин.

Иккиламчи нуқсон аномал ривожланишни психологик тадқиқ қилиш ва коррекциялашда асосий обьекти бўлиб хизмат қиласди.

3. Ривожланиши бузилган функциялардан ташқари ҳамма вақт сақланган функциялар ҳам мавжуд бўлади. Коррекцион иш шикастланган функцияларни четлаб ўтиб, сақланган функцияларга таянган ҳолда олиб борилиши лозим. Л.С.Виготский коррекцион иш принципини четлаб ўтиш принципи деб таърифлайди.

Болалар билан ишлаш амалиётида Л.С.Виготскийнинг “Таълимнинг ривожлантирувчи ҳарактери ҳақида”ги концепцияси ишлаб чиқилган. Таълим ривожлантириши лозим ва бунга педагог “актуал ривожланиш зонаси” ва “энг яқин ривожланиш зонаси”ни аниқлай олгандагина эришиш мумкин.

Маълумки, ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ҳар битта турида ҳаётий тажрибанинг тўпланиши турли сабабларга кўра ва турли даражада орқада қолади, шунинг учун уларнинг ривожланишида таълимнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Аввал коррекцион таълим хотира, дикқат, кузатувчанлик, сезги органларини машқ қилдириш билан чекланар ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган машқлар тизимидан иборат бўлар эди. Л.С.Виготский биринчиралдан бўлиб бундай машқларнинг оғир таъсиrlарига эътибор қаратди. Олим ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг билиш фаолиятидаги камчиликларни тузатиш ишлари бир бутун таълим-тарбия жараёнига сингиб кетадиган, ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолияти давомида олиб борилиши таъминланадиган коррекцион-тарбиявий иш жараёни учун курашди.

Болалар психологиясида таълим бериш ва ривожлантириш ўртасидаги ўзаро нисбат муаммосини ишлаб чиқар экан, Л.С.Виготский таълим ривожланишдан олдинда бориши, илгарилаши ва боланинг ривожланишини ўз ортидан эргаштириши лозим деган хulosага келди. Таълим ва ривожлантириш жараёнлари ўртасидаги ўзаро нисбатни шу тарзда тушуниш олимни шундай хulosага олиб келдики, бола ривожланишида мавжуд (актуал) даража ва унинг потенциал имкониятлари (“энг яқин ривожланиш зонаси”) бирдек ҳисобга олиниши лозим.

Ақлий ривожланишнинг актуал даражасини Л.С.Виготский текширув пайтида болада пишиб етилган психик функциялар асосида шаклланган билим ва кўникмлар сифатида белгилаб берди.

Энг яқин ривожланиш зонаси бола мустақил қила оладиган ишлардан ҳамкорликда қила оладиган ишларга у ёки бу даражада ўтиш имкониятини билдиради ва боланинг ривожланиш динамикасини қўрсатадиган энг аниқ белги ҳисобланади. Билиш жараёни мана шундай кечади. Бола у ёки бу масалани ёрдам воситасида, таълим жараёнида унга сингдирилган усусларни ўзлаштирган ҳолда мустақил ҳал қила олиши ва худди шундай масалани ҳал қилишда мустақил йўл тута олиши боланинг энг яқин ривожланиш зонасини

анқилашда энг ҳаққоний мезон вазифасини ўтайди. Ўқув вазифасининг қийинлиги боланинг энг яқин ривожланиш зонаси доирасига жавоб бериши лозим, чунки айнан мана шу боланинг таълимга лаёқатлилик кўрсаткичи бўлиб, диагностика учун ғоят муҳимдир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Л.С.Виготский таълимотига кўра ривожланишида нуқсони бўлган болаларда “актуал ривожланиш зонаси” ва “энг яқин ривожланиш зонаси” бўлади. Меъёрда ривожланаётган болаларда энг яқин ривожланиш зонаси нисбатан кенг бўлиб, бу болалар катталар билан фаол мулоқотга киришади, аввал ёрдам билан бажараётган ишларини ўзлари мустақил бажара олади. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларда эса энг яқин ривожланиш зонаси турли даражада тор бўлади (бундай болалар ёрдам олгиси келмайди, катталар ёрдамида бажарган ишини сал вақт ўтиб ўзлари мустақил бажаришдан бош тортади). Ақли заиф болаларда энг яқин ривожланиш зонаси ҳаммадан тор бўлади. Уларга таълим бериш жуда қийин.

Боланинг психик ривожланишидаги ўзига хосликлар, актуал ва энг яқин ривожланиш зоналари, таълим ва тарбиянинг етакчи ўрни, коррекцион таъсирни амалга оширишда бир бутун динамик ва тизимли ёндошув зарурлиги ҳақидаги Л.С.Виготский ғоялари бошқа қатор олимларнинг назарий ва экспериментал тадқиқотларида, шунингдек маҳсус мактабларнинг амалиётида ўз аксини ва давомини топди. Олим ишлаб чиққан концепциялар унинг ўқувчилари вак издошлари тадқиқотларида янада бойитилди (А.Р. Лурия, А.Н. Леонтьев, В.В. Лебединский, В.И. Лубовский, Р.Е. Левина).

Виготский ва у яратган мактаб намоёндалари томонидан илгари сурилган ғоялар ҳозирга қадар бу соҳадаги минглар олимлар илмий дунёқарашининг асосини ташкил этиб келмоқда, психолог-олимларнинг янгидан-янги авлодлари унинг асарларидан илҳом одалирар.

### **3. Маҳсус педагогиканинг предмети.**

Имкониятлари чекланган болаларнинг тарбияси ва таълими коррекцион педагогика ва маҳсус психологиянинг муҳим вазифасидир. Мамлакатимизда амал қилаётган маҳсус таълим тизими ривожланиши меъёрдан четга чиқкан бола нуқсонини коррекциялаш, уни ижтимоий мослаштиришда энг мақбул шарт-шароитларни яратишдан иборат вазифаларни ҳал қиласди. Коррекцион педагогика ва маҳсус психологияга оид билимлар маҳсус коррекцион таълим муассасаларида ҳам, оммавий таълим шароитида ҳам ривожланишида нуқсони бўлган бола тарбиясидаги қийинчиликларни енгиб ўтиш йўлларини топишга ёрдам беради.

Маҳсус психология таълимда ва тарбияда маҳсус шарт-шароитларнинг яратилишига муҳтож болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. Бундай болалар тоифасига анализаторларида, таянч-ҳаракат аппратида, эмоционал-иродавий соҳада бузилишлар кузатилган, турли психик бузилишларга учраган болалар киради.

Коррекцион педагогика мактабгача маҳсус таълим муассасалари шароитида ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг таълими ва

тарбияси билан боғлиқ назарий масалаларни ўрганади. Коррекцион педагогика – таълим беради, тарбиялайди, коррекциялайди.

Илмий билиш соҳаларидан бири бўлган коррекцион педагогиканинг тадқиқот предмети – жисмоний ва психик камчиликлари бўлган болалар ва уларнинг таълим-тарбия муаммолари.

Коррекцион педагогикага бир неча мустақил соҳалар киради: сурдопедагогика (эшитишида камчилиги бўлган болаларнинг таълими ва тарбияси масалалари билан шуғулланади); тифлопедагогика (кўришида камчилиги бўлган болаларнинг таълими ва тарбияси масалалари билан шуғулланади); олигофренопедагогика (акли заиф болаларнинг таълими ва тарбияси масалалари билан шуғулланади); логопедия (нутқ камчиликларини ўрганади ва коррекциялайди).

#### **4. Ривожланишдаги нуқсонларнинг сабаблари.**

Ривожланишдаги меъёрдан чекинишлар ёки нуқсонлар асосида нерв системасининг ёки муайян анализаторнинг бузилишлари ётади: уларнинг натижасида алоҳида органлар ёки бутун организмнинг тузилиши ва фаолиятида чекинишлар юзага келади. Чекинишлар бачадон ичидан, туғруқдан кейинги ривожланиш жараёнида, ирсий омиллар таъсири натижасида юзага келиши мумкин. Аномалияларнинг юзага келиш сабаблари билан боғлиқ ҳолда уларни туғма ва эгалланган турлари фарқланади.

Хар қандай патологияда нерв системасида шикастланиш ўчоқларини топиш мумкин. бундай ҳолларда туғма ёки эгалланган органик шикастланишлар борлиги назарда тутилади. Бироқ органик шикастланишлар билан бир қаторда ўта таъсирчанлик ёки тормозланиш, алоҳида функционал системалар ишининг мувофиқлашмаганлиги билан боғлиқ ҳолда нерв системасидаги у ёки бу бўйимлар функциясининг бузилишлари учраши мумкин. Бундай ҳолларда нерв фаолиятининг функционал бузилишлари хақида сўз юритилади.

Туғма аномалияларнинг юзага келиш сабаблари турлича. Туғма аномалиялар бачадон ичидан ривожланиш даврида эмбрион ёки ривожланаётган ҳомилага ҳар хил заарли таъсирлар (интоксикациялар – организмнинг заҳарли моддалар билан заҳарланиши, инфекциялар, жисмоний ва психик жароҳатлар, токсикозлар, нотўғри овқатланиш, ҳомиладор аёлнинг турли касалликлари – юрак, ўпка, эндокрин безлар) натижаси бўлиши мумкин. Онанинг оч қолиши, дистрофия, нотўғри овқатланиш ҳомилада озиқа моддалар (оксилилар, ёғлар, углеводлар, витаминалар)нинг етишмовчилигига сабаб бўлади. Гормонал бузилишлар, буйрак ва жигар касалликлари, онанинг ичкиликка ружу қўйгани, ҳомиладорлик пайтида антибиотиклар, сульфаниламид препаратларни ва ҳ.к. истеъмол қилиш ва шу каби бошқа омиллар ҳам ҳомила ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Бачадон ичидаги инфекцияларни ҳар хил касалликлар вируслари (қизилча, грипп, қизамиқ ва ҳ.к.) келтириб чиқариши мумкин. ҳомила касаллигининг манбаи – онанинг ўзи. Туғма қизилчада кўз касалликлари,

масалан, катаракта (кўз гавҳарининг хиралариши), шунингдек таянч-ҳаракат органларининг шикастланиши кузатилади.

Она ва ҳомила қонининг резус мослашмаганлиги натижасида ҳар хил мия шикастланишлари юзага келади. Бундай ҳолларда қобиқ ости ҳосиллари, қобиқнинг чакка соҳалари ва эшитиш нервлари азият чекади.

Ривожланаётган ҳомилага патологик омилларнинг таъсири кўрсатиш вақти билан улар таъсиридаги салбий оқибатлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа мавжуд. Эмбрион бачадон ичидағи ривожланишида қанча эрта шикастланган бўлса, ушбу заарли ҳолатлар келтириб чиқарадиган оқибатлар шунчалик оғир бўлади. Энг кўпол нутқ нуқсони ҳомиланинг 4 хафтадан то 4 ойгача бўлган даврда ривожланиши бузилганида юзага келади.

Кўп ҳолларда туғма болалар нуқсонлари генетик (ирсий) омилларнинг таъсири сифатида юзага келади. Хромосамаларнинг сони ва тузилишидаги бузилишлар келтириб чиқарган айрим олигофрения турлари (масалан, Даун касаллиги) ва психозлар ирсий йўл билан ўтиши мумкин. Янги туғилган чақалоқлар орасида хромосомалар келтириб чиқарган касалликлар 1%ни ташкил қиласиди. Шунингдек карликнинг айрим турлари ва кўриш анализаторларининг айрим бузилишлари ҳам наслдан наслга ўтиши кузатилади. Хромосомалар касалликларида микроцефалия (катта ярим шарлар қобиғининг ривожланмай қолиши) учраши мумкин, бу чуқур ақлий нуқсонни келиб чиқишига сабаб бўлади. Ота-онадаги генератив хўжайраларнинг ривожланмай қолганлиги нафақат ирсият билан боғлитқ бўлади, балки ташқи таъсиrlарда ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, она организмига ядро нурланишининг таъсири ёки у яшаб турган жойдаги экологик бузилишлар кўп ҳолларда боланинг мажрух бўлишига ва ақлий орқада қолишига олиб келиши мумкин.

Наслга ота-онанинг ичкиликка ва гиёҳвандликка ружу қўйгани ҳам наслга катта салбий таъсири кўрсатади ва туғма нуқсонларни келтириб чиқаради. Онанинг ичкиликбозлиги ҳомиланинг марказий нерв системасида, сук системаси ва ички органларида патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради. “Алкоголизм синдроми” деган ҳолат кузатилади, ва у ҳомила ўсишининг орқада қолиши, микроцефалия (бошнинг кичрайиши), мушакларнинг заифлашуви, ўта таъсиrlchanlik ва бетартиб ҳаракатланиш билан кечади.

Орттирилган болалар аномалиялари боланинг туғилиш пайтида ва кейинги ривожланиш даврларида унинг организмига етказиладиган турли заарли таъсиrlар оқибатида ҳам юзага келиши мумкин. бунда ҳомиланинг механик шикастланиши (туғруқ пайтидаги жароҳатлар), туғилаётган бола нафасининг тўхтаб қолиши (туғруқ пайтидаги асфиксия) жуда хавфли.

Туғруқ жараёни қандай кечгани боланинг кейинги ривожланиши учун ғоят муҳим. Ҳозирги пайтда номақбул туғруқ ҳолатлари кўп учрайди. Айниқса ҳар хил туғруқ жароҳалари тез-тез учраб туради. Улар орасида асфиксия – ҳомиланинг бўғилиши биринчи ўринда туради. Кейин кенг учраш даражасии бўйича бош суюгининг лат ейиши, мия жароҳатлари, туғруқ

пайтида туғаётган аёл ҳолатининг нотўғрилиги, масалан, туғруқ фаолиятидан кейин оёққа туриши келади.

Бола илк ёшида (1-3 ёшларда) бошидан кечирган оғир касалликларни натижасида марказий нерв системасининг органик шикастланиши келиб чиқиши мумкин. Буларга менингитлар, энцефалитлар, полиомиелитлар, қизамиқ, грипп киради. Менингит (мия қобиқларининг яллиғланиши) билан касалланиш гидроцефалиялар, карлик, таянч-ҳаракатнинг бузилиши, руҳий ривожланиш орқада қолишга олиб келиши мумкин. Энцефалит (бош мияннинг яллиғланиши) билан касалланиш оқибатида кўп жиҳатдан беморнинг ёшига боғлиқ. Боланинг илк ёшида бу чуқур руҳий ва мотор ривожланишнинг орқада қолиши, аффектив портлашлар, кайфиятнинг нобарқарорлигига сабаб бўлади. Полиомиелит (нерв системасининг ўткир инфекцион касаллиги) боланинг ҳаракатланиш имкониятларини кескин чеклаб қўйиши мумкин. Бу касаллик алоҳида мушаклар гурухининг барқарор фалажланиши билан кечади.

Бола ҳаётининг номақбул ижтимоий шарт-шароитлари ҳам унинг ривожланишига у ёки бу даражада салбий таъсир кўрсатмай қўймайди. Улар эрта бола натўғри ривожланишига олиб келади. Бу эса боланинг ҳам жисмоний, ҳам интеллектуал, ҳам шахс сифатидаги ривожланишига тўсқинлик қиласди.

Бола ривожланишида камчиликларни четлаб ўтиш имкони бўлмай қолган ҳолларда бор кучни бола организмининг соғлом тизимларидан максимал даражада фойдаланиш, бола ривожланишидаги камчиликлар билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай, унга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам беришга қаратиш лозим.

## **6. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар ҳақида тушунча.**

Ривожланишида камчилиги бўлган болалар бу жисмоний ёки руҳий ривожланиши бузилган ва маҳсус таълим шароитларига эҳтиёж сезган болалардир.

Камчилиги бўлган болалар ва меъёрдаги болаларнинг ривожланиши бир хил қонуниятлар асосида кечади. Бузилган ривожланиш жараённида болада бу ривожланишнинг нафақат салбий, балки ижобий жиҳатлари ҳам намоён бўлади. Ривожланиши орқада қолган болаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда сакланиб қолган функциялардан фойдаланиш эвазига табиий компенсация жараёнлари кечади. Бироқ камчилиги бўлган болаларнинг ривожланишини меъёрга максимал даражада яқинлаштириш учун коррекцион йўналишга эга бўлган ва нуқсоннинг ўзига хос томонини ҳисобга олган маҳсус педагогик таъсир кўрсатиш тизими талаб қилинади.

## **7. Ривожланишида нуқсони бўлган болалар турлари.**

Ривожланишдаги нуқсонлар билан боғлиқ ҳолда ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

1. Ақлий ривожланиши орқада қолган болалар ёки ақлий қолок болалар.
2. Эшитиши орқада қолган болалар (заиф эшитувчи, кар).

3. Кўриши орқада қолган болалар (заиф кўрадиган, кўр).
4. Нутқий ривожланиши орқада қолган болалар
5. Таянч-ҳаракат аппарати бузилган болалар.
6. Руҳий ривожланиши орқада қолган болалар
7. Мураккаб нуқсонли болалар.
8. Эмоционал соҳада бузилишлар кузатилган болалар (эрта болалар аутизми синдроми)
9. Хулқ-атворида бузилишлар кузатилган болалар (хар хил психопатияли болалар)

## **8. Психик дизонтогенез ва унинг асосий варианatlари.**

Психиканинг ривожланишини белгилайдиган омиллар.

Аномал ривожланиш тури олий нерв системасининг шикастланиш вақтига боғлиқ. Боланинг З ёшигача ва З ёшидан кейин юзага келадиган марказий нерв системасининг шкастланиши ҳар хил турдаги дизонтогенезларнинг шаклланишига олиб келади. агар шикастланиш бола З ёшга киргунига қадар содир бўлган бўлса, бу ҳолда бола нуқсонли ривожланади. Ривожланиш содир бўлади, бироқ у бузилган бўлади: ривожланмай қолиш (олигофрения), ривожланишнинг орқада қолиши (алалия). Агар психиканинг бузилиши бола З ёшга тўлганидан кейин содир бўлса, бунда шаклланиб бўлган психик функцияларнинг емирилиши (йўқотилиши) содир бўлади. Бундай ҳолларда аниқ ифодаланган салбий динамика кузатилади, яъни боланинг психик ҳолати ёмонлашиб бораверади ва психиканинг бутунлай емирилишига олиб келади.

Аномал ривожланиш тури бузилиш бош мия қобигининг қайси участкалари шикастланганига ҳамда бузилишнинг оғирлик даражасига боғлиқ бўлади.

Олий психик функциялар инсон психикасини ҳайвон психикасидан ажратиб турадиган бош омилдир. Олий психик функциялар деб ўз келиб чиқишига кўра ижтимоий рух касб этган, инсоннинг ҳаёти давомида шаклланадиган, ўзларининг амалга ошиш усулига кўра ихтиёрий бўлган ва нутқ орқали ифодаланадиган мураккаб психик жараёнларга айтилади. Психик функцияларнинг иккита даражаси фарқланади: табиий психик ҳодисалар ва маданий психик ҳодисалар.

Табиий психик ҳодисалар шундай психик ривожланишнинг шундай асосики, инсон улар билан бирга туғилади, яъни улар наслдан наслга мерос бўлиб ўтади.

Маданий психик ҳодисалар эса инсоният жамиятининг маданияти таъсири остида шаклланади. Маданият деганда цивилизация эришган жами ютуқлар кўзда тутилади. Цивилизациянинг бош ютуғи бу, шубҳасиз, оғзаки ва ёзма нутқнинг юзага келишидир.

Олий психик функцияларнинг иккинчи даражаси инсоннинг ҳаёти давомида шаклланади. Унинг шаклланиш механизми қандай? Бунда аввал ўтган аждодларнинг маданий-тарихий тажрибаси, билимлари нутқ ва тарбия воситасида ўзлаштирилади. Айнан шу нуқтаи назар Л.С.Виготскийнинг

“Психиканинг келиб чиқиши ва ривожланишининг маданий-тариҳий назарияси” номига асос бўлди.

Дизонтогенез – болаликда олий психик функциялар шаклланишининг бузилиши.

Вазифа: ҳар бир дизонтогенез турига мос ривожланишида камчилиги бўлган болалар турини аниқлаш.

1-турдаги дизонтогенез. РИВОЖЛАНМАЙ ҚОЛИШ (механизми: психик функцияларнинг ривожланишида тўхташ кузатилади).

Бундай дизонтогенезда шикастланиш анча эрта содир бўлади. Бунда мия тизимларининг, биринчи навбатда узоқ муддат ривожланадиган, нисбатан мураккаброқ тузилишга эга бўлган мия тизимларининг очиқ-ойдин ривожланмай қолиши кузатилади. Шунингдек генетик ривожланиш нуқсонлари, бачадон ичидан, туғруқ ва эрта постнатал бир қатор таъсирларда юз берадиган етилмаган миянинг диффуз шикастланишлари мия тизимларининг ривожланмай қолишига олиб келади.

2-турдаги дизонтогенез. ривожланишнинг орқада қолиши (бир ёки бир нечта психик функцияларнинг секин суръатда шаклланиши билан характерланади).

Ривожланишнинг орқада қолишида намоён бўладиган психик дизонтогенезда билиш ва эмоционал соҳаларнинг ривожланиш суръатлари секинлашади. Ривожланишнинг орқада қолишини генетик омиллар, сурункали касалликлар, номақбул тарбия шароитлари, инфекциялар, интоксикациялар, бош миянинг жароҳатланиши келтириб чиқариши мумкин.

Дизонтогенезнинг бу турида етишмаган функциялар билан бир қаторда сақланган функциялар ҳам бўлади ва улар коррекциялаш йўли билан яхши ривожланиши мумкин.

3-турдаги дизонтогенез. шикастланган ривожланиш (аввал шаклланган функцияларнинг заарли омиллар таъсири остида емирилиши билан характерланади).

Шикастланган ривожланиш ирсий касалликлар, инфекциялар, интоксикациялар, марказий нерв системасининг жароҳатланиши оқибатида юзага келиши мумкин, яъни шикастланган ривожланиш сабаблари 1- ва 2-турдаги ривожланишдаги камчиликлар сабаблари билан бир хил. Ушбу ривожланиш турининг асосий фарки шундаки, бунда мияга қаратилган патологик таъсир анча кеч содир бўлади ва бунинг натижасида мия тизимларининг анча қисми шаклланиб улгурган бўлади. Дизонтогенезнинг ўзига хослиги шундаки, бир қатор шаклланган психик функцияларнинг кўпол шикастланганлиги ва онтогенетик жиҳатдан анча ёш ҳосилалар (манглай тизимлари)нинг ривожланмай қолганлиги ўзаро қўшилиб кетгани кузатилади. Бунда психик ривожланиш оғир кечади, интеллект ва хулқнинг кўпол бузилиши кузатилади.

4-турдаги дизонтогенез. бузилган ривожланишбузилган ривожланишда умумий ривожланишнинг орқада қолиши, шикастланган ривожланиш ва алоҳида психик функцияларнинг тезкор ривожланиши мураккаб тарзда

кўшилиб кетгани кузатилади. Сўнгги пайтларда ривожланишдаги бундай бузилиш бош миянинг органик шикастланиши билан боғлиқ деган фикрлар билдирилмоқда. Дизонтогенезнинг бу тури учун аниқ ифодаланган асинхрония хос булиб, бунда алоҳида тизимларнинг ривожланиш кетма-кетлиги бузилади. Аутизмнинг юзага келиши, айниқса эрта ривожланиш босқичларида кўп жиҳатдан атрофдан диффузияли қўрқиш билан боғлиқ. Мулоқотнинг етишмаслиги боланинг ижтимоий ривожланишига халал берадиган муҳим тўсиқ бўлади. Бундай болаларда иккита хусусият кузатилади: ҳиссий бузилишлар; бузилган тафаккур – бола умумлашма ижтимоий тажрибага эмас, балки ўзининг шахсий холосалари, умумлаш аларига таянади.

5-турдаги дизонтогенез. ривожланишнинг етишмаслиги (ёки дефицитар ривожланиш). Бунда эшлишиш, кўриш, таянч-ҳаракат аппаратидаги оғир нуқсонлар сабабли болаларда сенсор стимулларнинг етишмаслиги ҳиссий соҳанинг бузилишига олиб келади, натижада бундай болалар шахсининг патологик ривожланиши кузатилади. Бунда олий психик функциялар ахборот етишмаслиги шароитида шаклланади, натижада олий психик функцияларнинг шаклланиш жараёни бузилади.

Дизонтогенезнинг бу турида эшлишиш, кўриш анализаторларининг бирламчи бузилиши улар билан бевосита боғлиқ функцияларнинг ривожланмай қолишига, шунингдек бошқа бир қатор функциялар ривожланишининг секинлашувига олиб келади. Айрим психик функциялар ривожланишининг бузилиши бутун бошли психик ривожланишга тўсқинлик қиласи.

Дефицитар ривожланишда боланинг психик ривожланиши ушбу функциянинг қай даражада чуқур шикастланганлигига боғлиқ. Бунда интеллектуал соҳанинг ва бошқа сенсор тизимларнинг сақланиб қолган имкониятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Алоҳида серсор тизимларнинг бузилиши натижасида содир бўлган дефицитар ривожланиш ўрнини бошқа алоқа каналлари ва интеллектуал имкониятларнинг сақланиб қолгани хисобига қоплаш мумкин. Бунда мос таълим ва тарбия шароитларини яратиш эвазига ривожланишдаги етишмовчилик ўрнини қоплаш мумкин. бундай ҳолларда етарли даражадаги коррекцион иш олиб борилмаса, боланинг билиш фаолиятида ҳам, шахсида ҳам орқада қолиш содир бўлади.

6-турдаги дизонтогенез. носоз ривожланиш (дисгармоническое развитие). Бунда билиш фаолияти сақланган болада хулқ-атвор бузилиши кузатилади. Носоз ёки нономал ривожланишда шахслар шаклланади. Улар ташқи муҳит таъсирларига мувофиқ келмайдиган муносабат билдиришлари билан ажралиб турадилар. Бунинг натижасида уларнинг хулқ-атворлари у ёки бу даражада бузилган бўлади, уларнинг атроф муҳитга мослашуви қийин кечади.

Носоз ривожланиш кўпроқ ҳолларда ирсият билан боғлиқ психопатияларда ўз ифодасини топади. Психопатиянинг ифодаланганлик

даражаси ва хатто унинг шакланишининг ўзи кўп жихатдан бола тарбияланадиган шароит ва атроф мухитга боғлиқ.

Ривожланишдаги бузилишлар қанча эрта ташхисланса ва коррекцияланса, шунча ижобий натижага эришиш мумкин.

Илк ёш органлар ва тизимларнинг ва, аввалам бор, мия функцияларининг шакланишида алоҳида даврdir. Бош мия қобиғи функциялари организмнинг атроф мухит билан ўзаро таъсири натижасида ривожланади. Бу ҳодиса бола ҳаётининг дастлабки З йилида айниқса жадал суръатларда содир бўлади. Болаликнинг илк даври учун бир қатор хусусиятлар хосдир.

Биринчи хусусият сакрашлар билан содир бўладиган жуда тез ривожланиш суръати билан ифодаланади. Билимларни секин-аста жамғариш даврлари кескин (критик) даврлар билан алмашиниб келади. бола ҳаётининг биринчи йилидаги кескин давр юришни ўзлаштириш билан, иккинчи йилида нутқ, нутқ-тафаккур фаолиятининг ривожланиши кузатилади, учинчи йилида болада ўз-ўзини англаш ҳисси жадал ривожланади.

Кескин ривожланиш даврларининг (сакрашларнинг) йўқлиги бола ривожланишидаги бузилишлардан дарак беради.

Иккинчи хусусият шакланаётган кўникма ва малакаларнинг нобарқарорлиги ва тугалланмаганилигига намоён бўлади. Номақбул омиллар таъсирида (стресс, касалликлар, педагогик таъсирнинг йўқлиги) кўникмаларнинг йўқолиши, ретардация ҳодисаси, яъни эртароқ ривожланиш босқичида қолиб кетиш содир бўлиши мумкин.

Илк болалик учун хос бўлган учинчи хусусият болаларнинг соғлиги, жисмоний ва нерв-психик ривожланиши ўзаро алоқада ва уўзаро муносабатда бўлишидадир. Бола ҳолатидаги ўзгаришлар унинг нерв-психик ҳолатига таъсир қиласи.

2.“Таълим тўғрисида”ги Конун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга татбиқ қилиш жараёнида халқ хўжалигининг барча жабҳаларида “инсон омили”нинг роли ортиб бормоқда. Юксак қобилиятли мустақил фикрловчи ўз позициясини ҳимоя қила оладиган мутахассисларни тайёрлашга талаб кун сайин кучайиб бормоқда. Модомики шундай экан, истеъододли якка шахсларнигина эмас, балки кенг оммаларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш муаммоси заруратга айланиб келмоқда. Бундай шароитда инсон ва унинг интеллектуал салоҳиятига алоқадор бўлган фанларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир шахснинг ташқи ва ички имкониятларидан фойдаланиш, уларни рўёбга чиқариш йўлларини илмий-назарий ҳамда методологик жихатдан ишлаб чиқиши эҳтиёжи туғилмоқда.

Мустақиллик йилларида таълимнинг бошқа турлари қатори олий таълим тизимида ҳам ёndoшув ва мезонлар тубдан ўзгарди. Аввало, фан ва техника, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа соҳаларнинг реал эҳтиёжи, ҳаёт талаблари, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш истиқболлари асосида юқори малакали, рақобатга бардошли

мутахассислар тайёрлашнинг замонавий тизими йўлга қўйилди. Мамлакатимизда ёшларни, айниқса талабаларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш муаммоси таълим тизими олдида турган устувор масалалардан биридир.

**Махсус таълим муассасалари учун ўқитувчилар  
(олигофренопедагог, сурдопедагог, тифлопедагог ва логопедлар) ни  
тайёрлаш тарихи**

Ўзбекистон республикасида махсус таълим тизими учун малакали кадрларни тайёрлаш дастлаб Низомий номидаги ТДПИда бошланган. 1967 йилда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика-психология факультети қошида дефектология бўлими ташкил қилинди. Кейинчалик бу бўлим Бошланғич таълим методикаси факультети билан бирлаштирилди ва «Бошланғич таълим методикаси ва дефектология факультети» деб номланиб, фаолият олиб борди. 1981 йилга қадар дефектология бўлими ёрдамчи мактаб ўқитувчиси ва логопед мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлар эди. 1981 йилдан бошлаб эса яна бир бўлим - сурдопедагогика бўлими ташкил қилинди ва икки мустақил: «Олигофренопедагогика ва логопедия» ҳамда «Дефектологиянинг клиник асослари ва сурдопедагогика» кафедралари фаолият юрита бошлади. 1984-85 ўқув йилидан факультет мустақил Дефектология факультетига айлантирилди.

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб, дефектология факультети Бошланғич таълим методикаси факультети билан бирлаштирилди.

2006 йилдан бошлаб дефектология факультети ўз таркибига «Коррекцион педагогика» ва «Махсус таълим методикалари» кафедраларини бирлаштириб, мустақил ҳолда фаолият кўрсата бошлади.

Хозирги кунда ушбу факультетга хар ўқув йилида ...нафар талаба қабул қилинмоқда. Бакалавр-дефектолог-ўқитувчи йўналишида талabalар 4 йил давомида ақлий, нутқий ривожланишида, эшитишида, кўришида муаммоси бўлган болалар махсус таълим муассасаларида таълим-тарбия беришнинг назарий ва амалий жиҳатлари билан қуролланадилар.

Бакалавриат босқичини тамомлаган талabalар «Олигофренопедаго-гика» ва «Логопедия» йўналишлари бўйича Магистр илмий даражасини олиш учун тест-синовларини топшириб, олий таълимнинг кейинги поғонасида таҳсил олишни давом эттирадилар. Бу босқичда талabalар 2 йил давомида махсус таълимнинг юқорида номланган соҳалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш

Республикамиз ҳукумати томонидан 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши соҳанинг янада тараққий этишига муҳим хисса қўшди. Ихтисослаштирилган мактаблар ўқитувчиларининг касбий даражасини ошириш тизимини яратиш мақсадида 2007-2008 ўқув йилидан бошлаб Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Нукус, Ангрен, Қўқон, Жиззах ва Навоий педагогика институтлари ҳузурида дефектология кафедралари ташкил қилинди ҳамда ушбу йўналиш бўйича 25 нафардан талаба қабул қилинди.

Янги очилган кафедраларнинг мудири вазифасига илмий даражага эга мутахассислар тайинланди ҳамда мазкур кафедралар зарур меъёрий хужжатлар, алоҳида хона, техник воситалар билан таъминланди.

1918 йилда Петроградда ёрдамчи мактаб ўқитувчилари танёрлайдиган қисқа муддатли курслар ва Мактабгача тарбия инс-титути қошида путқида нуқсонн бор болаларн тарбиялаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш факультети очнлган эди. Мактабгача тарбия институти 1920 йилда соғлом ва аномал болаларн социал тарбиялаш институтига айланган. Кейинчалик бу институт Герцен номли Ленинград Давлат педагогика институтининг дефектология факультетига айланган. 1919 йилда Москвада РСФСР Халқ маорифи комитети (Наркомпрос)нинг Медик-недагогик стация қоши-да дефектолог-ўқитувчиларни тайёрлайдиган маҳсус курслар очил-дн, 1920 йилда аномал болаларни тарбиялаш институти очилиб, 1925 йилда бу институт 2-Москва Давлат университети педагогика факультетининг дефектология бўлимига айланди, 1930 йилда эса дефектология бўлими В.И. Ленин номли Москва Давлат педаго-гика институтининг мустақил факультетига айланди. 1938 йилда ушбу факультет Москва Давлат педагогика дефектология инсти-тутига айланди. 1942 йилда дефектология институтц В. И. Ленин номидаги Москва Давлат педагогика институти қошндаги дефек-тология факультетига айлантирилди. Ҳозирги вақтда Москва, Ле-нинград, Киев, Минск, Свердловск, Шауляй, Олма-Ота, Тошкент шаҳарларидағи педагогика институтлари дефектолог-ўқитувчилар-ни тайёрлайди. 1959—60 ўкув йилидан бошлаб қуйидаги ихтисослар киритилган: а) ёрдамчи мактаб ўқитувчиси — логопедлар (улар ёрдамчи мактабининг ҳар бир синфида барча предметлардан дарс бериши ва логопедик машғулотларни олиб бориши мумкин); б) карлар мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси ва юқори синф-ларда ўқитиладиган бирор бир предмет (оиа тили, математика, адабиёт ўқитувчиси; в) кўрлар мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси ва кўришда камчилиги бор бўлган болалар учун юқори синфларда ўқитиладиган бирор предмет ўқитувчиси; г) мактабгача тарбия ва медицина муассасаларининг, оммавий мактабларнинг логопед-ўқитувчиси.

## Назорат саволлари

1. Психик ривожланишнинг умумий қонуниятларини айтиб беринг.
2. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.
3. Коррекцион педагогиканинг предметини изоҳланг.
4. Ривожланишдаги нуқсонларнинг сабабларини кўрсатинг.
5. Олий психик функцияларнинг ривожланиши хақида Л.С.Виготскийнинг концепциясини айтинг.
6. Психик дизонтогенез ва унинг асосий варианatlарини айтиб беринг.

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. Т.: “Ношир”, 2013 й.
2. Гўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2014 й.
3. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.
4. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
5. Аксенова Л.А. Социальная педагогика в специальном образовании. – М.: Академия, 2001.
6. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиши методикаси. Т.: “Fanvatexnologiyalar, 2013й.

**Методология ва методологик ёндошувларни танқидий таҳлил қилиш ва синтезлаш.**

**(Сурдопедагогика мисолида)**

**Режа:**

1. Сурдопедагогиканинг предмети ва вазифалари.
2. Ўзбекистонда сурдопедагогиканинг ривожланиш босқичлари.
3. Сурдопедагогиканинг методологик асослари.
4. Сурдопедагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.

**Таянч тушунчалар:** методология, методологик ёндошув, синтезлаш, сурдопедагогика, сұхбат методи, сұров, педагогик кузатиши.

Сурдопедагогика (surdus – лотин тилида кар маъносини англатади) эшитишида муаммоси бўлган шахслар таълими, тарбияси ва ўқитилиши масалалари билан шуғулланувчи педагогик фанлар қаторига кирувчи коррекция педагогикасининг бир тармоғидир.

Сурдопедагогика фан сифатида эшитишида муаммоси бўлган шахслар таълим-тарбияси амалиёти билан чамбарчас ҳолда, шунингдек, ушбу амалиётни хар томонлама ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида ривожланади. У нуқсоннинг олдини олиш ва компенсациялаш (ўрнини босиш)нинг илмий асосланган йўл ва воситаларини ишлаб чиқиш, шахснинг ривожланиш шароитларини асослаб бериш билан эшитишида муаммоси бўлган болалар

таълим-тарбияси амалиётига тубдан таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда ўзбек сурдопедагогикаси ўз олдига қўйидаги вазифаларини ҳал қилишни қўймоқда:

- эшитишида муаммоси бўлган болаларни ҳар томонлама педагогик ўрганиш;
- эшитишида муаммоси бўлган болалар таълим-тарбияси объектив қонуниятларини ўрганиш, маҳсус ташкил этилган таълим-тарбиянинг моҳиятини аниқлаш;
- илм асосларига ўқитиш тизимини назарий асослаб бериш ҳамда ишлаб чиқиш;
- эшитиш идрокини ривожлантириш, она тилини ўқитиш, оғзаки нутқ (талаффуз)ни шакллантириш тизимини такомиллаштириш;
- маҳсус таълим тизими мазмуни (ўқув режа, таълим талаб ва дастурлари, дарсликлар) ни илмий асослаган ҳолда такомиллаштириш;
- маҳсус муассасада коррекцион-компенсатор ривожлантирувчи тавсифга эга ўқитиш ва тарбиянинг низом, метод ва ташкилий шаклларини илмий асослаган ҳолда такомиллаштириш;
- ўқувчилар таълими, ижтимоий фойдали меҳнат ҳамда касб тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш;
- эшитиш нуқсонини коррекциялаш (тўғирлаш) ва компенсациялаш (ўрнини босиш) техник воситаларини яратиш ва такомиллаштириш;
- маҳсус мактабгача таълим муассасаси, мактаб-интернати, оила ва маҳалланинг эшитишида муаммоси бўлган ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш борасидаги фаолиятидаги ҳамкорликларини кучайтириш;
- маҳсус педагогик билим ва ютуқларни тарғибот қилиш, оммалаштириш;
- эшитишида муаммоси бўлган ўқувчиларни инклюзив таълимни жорий этиш орқали ижтимоий ҳаётга эрта уйғунлаштириш масалаларини ҳал қилиш.

Сўнгги йилларда таълим соҳасида содир бўлган қатор ижобий ўзгаришлар ривожланишида муаммолари бўлган болалар тақдири масалаларини ҳал қилишда турли соҳа вакиллари янги йўналишлардаги фаолиятларининг бирлашуви билан чамбарчас боғлиқ. Боланинг ривожланишидаги меъёрдан четга чиқишларни эрта ташхис қилиш, муаммо оқибатини бартараф этиш, қайта тиклаш, ривожланишида у ёки бу жиҳатдан муаммоси бўлган илк ва эрта ёшдаги болаларга педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни умумтаълим муассасаларига уйғунлаштириш моделларини ишлаб чиқиш масалалари кун тартибида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумки, замонавий таълим тизимида сўнгги вақтларда инклузив таълим ғояси, республикамиз шароитида уни жорий этиш масалалари тез-тез мурожаат этилаётган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Эшитишида муаммоси бўлган болалар эшитишининг жарроҳлик йўли билан кохлеар имплантация ёрдамида қайта тиклаш бундай болаларни «эшитувчилар» жамиятига қайтариш, яъни жамиятга уйғунлаштиришнинг яна бир самарали йўли саналади. Кохлеар имплантация (КИ) – эшитиш сезгилирини тиклаш мақсадида жарроҳлик йўли билан ички қулоқда (кулоқнинг ички бўлимида) жойлашган эшитиш нервларининг афферент толаларига бевосита электр қўзғатувчилик вазифасини бажарувчи электрорд тизим (система)ларни улаш.

Хозирги кунда эшитиш муаммоси турли даражада бўлган шахсларнинг эшитишини тиклашда турли-туман ОҚАларидан (қаранг: *эшитиш аппарат (ускуна)лари*) фойдаланилмоқда. Юқори даражадаги сенсоневрал заиф эшитувчилик ва карлик ҳолатида баъзи техник, физиологик, патофизиологик сабабларга кўра ОҚАлар нутқий товуш идрокини бирозгина яхшилайди ёки умуман идрок этиш имконини бермайди. Сурдоаудиология (лотинча *surdus* – кар ва *audio* – эшитяпман сўзларидан) соҳасидаги изланишлар, унга янги технологияларнинг жорий этилиши, бу жараёнда турли йўналишдаги олимлар фаолиятининг бирлашуви эшитишида чукур муаммоси бўлган шахслар эшитиш идрокини яхшилашнинг янги усули – кўпканалли кохлеар

имплантация методининг ишлаб чиқилиши имконини берди.

Кохлеар имплантация қилинган шахслар билан олиб борилувчи сурдопедагогик ишлар зарурий аҳамиятга эга. Операциядан сўнг сурдопедагог, логопедлар томонидан эшитиш диққатини ривожлантириш, улар нутқини ўстириш бўйича изчиллик билан амалга оширилувчи машғулотлар болаларнинг ижтимоий ҳаётга уйғунлашувларининг мухим омили ҳисобланади. Яъни бундай шахслар эшитишни, нуткни фақатгина сурдопедагог ва яқинларининг ёрдамида эгаллаб бориб, ижтимоий ҳаётга эрта уйғунлашадилар. Шу сабабли бундай операциядан сўнг болалар билан олиб бориладиган ишларнинг мазмуни, ташкил этилишини республикамиз шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқиш сурдопедагогика фанининг долзарб вазифаларидан бири саналади.

Турли ёшда эшитиш муаммолари моҳиятининг турлича намоён бўлиши сурдопедагогикани уч мустақил йўналишда мактабгача, мактаб ҳамда катталар сурдопедагогикаси сифатида тадқиқ қилишни талаб қиласди.

Бир неча асрлар давомида жаҳон сурдопедагогик назария ва амалиёти эшитишида муаммоси бўлган болалар ривожланиш хусусиятлари ҳамда билиш имкониятлари, шунингдек, нуқсоннинг мураккаб тузилиши ҳакидаги билим ва тажрибаларни тўплади (Арасту, Ж. Кардано, П. Понсе, Х. Бонет, Ш. М. Эпе, С. Гейнике, Л. С. Виготский, С. А. Зиков, Р. М. Боскис ва б.).

Ногиронликка бўлган замонавий ёндашувлар Республикамиз маҳсус таълим тизими ходимларини алоҳида эътиборга муҳтоҷ бўлган болалар таълим олиш муаммоларини илмий-методик жиҳатдан асослаб бериш масалаларига жиддий эътибор билан ёндашишларига унダメоқда.

Ўзбек сурдопедагогикасининг ривожланиши Тошкентда 1919 йилдан фаолият юрита бошлаган Ўрта Осиёда дастлабки барча нуқсонли болалар биргаликда таълим олишлари учун мўлжалланган мактабдан 1922 йилда илк кар болалар маҳсус мактаб-интернатининг ажраб чиқиши билан боғлиқ. Маҳсус тизим амалиёти стихияли равишда тизимдаги ишнинг рус маҳсус кар болалар мактаблари ўқув дастурлари ҳамда умумтаълим мактаблари дарслклари

асосида олиб борилиши орқали ривожлана борди.

Эшитишида муаммоси бўлган болаларни табақалаб ўқитиш (кар ва заиф эшитувчилар) Республикаизда 1965 йилдан бошланди. Ушбу йилдан Тошкентда рус ва ўзбек бўлимларидан иборат 102-сонли заиф эшитувчи ва кеч кар бўлган болалар махсус мактаб-интернати фаолият кўрсата бошлади.

Шуни айтиш жоиз-ки, ўша вақтларда мактабларда ўқитиш жараёни оригинал дастур ва дарсликлар асосида олиб борилмай, Россия махсус мактаблари ёки Ўзбекистондаги умумтаълим мактаблари, баъзан ақли заиф болалар мактаблари дастур ва дарсликларини бироз ўзгаририб ишлаш асосида ташкил этилар эди. Табийки, бир томондан тил тизимининг тўғри келмаслиги, иккинчи томондан меъёрда ривожланаётган болалар хусусиятларига таянган ҳолда тузилган дарсликлар асосида ишни ташкил қилиш эшитишида муаммоси бўлган болалар мактаблари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини бермас эди.

Фақат илғор амалиётчи педагоглар ўз фаолиятлари билан номутахассис педагоглар билан таъминланган махсус кар ва заиф эшитувчи болалар мактабларининг ишини аста-секин олга силжита бордилар. 1968 йилда нашр этилган «Алифбе» дарслиги кар болаларни ўқитиш амалиётининг сифат жиҳатидан бироз юкорилашини таъминлади (А. Дўстмуҳаммедов).

Низомий номли ТДПИ дефектология факультети қошида 1983 йилда ўзбек тилида илк бор «Сурдопедагогика» бўлмининг очилиши соҳанинг назарий, методик жиҳатдан асослаб берилишини тақозо этган бўлса, иккинчи томондан махсус таълим тармоғи ривожининг ихтисослашган малакали сурдопедагог-мутахассислар билан таъминланиши орқали жадаллашувини келтириб чиқарди.

Кар ва заиф эшитувчи болаларни ўқитиш дастур ва дарсликлари, методик қўлланмаларининг яратилиши сурдопедагогиканинг олға илдамланишига омил бўлди. Республика кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари илк бор илмий – амалий тадқиқот маҳсули ҳисобланган ҳудудий, миллий менталитет, ўзбек тили қонуниятларидан келиб чиқсан ҳолда яратилган ўқув дастурлари ҳамда дарсликлари билан таъминланди (У.Файзиева «Алифбе», «Нутқ ўстириш»,

Н.Дадаҳўжаева «Математика» ва б.) (1989 й.).

Республикада сурдопедагиканинг илмий асосланиши ўтган асрнинг 80-йил-ларидан бошланди. Ҳозирги кунда эшитишида муаммоси бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш масалаларига бағишлиланган қатор тадқиқотлар мавжуд (Н.Ш. Бекмуродов, Ҳ.М. Гайнутдинов, Ф.Ж. Алимхўжаева, У.Ю. Файзиева, Н.Ҳ. Дадаҳўжаева, Ф.У. Қодирова).

Н. Ш. Бекмуродовнинг илмий тадқиқоти «Иссик иқлим шароитининг эшитишида нуқсони бўлган ўқувчилар ишchanлик фаоллигига таъсири» (1989 й.) мавзусига бағишлиланган бўлиб, муаллиф тўпланган маълумотлар асосида худудимизга мос равишда маҳсус мактаб-интернатлари кун тартиби, ўқув жараёнини ташкил қилишда ҳисобга олиниши лозим бўлган талабларни илгари суради.

Ҳ.М. Гайнутдиновнинг педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этган диссертация иши «Ўзбекистон шароитида карларнинг касбий – меҳнат ва ижтимоий мослашувлари» мавзусига бағишлиланган бўлиб (1990 й.), илмий янгилиги Ўзбекистон шароитида кар болалар мактаблари битиравчиларининг касбий-меҳнат ва майший мослашувлари жараёнининг хусусиятлари комплекс (ҳар томонлама) ўрганилишида бўлиб, амалий аҳамияти ушбу ўрганишлар натижасини таҳлил қилиш орқали кар шахсларни касбий-меҳнатга тайёрлаш, кейинги меҳнат фаолиятлари жараёнини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар бериш, шунингдек, улар мослашувлари даражасини кўтариш йўлларини белгилашдан иборат бўлди.

Ф. Ж. Алимходжаеванинг илмий тадқиқоти «Чуқур нутқ камчиликларига эга бўлган заиф эшитувчи ўқувчилар нутқий эшитишлирини ривожлантириш жараёнида дидактик материалларнинг роли» (1992 й.) мавзусига бағишлиланган бўлиб, унда илк бор эшитиши машқлантириш шаротида ушбу тоифа ўқувчиларининг сўзларни идрок этишларида дидактик материалларнинг ўрни ўрганилиб, ушбу жараён давомида улардан ўринли, кенг фойдаланиш, умуман, нутқни шакллантириш жараёнига ижобий натижа бериши илмий жиҳатдан асослаб берилди. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти – заиф эшитувчи

ўқувчиларнинг эшитиш ҳолатлари, нутқий ривожланиш даражаларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнида дидактик материаллардан фойдаланиш табақаланган методикасини ишлаб чиқиши ҳисобига ушбу тоифа ўқувчилари эшитиш идрокини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш йўлларининг кўрсатиб берилишида бўлди.

У. Ю. Файзиева илмий изланишлари заиф эшитувчи болаларни саводга ўргатиш масалаларига бағишлиланган бўлиб, эшитмайдиган болаларга она тилини ўргатиш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илк тадқиқот бўлди (1994 й.).

Н.Х.Дадаҳўжаева тадқиқоти (1995 й.) «Заиф эшитувчи ўқувчиларни кўп хонали сонлар устида арифметик амалларга ўргатиш методикаси» мавзусига бағишлиланган бўлиб, илмий янгилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти илк бор заиф эшитувчи ўқувчиларнинг кўп хонали сонлар устида арифметик амалларни бажаришларидағи хусусиятлар, ушбу жараён мобайнида ўқувчиларнинг уларни ўрганишга нутқий ва фикрлаш тайёргарликлари ҳолатини ўрганиш, кўп хонали сонлар устида арифметик амаллар бажаришга ўргатиш бўйича иш усул ҳамда методларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Ф.У.Қодирова илмий изланишлари (2006 й.) «Бошланғич синф кар ва заиф эшитувчи ўқувчилар сўзлашув нутқини шакллантириш» мавзусида бўлиб, тадқиқотда эшитмайдиган болалар таълим-тарбияси амалиётидаги камчиликлар таҳлили орқали уларни бартараф этишнинг самарали усул ва йўллари аникланди, сўзлашув нутқини шакллантириш омиллари ва босқичлари белгилаб берилди.

Д.А.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқот иши «Мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи болалар нутқини ривожлантириш» мавзусига бағишлиланган бўлиб, унда заиф эшитувчи болаларнинг ижтимоий ҳаётга эрта уйғунлашувларининг зарурый шарти бўлган мактабгача – сензитив даврда нутқини кенгқамровли ривожлантириш тизими илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди.

Сурдопедагогика учун тил ва таффакур бирлиги ҳақидаги таълимот бош

мезон ҳисобланади. Тил ижтимоий ҳодиса бўлиб, у биргаликда меҳнат қилувчиларнинг мулокотга муҳтоҷликлари таъсирида юзага келди. Тил мулокот воситаси ва фикрлаш воситасидир. Тил ва таффакур бирлигининг моҳияти физиолог, психолог, тилшунос, файласуфлар тадқиқотлари орқали тасдиқланган.

**Адабий манбаларни ўрганиш.** Сурдопедагогика муаммоларини ўрганишнинг асосий усулаridан бири – адабий манбаалар ва ҳужжатларни ўрганиш. Ушбу метод ўз таркибиغا қуйидагиларни олади:

- сурдопедагогикага оид замонавий маҳсус адабиётлар (монография, ўқув ва методик қўлланмалар, мақолалар тўплами, дарсликлар ва б.);
- оммавий ахборот воситалари (матбуот, илмий журналлардаги мақолалар);
- ёндош фанларга оид илмий адабиётлар (педагогика, психология, сурдопсихология, аудиология ва коррекция педагогикасининг бошқа жабҳалари);
- турли соҳаларга оид луғат ва энциклопедиялар;
- сурдопедагог – олимларнинг асарларини ўрганиш.

**Педагогик кузатиш** – эшиitmайдиган болалар мактаб-интернатлари ўқув-тарбияжараёнини мақсадли, тизимли ўрганишни англатади. Кузатишни ташкил этишда педагогик жараённинг мақсади, вазифалари, уни олиб бориш режаси аниқланади. Кузатиш аниқ ва холисона белгилаб борилади.

Далилларни тўплаш, уларни тизимлаштриш ва илмий-педагогик таҳлил қилиш кузатиш вазифалари ҳисобланади. Ўқув-тарбия иши ҳолати ва унинг натижаларини ўрганишда ҳам ижобий, ҳам салбий далиллар асосланади. Дарс ва машғулотларни видеотасмаларга тушуриш ҳақиқий илмий таҳлил қилиш имконини беради.

**Илғор педагогик тажрибани ўрганиш.** Сурдопедагогиканинг тадқиқотларидан бири маҳсус мактаб-интернатлар илғор ўқитувчи ва тарбиячиларининг тажрибаларини ўрганиш ҳисобланади.

Педагогик тажрибани ўрганиш кейинчалик уни оммалаштиришни назарда тутиб, аниқ белгиланган режа ҳамда ўтказиш методикасига эга бўлиши

лозим. Педагогик тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш маҳсус ўқув-тажриба жараёнини такомиллаштириш йўл ва воситаларини ишлаб чиқишига йўналтирилади.

**Педагогик синов-тажриба (эксперимент)**— ўқув-тарбия жараёнида ўтказиладиган илмий асосланган тажриба. Унинг асосий мақсади илмий фаразларни амалий текшириш (синови) бўлиб, ўқув-тарбия ишининг кенг кўлами, мақсадга йўналтирилган тадқиқотидан иборат. Экспериментнинг натижаларини математик методлар орқали таҳдил қилиш синов-тажриба самарадорлигини аниқлаш имконини беради ҳамда илмий фаразни тасдиқлаш, ўқув-тарбия жараёни ва таълим методикасига ўзгартириш киритишда кўлланади.

**Сўров.** Сўров методи сўровномаларни тўлдириш ва интервью (оғзаки жавоб) кўринишида олиб борилади. Сўровни ўтказишда саволларнинг аниқ баён этилиши, уларнинг тадқиқот вазифасига мос бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Сўров методи ўқувчи, ўқитувчи ёки ота-оналар қизиқиши, дунёқарашиб, лаёқатларини ўрганиш ва у орқали таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилади.

**Суҳбат методизарурий** маълумотларни олишни назарда тутиб, унинг самарадорлиги табиий психологик муҳитни яратса олиш, олиб борувчининг суҳбатдоши билан мажбурий бўлмаган мулоқотни ўрната олишига боғлик. Педагог аввалдан мақсадга йўналтирилган саволларни тайёрлаб қўйиши лозим. Суҳбатнинг мазмуни қайдномада акс эттирилади.

**Болалар ишларини ўрганиш.** Ушбу методдан фойдаланиш ўқувчилар билим ва малакаларини аниқлашда катта аҳамият касб этади. Болалар ишларини ўрганиш орқали ўқитувчи фаолиятининг тизими ҳақида маълумот ҳам олиш мумкин. Бу метод орқали ўқувчилар ишларининг фақатгина натижаси ўрганилмай, балки унинг босқичлари ҳам тадқиқ қилинади.

**Мактаб хужжатларини ўрганиш.** Педагогик хужжатлар: дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг ишланмалари, ўқув-тарбия жараёнининг режаси, педагогик кенгаш ва метод бирлашмалар қайднома ва ҳисботларини ўрганиш

мактаб-интернатда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиниши, педагогик жамоа фаолияти, эришган натижалари ҳақида маълумот олишга имконият яратади. Ушбу йўналишда иш олиб бориш ҳам назарий билимлар ривожига, ҳам амалиётнинг самарадорлигини кўтаришга хизмат қилади.

Мавзуда ёритилган қисмлар ҳақида билим ва маълумотларга эга бўлиш кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари ўкув-тарбия жараёнини самарали ислоҳ қилиш ва сифат кўрсаткичи юқорилашувини таъминлайди. Чунки «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» амалий ечимининг ушбу босқичида айнан ўқитувчилар фаолияти омили ҳал қилувчи ролни эгаллайди.

### **3. Миллий таълим-тарбия усуллари, улардан самарали фойдаланиш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарслклар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил

26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий хужжатлар.

Республикамизда маҳсус таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жумладан, эшлишида муаммолари бўлган болаларнинг ижтимоий ҳаётга уйғунлашувларининг «калити» саналган нутқни ривожлантириш тизимини, маҳсус таълим муассасасининг ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борувчи иш жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва уларни сифат жиҳатдан юқорига кўтаришни таъминлашда миллий педагогикамиз асосчиларининг қолдирган бой илмий, адабий ва педагогик мероси муҳим аҳамият касб этади. Биргина А.Авлоний томонидан қолдирилган бой маънавий меросимиз бунга асос бўла олади.

А.Авлоний ёш авлод, унинг тарбиясига жамият, миллатнинг келажаги сифатида алоҳида эътибор бериб:« Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидур...» дейди ҳамда бу ишни илк ёшдан бошлаш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Тарбия боланинг ахлоқи, хулқ-атворига кучли таъсир этишини эътироф

эта туриб, таълим билан тарбия бир-бири билан боғлиқ бир бутун жараён эканлиги, муаллимга ушбу омилга алоҳида аҳамият бериш лозимлигини уқтиради: «Дарс ила тарбия орасида бироз фарқ бўлса-да, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур» .

Абдулла Авлоний тил, унинг жамиятда тутган ўрнига қуидагича баҳо беради: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғин кўрсатадурғон ойнайи ҳаёти тил ва адабиётдур... сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадурган тарозисидир. Ақл соҳиблари кишининг фикр ва ниятини, илм ва қувватини, қадр ва қимматини сўзлаган сўзидан билур».

Олим тил шахс тафаккурининг ривожланиши, унинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этишига алоҳида ишора қиласди:

Менга илму адаб сан ўргатдинг,

Чин адаб, муаллим шоним.

Миллатнинг руҳини кўтаргучисан

Энг муқаддас карамли султоним.

А.Авлоний миллатнинг келажаги - бола тарбиясида оила алоҳида ўрин эгаллашига тўхталиб: «Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? деган савол келадур. Бу саволга: «Биринчи-уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи-мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва хукумат вазифасидир». Шунингдек, у таълим-тарбияда бола яшаб турган шароит, муҳит, кишиларнинг роли катта эканлигини кўрсатиб, бу борада оила, мактаб ҳамкорлиги заруратини, оиласда боланинг соғлиғига алоҳида аҳамият қаратилиши лозимлиги, касалланган фарзандни дарҳол шифокорларга кўрсатиш, касалликнинг олдини олиш, вақтида даволаш муҳимлигини ота-оналарга уқтиради.

А.Авлонийнинг шахс шаклланишига салбий таъсир этувчи омиллар хақидаги фикрлари маҳсус педагогика соҳаси - сурдопедагогика учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Гиёҳванд, кайф қилдирувчи моддаларнинг истеъмоли кишининг соғлиғи, унинг келажагига салбий таъсир кўрсатишини, бундай

одатлардан тийилиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб: «Ичкулик, кўкнор, наша, афюн, тарёқ, чилим, нос, попирус каби баданнинг саломатликига зарарли, огулик... нарсалардан қочмак, сақланмак лозимдур», - дейди. Шунингдек, ўқитиш, ўргатиш, ўқиш, ўрганиш учун зарурий воситалардан бири соғлиққа алоҳида эътибор бериш лозимлиги, таълим-тарбия жараёнида озодаликка, гигиеник қоидаларга риоя қилиниши лозимлигини уқтиради.

Абдулла Авлоний ҳамда унинг сафдошлари томонидан миллий педагогикамиз учун қолдирилган бой мерос сурдопедагогиканинг ривожланишига ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилганлиги шубҳасизdir. У ва қатор етук олимларнинг таълим-тарбия борасидаги қарашлари асосида ҳозирги кунда маҳсус таълим соҳаси, хусусан, мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи болалар таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қуидаги вазифаларни ҳал этиш имкониятини беради:

1) ҳар қандай эшитишида муаммоси бўлган бола ҳам соғлом боланинг шахсий хислатлари тарбия жараёнида таркиб топади. Шу сабабли таълим-тарбия чора-тадбирларини эрта, илк ёшлардан бошлиш;

2) таълим-тарбия жараёнида сўзлашув нутқига болаларнинг ижтимоий ҳаётга уйғунлашувлари ҳамда илм асосларини эгаллашларининг шарти сифатида ёндошиш лозим. Шу сабабли тилни ривожлантириш, уни ўқитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

3) машғулотларда таълимий ҳамда тарбиявий, ривожлантирувчи вазифалар биргалиқда ҳал этиб борилиши;

4) оила, уй шароити бола луғат бойлигининг кенгайиши, сўзлашув нутқи, талаффуз ҳамда эшитиш малакаларининг шаклланиши, билим ва тушунчаларнинг ривожланиши учун турли-туман табиий ҳолатларни юзага келтиради. Шу сабабли ота-оналар билан олиб борилувчи ҳамкорлик, маслаҳат ишлари тизимини такомиллаштириш;

5) ногиронликнинг олдини олиш, унинг асоратларини бартараф этиш мақсадида кенг омма, шунингдек, ота-оналар ўртасида ташвиқот ишларини жадаллаштириш;

б) таълим-тарбия жараёнида гигиеник қоидаларга, болалар соғлигини асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, яъни валеология тамойиллариға риоя қилиш лозим.

Хуллас, шу жиҳатдан қараганимизда, миллий педагогикамиз асосчилари Абдулла Авлоний ва унинг сафдошлари илмий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, уни маҳсус таълим тизимиға жорий қилиш шу куннинг долзарб вазифларидандир.

### **Назорат саволлари**

1. Сурдопедагогиканинг предмети ва вазифаларини айти беринг.
2. Ўзбекистонда сурдопедагогиканинг ривожланиш босқичларини санаб беринг.
3. Сурдопедагогиканинг методологик асосларини изоҳланг.
4. Сурдопедагогиканинг илмий-тадқиқот методларини айтиб беринг.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Маҳсус психология. Т.: “Ношир”, 2013 й.
2. Пўлатова П. ва бошқалар. Маҳсус педагогика. Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2014 й.
3. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.
4. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
5. Аксенова Л.А. Социальная педагогика в специальном образовании. – М.: Академия, 2001.
6. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: “Fanvatexnologiyalar, 2013й.
7. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.

## **Ўзбекистонда махсус педагогиканинг шаклланиши ва тараққиёти, ундаги муаммолар**

### **Режа:**

1. Махсус педагогиканинг шаклланиши ва тараққиёти, ундаги муаммолар
2. Ўқитувчи-дефектологнинг касбий тайёргарлиги, ижодий сифатлари ва шахсига қўйиладиган асосий талаблар
3. Махсус таълимнинг хозирги замон тизими.

**Таянч тушунчалар:** Махсус педагогика, ўқитувчи-дефектолог, махсус таълим, тифлюпедагогика, сурдопедагогика, логопедия, олигофренопедагогика, мактабгача махсус педагогика, антропологик тамойил Фундаменталлаштириш, инсонпарварлаштириш

1. Республикализ мустақилликка эришган даврдан эътиборан Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан ҳар бир йил аниқ мақсадга йўналтирилган шиор остида кечади. Бунда ёш авлодни жисмонан соғлом, руҳан тетик, ақлан баркамол бўлиб ривожланишига катта эътибор қаратилади. Айниқса, 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили”, 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йилнинг “Обод турмуш йили”, 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши республикамизда бу йўлда салмоқли ишларни амалга ошириш имконини берибгина қолмай, педагоглар олдига таълим-тарбиянинг мазмуни ва воситаларини замон талаблари даражасида қайта ишлаш, такомиллаштириш, замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш вазифаларини қўйди. Бу вазифалар қаторида ривожланишида турли камчиликлар бўлган болаларнинг таълими ва тарбияси, уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви масалалари кун тартибининг олд қаторидан ўрин олди. 1991 йилдаёқ “Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинганлиги, 2008 йил 11 июлда ушбу Қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилганлиги Ўзбекистонда ногиронларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ давлат сиёсатининг устувор вазифалари сифатида белгилаб берилганлигининг ёрқин далилидир. Қонунда, жумладан, “ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълими, ногиронларнинг касбий тайёргарлиги, уларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касбий ва олий таълим олишини таъминлаш” ногиронларнинг, шу жумладан

ногирон болаларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгилаб берилди.<sup>2</sup>

Бу эса мутахассислар олдида турган вазифаларнинг мақсади, мазмуни, амалга ошириш усуслари ва шаклларини тубдан ўзгартиришни талаб қиласи, уларни ривожланишида муаммолари бўлган болалар таълими ва тарбиясининг мазмунини бугунги кун талабларига мос ҳолда қайта ишлаб чиқишига, янги коррекцион-ривожлантирувчи ва таълимий технологияларни амалиётга фаол татбиқ қилишга ундаиди. Бу эса ушбу вазифаларни амалга ошира оладиган кадрларни тайёрлаш масаласи билан чамбачас боғлиқ.

Мустақиллик йилларида таълимнинг бошқа турлари қатори олий таълим тизимида ҳам ёндошув ва мезонлар тубдан ўзгарди. Аввало, фан ва техника, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа соҳаларнинг реал эҳтиёжи, ҳаёт талаблари, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш истиқболлари асосида юқори малакали, рақобатга бардошли мутахассислар тайёрлашнинг замонавий тизими йўлга қўйилди. Мамлакатимизда ёшларни, айниқса талабаларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш муаммоси таълим тизими олдида турган устувор масалалардан биридир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ёшлар муаммосига бағищланган чиқишиларида, интервью ва фундаментал асарларида аниқ ҳаётий вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, давлатимиз раҳбари ўзларининг ЎзР Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997) сўзлаган нутқларидаёқ кенг жамоатчиликнинг диқкат-эътиборини ушбу мавзуга қаратган ҳолда шундай фикрларни илгари сурган эдилар: «Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самарасиз бўлади, Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлиkdir».<sup>3</sup>

Давлат раҳбарининг бу гаплари олий таълим соҳасида билим олаётган педагогик кадрларга нисбатан айниқса долзарбdir. Зоро мустақил фикрлайдиган, билимли, ижодкор ёшларнинг таълими ва тарбияси аввалам бор педагоглар зиммасига юкланди.

Ижодий фикрлаш шахсий фазилат сифатида инсон фаолиятининг таркибий қисмини ташкил қиласи. Ижод, илҳом, ижодкорлик фақатгина

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги ҳакида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни. 2008 йил 11 июль, ЎРҚ-162-сон.

<sup>3</sup> И.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998. 9-бет.

истеъдодли шахсларгагина хос хислат эмас. Таълим жараёнида барча ёшдаги таълим олувчиларда ижодий қобилияtlарни ривожлантириш ва ўкув жараёнида уларга таяниш лозим.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, шуни ишонч билан таъкидлашимиз мумкинки, ҳозирда маҳсус мактаб муассасаларида маҳсус фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш кун тартибидаги долзарб масалалардандир. Ушбу масалаларнинг бошида дефектолог кадрларни тайёрлаш масаласи туради. Бирон-бир фанни маҳсус мактабда ўқитиш ўзига хос хусусиятлар ва қийинчиликларга эга, чунки бунда бўлажак ўқитувчи ўз йўналишида коррекцион-ривожлантирувчи ишни предметни ўқитиш методикаси билан қўшиб олиб бориши шарт. Бунинг учун бакалавр-дефектологларга тегишли касбий билиmlарни бериш, уларни амалда қўллаш кўникмалари ва малакаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришдан ташқари, талабаларнинг ижодкорлигини ва касбий-шахсий қобилияtlарини ривожлантириш, яъни Президентимиз қўрсатиб ўтганларидек, талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш шахсга йўналтирилган таълимнинг бош талабидир.

Ушбу маъруза ЎзР Президентининг «2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-1533-сон, 2012 йил 21 марта ги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1730-сон қарорлари асосида қабул қилинган мейрий ҳужжатлар асосида тайёрланди.

## **2. Ўқитувчи-дефектологнинг касбий тайёргарлиги, ижодий сифатлари ва шахсига қўйиладиган асосий талаблар**

Ҳозирги замон маҳсус педагогик таълим ўз йўналишлари ва талабларига мос қўйидаги педагогик мутахассисликларни эгаллаш имконини беради: *тифлопедагогика* — кўр ва заиф кўрадиганлар учун педагог ихтисоси (тифлопедагог); *сурдопедагогика* — кар ва заиф эшитувчилар учун педагог ихтисоси (сурдопедагог); *олигофренопедагогика* — ақлий ривожланишида ҳар хил турдаги ва шаклдаги енгил ва оғир камчиликлар кузатилган болалар ва ўсмиrlар билан ишлаш учун педагог ихтисоси (олигофренопедагог); *логопедия* — ҳар хил генездаги нутқ бузилишларига эга бўлганлар билан ишлаш учун педагог ихтисоси (логопед, фониатр); *мактабгача маҳсус педагогика* — ривожланиши орқада қолган

мактабгача ёшдаги болалар билан ишлаш учун педагог ихтисоси; *махсус психология* — жисмоний ва интеллектуал имкониятлари чекланган кишилар учун психологик ёрдам күрсатиш ва уларга ҳамрохлик қилиш учун психолог ихтисоси.

Педагог-дефектолог чуқур ва ҳар томонлама таълим олади. Бунда *антропологик тамойил* зарурий илмий ва амалий билимлар мажмuinи ташкил қилувчи мезон бўлиб хизмат қиласди. Бу тамойил ривожланиши меъёрда кечётган ва ривожланишида у ёки бу бузилиш кузатилган шахс ва унинг ижтимоийлашуви ҳақидаги билимларнинг танлаб олиниши ва инеграциясини белгилайди. Ривожланишида камчилиги бўлган шахслар ҳақидаги билимлар камчилик хусусиятига қараб махсус педагогика нуқтаи назаридан у ёки бу махсус соҳа бўйича ҳам дифференциаллашади.

Педагог-дефектологнинг таълим мазмунини ҳозирги замонда қуйидаги муҳим жиҳатлар белгилайди: фундаменталлаштириш, инсонпарварлаштириш ва стандартлаштириш, шунингдек касб эгаллашнинг дедуктив йўли.

*Фундаменталлаштириш*деганда касбий таълимнинг шундай курилганлиги кўзда тутиладики, бунда талабалар касбий тайёргарликни кенг умумий илмий билимларни эгаллашдан бошлаб, аста-секин муайян билим соҳасига ўтадилар, кейин эса шу соҳага оид илмий тадқиқотлар методологияси ав методларини ўзлаштирадилар.

*Инсонпарварлаштириши* ҳозирги замон таълим тизимининг педагог олдида турган вазифаларни ўзига хос тарзда йўналтирадиган ижтимоий-педагогик тамойили сифатида олиб қаралади. Агар аввал таълимда ўқувчининг зарур билимларни ўзлаштиришига эришиш муҳим бўлган бўлса, инсонпарварлаштириш ўқитувчидан боланинг ҳар томонлама ривожланиши ва ўзини-ўзи ривожлантириши, унинг ижтимоийлашуви ва ижтимоий мослашувига ҳар жиҳатдан ёрдам беришни талаб қиласди. Педагог-дефектологнинг касбий таълими бўлажак мутахассисни танланган йўналишдаги касбий фаолиятининг ўзига хос жиҳатларига тайёрлашга кратилади.

XX асрнинг 90-йилларида келиб, олий касбий таълимда юз берган ислоҳотлар миллий олий педагогик таълимнинг, шу жумладан дефектологик таълимнинг *стандартлашувига* ҳамда унинг жаҳон таълим стандартларига яқинлашувига асос солди.

Таълим стандартларининг вазифаси миллий таълимда махсус таълим чегараларини аниқ белгилаб олишдан, республикамизнинг олий таълими жаҳон маданий-таълимий маконга уйғун қўшила олишига, таълим тўғрисидаги ўз хужжатларининг халқаро тан олиниши механизмларига кириш учун зарур хуқуқий воситаларга эги бўлишига ва шу йўл билан олий

таълим ҳақидаги дипломлар конвертацияси масаласининг ҳал қилинишига эришишдан иборат.

Олий касбий таълимнинг Давлат таълим стандарти қуидагиларни белгилаб беради:

- олий касбий таълим структураси (даражалари)ни, олий таълим ҳақидаги ҳужжатларни;
- асосий касбий таълим дастурларига кўйиладиган умумий талабларни ва уларни амалга ошириш шартларини;
- олий таълим муассасаси талабасининг ўқув юкламаси нормативларини ва ҳажмини;
- касбий таълим мазмунини белгилашда олий таълим муассасасининг академик эркинликларини;
- олий касбий таълим йўналишлари (мутахассисликлари) рўйхатига кўйиладиган асосий талабларни;
  - олий касбий таълим бўйича Давлат таълим стандартининг талабларига риоя қилиниши устидан давлат назорати қоидаларини.

Педагог-дефектологнинг таълим стандарти мазмунининг мағзини *асосий таълим дастури* ташкил қиласди. Дастурга кўра талабаларнинг қуидаги фанлар циклини ўзлаштириши ва якуний давлат аттестациясидан ўтиши кўзда тутилади.

1. Умумий гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар.
2. Умумий математик ва табиий-илмий фанлар.
3. Умумий касбий фанлар.
4. Касбий тайёргарликка оид фанлар (махсус педагогиканинг у ёки бу йўналиши бўйича).
5. Қўшимча мутахассислик (ёки ихтисослик) фанлари.
6. Факультативлар.

Таълим мазмуни ва уни ўзлаштириш кетма-кетлиги шундай қурилганки, аввал ривожланиши меъёрда кечётган шахснинг ижтимоийлашув жараёни ва механизмини тушуниш учун зарур бўлган фундаментал илмий билимларга оид фанлар ўтилади. Улар кейинги таълим босқичларида имконияти чекланган шахснинг тарбияси, таълими, ижтимоийлашуви муаммолари билан боғлиқ бўлган амалий жиҳатлар касб этиб боради. Буларга, масалан, махсус психология, ижтимоий педагогик ва ҳ.к каби фанлар киради. Нихоят, бевосита махсус педагогиканинг у ёки бўлимларига тегишли (логопедия, тифлопедагогика ва мутахассислик бўйича бошқа соҳалар) илмий билимлар соҳаларига ўтилади.

Бошқа педагогик ихтисослардан фарқли ўлароқ дефектолог бир қатор махсус ва ўзига хос малакаларни эгаллаган бўлиши лозим. Махсус малакалар

умуман имконияти чекланган болаларга тегишли бўлса, ўзига хос малакалар бундай болаларнинг муайян тоифасига тегишилидир. Бу малакаларнинг айримлари (масалан, кичик ёшдаги кар болаларнинг оғзаки нутқини тушуниш, нутқ камчиликларини эшитиб фарқлаш кўникмаси ва ҳ.к.) узоқ вақт давомида шаклланади ва натижада имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг у ёки бу тоифаси билан бевосита ва муттасил амалий фаолият давомида талабдаги касбий маҳорат даражаси таъминланиб боради. Буларнинг ҳаммаси тарбияланувчилар билан узоқ ва муттасил давом этадиган педагогик таъсирни талаб қиласди. Ўзига хос таълимий эҳтиёжларга эга бўлган болалар ва ўсмирлар билан олиб бориладиган тарбиявий иш кўникмаларининг шаклланиш жараёни ҳам худди шундай узоқ муддат ва меҳнатни талаб қиласди.

Педагог-дефектологларнинг касбий тайёргарлиги тизимида амалий компетентликка (чукур ва асосли билимларга эга бўлишлик) таълимнинг турли босқичларида ҳар хил мақсад ва вазифаларни кўзлаган ва маҳсус ташкил этилган педагогик амалиёт шароитида ҳам, шунингдек замонавий техник воситалар – тегишли компьютер дастурлари, аудио- ва видеотехника, тренажерлар ёрдамида ҳам эришилади. Бунда замонавий техник воситалар у ёки бу маҳсус малакаларни моделлаштирилган шароитда мустаҳкамлаш имконини беради.

Назарий ва амалий характер касб этган зарур касбий компетенцияга эга бўлишликнинг ўзи дефектолог касбий фаолиятининг муваффакиятини тўла белгилаб бермайди. Бунинг учун шахсга ва мутахассисга хос аҳлоқий тарбиялилик, таълимлилик, маданият талаб қилинади.

Дефектологнинг касбий билимлари қаторига ривожланишида камчилиги бўлган болаларнинг ота-оналари ва яқинлари билан жиддий муносабат ўрнатиш кўникмалари ҳам киради. Ижтимоий-педагогик тайёргарлик ҳам дефектологнинг касбий тайёргарлигига муҳим ўрин эгаллайди, чунки боланинг ўзи ва унинг оила аъзолари яшаб турган экологик мақбул ижтимоий микро- ва макромухит яратишда биринчи навбатда дефектолог масъулдир.

Дефектологнинг касбий фаолияти, унинг шахсига қўйиладиган талаблар маҳсус таълимнинг юқорида келтирилган ўзига хос хусусиятлари ва унга давлат стандарти томонидан қўйиладиган талаблардан келиб чиқади.

Педагог-дефектологнинг касбий фаолияти ўқитувчи ишининг анъанавий доирасидан четга чиқади. У ҳар хил турдаги ижтимоий-педагогик, реабилитацион, консультатив-ташхисий, психотерапевтик, бевосита коррекцион ва бошқа турдаги “ўқитувчиники бўлмаган” фаолиятлар билан ўзаро яқин алоқага киришиб, боғланиб кетади. Бу фаолият турларининг

ҳаммаси битта муҳим мақсадга – жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган инсонга унинг ижтимоий мослашиши ва интеграциясига махсус таълим воситалари билан ёрдам беришга қаратилган.

Дефектологнинг касбий тажрибаси унинг касбий тайёргарлигининг мазмунига тенг эмас, балки анча кенг ва чукур. Дефектолог махсус таълим соҳасида педагогик маданиятнинг ҳамма томонлари ва туб маъносини ўзининг бутун ҳаёти мобайнида ўзлаштириб боради. У тинимсиз интиладиган мақсад – *педагогик маҳорат*. Педагогик маҳоратнинг асосини эса ижодкорлик ташкил қиласди.

У ёки бу дефектологик мутахассислик бўйича тайёргарлик ўтаган педагогик олий таълим муассасасининг битиравчisi қуйидаги касбий фаолият турларини бажаришда етарли билимга эга бўлиши лозим: ўқитувчилик; конструктив-ташкилий; ташхисий-таҳлилий; консультатив; лойиҳалаш; гностик; психопрофилактик; коррекцион-ривожлантриувчи; маърифий; илмий-тадқиқот; тарбиявий; мувофиқлаштириш.

Бу дегани, шаклланган дефектолог-мутахассис қуйидаги билим ва малакалар эгаси бўлиши лозим:

- бола ва ўсмирнинг ривожланишида ўзига хос жиҳатларни англаб етиш, уларнинг билим олишдаги мавжуд имкониятларини аниқлаш мақсадида педагогик тадқиқот ўтказиш малакасига эга бўлиши;
- бузилиш турини аниқлаш учун (педагогик ва психологик ташхис қўйиш) дифференциал ташхислаш методларини эгаллаган бўлиши;
- трабияланувчиларнинг таълими, тарбияси, ҳаётда ўз жойини топиши, касб танлаши билан боғлиқ муаммолар бўйича болаларга, уларнинг отаоналарига, шунингдек умумий таълим муассасалари педагогларига консультатив-педагогик ёрдам кўрсатиш малакасини эгаллаган бўлиши;
- ўкув ва дидактик материал ҳамда таълим шароитларини ривожланишида бузилишлар ва чекинишлар бўлган болалар ва ўсмирларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мослаштириш йўллари ва усусларини эгаллаган бўлиши;
- махсус таълим муҳитини яратиш, ушлаб туриш ва ундан самарали фойдаланиш малакасини эгаллаган бўлиши;
- махсус таълим жараёнининг ҳар хил ташкилий шаклларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг таълим ва тарбия технологиялари ва методарини эгаллаган бўлиши;
- махсус ва инклузив таълим тизимининг ҳамма тузилмаларида, тарбияланувчиларнинг таълим олиш, яшаш тарзида экологик жиҳатдан мақбул ва психологик ва эмоционал жиҳатдан қулай муҳитни таъминлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- болалар соғлигига зарар етказадиган одатларнинг олдини олиш ва

коррекциялаш, шунингдек ижтимоий мухитнинг номақбул таҳсиридан ҳимоя қилиш усулларига оид билимларни эгаллаган бўлиши;

- табиий, техноген ва ижтимоий келиб чиқишига эга фавқулотда ва хавфли вазиятларда психологияк ёрдам кўрсатиш усулларини эгаллаган бўлиши;
- ота-оналарнинг психологик маданиятини ошириш мақсадида улар билан муносабатларни ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш борасида ташкилотчилик малакаларига эга бўлиши;
- илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши.

Ҳар битта дефектологик мутахассисликка нисбатан қўлланадиган бўлса, ушбу умумий компетенциялар ёки бу ногиронлик категориясидаги болалар билан олиб бориладиган касбий фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб янада аникроқ ўзига хос компетенциялар билан тўлиб боради. Бунинг ёнига яна педагогнинг бутун касбий фаолияти давомида эгаллаб бориладиган бетакрор ва ўзига хос индивидуал касбий тажрибаси қўшилиб бораверади.

Педагог-дефектологлар меҳнат фаолиятини маҳсус таълим муассасаларида (мактабгача, мактаб, маҳсустаълим муассасаларида), психологик-тиббий-ижтимоий, реабилитацион, консультатив-ташхисий марказларда, психологик-тиббий-педагогик консультацияларда, логопедик пунктларида, шунингдек умумий таълим муассасаларида, меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда олиб борадилар ҳамда ҳар хил тоифадаги таълим олувчилар ва тарбияланувчилар билан коррекцион-педагогик ишни амалга оширадилар. Улар ривожланишида камчилиги бўлган болаларнинг индивидуал таълими ва тарбиясини уй шароитида ҳам олиб боришлари.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги давр ривожланиш имкониятлари чекланган шахсларга нисбатан жамиятнинг сифат жиҳатдан янгича муносабати билан ажралиб туради. Бугунги кунда ривожланишида ёки бу камчиликлар бўлган болаларни умумий таълим жараёнига қўшиш ҳамда уларга бунинг учун барча керакли шарт-шароитларни яратиш лозимлиги ҳақидаги масала ҳеч кимни ажаблантиrmайди. Бунинг билан боғлиқ ҳолда олий касбий таълим тизими қаршисида таълим жараёнини таъминлаб берадиган шахсларнинг юқори касбий даражага эришиши билан боғлиқ янада мураккаброқ масалалар кўндаланг бўлиб турмоқда. Касбий таълим жамият ижтимоий сиёсатининг энг мухим соҳасига айланиб бормоқда ва ҳозирги замон таълим майдонининг бош бўғинларидан бирини ташкил қилмоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш масаласи бугунги кунда алоҳида олинган шахснинг ҳам, умуман жамиятнинг ҳам ривожланиш шарти сифатида олиб қаралмоқда. Олий таълим тизимини битирувчи дефектологлар Ўзбекистонда

махсус ва инклузив таълимнинг ривожланишига асосли ва салмоқли ҳисса қўшадиган потенциал кучни ташкил қилишлари лозим. Бу таълим соҳасидаги Давлат сиёсатининг амалга оширилиш гаровидир.

Таълим деганда, бўлажак мутахассисларни мустақил ҳаётга тайёрлашга ҳамда ўз қасбий кўникмаларини такомиллаштириш имкониятини таъминлашга ёрдам берадиган махсус ташкил этилган фаолият олиб қараладиган бўлса, бунинг учун махсус педагогни ўқитиш жараёни ҳар бир талабанинг истиқболли ривожланиш эҳтиёжларини қондириши, унинг шахс сифатида ва қасбий шаклланишига ёрдам бериши кераклиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Назария ва амалиётнинг интегратив ўзаро алоқалари касб асосларини яхлит ҳолда эгаллашда ғоят муҳим. Режалаштириш, истиқболлаш, моделлаштириш, тескари алоқа ва бошқа шу каби методлар назарий билимларни амалий ва илмий фаолиятда қўллашга ёрдам беради. Ўқитувчи-дефектологларни тайёрлаш жараёни анъанавий (махсус) мактабларга ҳам, таълимга йўналтирилган ташкилотларнинг янги турларига, шу жумладан, инклузив мактаблар, МТМ, реабилитацион марказлар ва ҳ.к.ларга ҳам қаритилган бўлиши лозим. Бу билан боғлиқ ҳолда дефектолог талабалар қасбий педагогик амалиёт ўтайдиган базавий ташкилотлар тармоғини кенгайтириш зарурати туғилади.

Педагогик жараённинг мазмуний томони ҳар хил методлар ва методикалар, педагогик технологиялар, ҳар хил фаолият турлари (маҳсулдор, тадқиқий, ижодий ва ҳ.к.)дан фойдаланиш воситасида амалга оширилади.

Педагогик жараён самарадорлигини оширишда таълим методлари, шубҳасиз, алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳар қандай таълим методикаси, таълим олувчиларнинг фикрлаш, билиш фаолиятини ривожлантирадиган методларга асослансанагина, самара бериши мумкин. Бу борада айнан интерактив таълим методларини махсус педагогнинг қасбий шаклланишида энг самарали деб қабул қилиш лозимлиги ўз-ўзидан аён.

Талаба ва педагог ўртасида қарор топаётган мулокот амалиётида демократик мулокот услуги етакчилик қилиб бормоқда. Бу мулокот услугидан фойдаланиш натижасида таълим олувчилар фаолиятининг ички мотивацияси ривожланади. Турли туман таълим услублари орасида креатив тафаккурни, билимларни мустақил излашга тайёрлик ва қобилиятни ривожлантиришга, муаммоларни ҳал қилишда янгича ёндошиш тажрибасини эгаллашга қаратилганлари кўпроқ эътиборга лойиқ. Бўлажак мутахассисларга қасбий фаолиятни ижодий ташкил қилиш санъатини ўргатиш ҳар бир педагогнинг тутган йўли бўлиб қолиши лозим.

Талабалар томонидан таълим дастурларининг муваффақиятли ўзлаштирилаётгани қуйидаги мезонлар асосида аниқланади: талабалар таълимий, амалий вазифаларни ҳал қилишга ижодий ёндошадилар, таълим воситаларини мақсадга кўра танлай оладилар, қолипга тушиб қолмаган, янгича қарорлар қабул қила оладилар, касбий-педагогик мулоқот маданиятини ўзлаштирган бўладилар, коммуникатив қобилиятлари шаклланган бўлади, ўз нуқтаи назарига эга бўладилар ва уни ҳимоя қила оладилар ва х.к.

Махсус таълим тизими учун кадрлар тайёрлашнинг бутун жараёни бўлажак мутахассислар томонидан билимлилик, ахлоқийлик, тадбиркорлик, қарорлар қабул қилишда мустақиллик, конструктивлик, чаққонлик каби хислатларга эга бўлишга йўналтирилган бўлиши лозим, токи бу уларга келажакда жамиятнинг ижтимоий тузилмасига жадал кириб бориш имконини беради. Олий таълим шароитида касбий ижтимоийлашув жараёнида талабалар кета-кет қуйидаги босқичлардан ўтадилар: олий таълим ҳамжамиятига интеграция, мутахассис сифатида шаклланиш, ҳар хил ижтимоий фаолият турларида мустақил ривожланиш.

Олий ўқув муассасасида ўқув ишларининг самарадорлиги талабаларнинг руҳияти, дунёқараши, ҳис-туйғулари, қизиқишлиари, интилишиларидан келиб чиқсан ўз фаолиятларини англаб етишларига боғлиқ. Амалиёт шуни кўрсатадики, бунинг асосида педагогик рағбатлантириш ётиши лозим.

Педагогик рағбатлантириш деганда ишонтирасида асосли сухбатлар, муттасил машқлар, таълим олувчилар ва таълим берувчилар ўртасидаги самимий муносабатлар, маънавий рағбатлантиришлар воситасида талабаларнинг ижодий потенциалини, индивидуал ишлаш услубини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш билан боғлиқ педагогнинг мақсадли фаолияти кўзда тутилади. Билишга бўлган интилишни фаоллаштириш мақсадга мувофиқлик, ижодийлик, фаоллик, кузатувчанлик, индивидуал қобилиятларни ҳисобга олиш, истиқболлилик тамойилларига асосланади.

Олий ўқув муассасаси битирувчисига қўйиладиган талаблар рўйхатига аввалам бор унинг функционал ва шахсий хислатларини белгилаб берадиган қуйидаги сифатлар киради:

- юқори касбий маҳорат ва билимдонлик;
- фундаментал назарий ва амалий тайёргарлик;
- қайта касбий тайёргарлик ва малака оширишга тайёрлик билан боғлиқ юқори мослашувчанлик;
- мулоқотга киришиш қобилияти, яъни коммуникативлик;

- ижодий фикрлашга тайёрлик, онгли касбий ижодийлик, янгини кўзлаб одат тусига кирган эскидан воз кечиш;
- иқтисодий ва тадбиркорлик онгга эга бўлишлик;
- ўз касбини шахсий ижодиёт воситалари ва маҳсуллари билан бойита олиш;
- ахлоқий тарбия ва шахсий сифатларни тарбиялашга қодирлик.

Умуман олганда, ҳозирги замон олий ўқув муассасасининг битиравчисига зарур бўлган сифатларни тўртта гурухга бирлаштириш мумкин:

- биринчи гурухга ишга оид (касбий) сифатлар кирадики, булар интизомлилик, меҳнатсеварлик, прагматиклик (амалиётга асосланиш), тадбиркорлик, ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчанлик;
- иккинчи гурухга шахснинг бошқа шахсларга нисбатан муносабатини кўрсатадиган сифатлар (кишилараро алоқалар соҳаси, мулоқот соҳаси) мансуб бўлиб, булар ҳайриҳоҳлик, дилкашлиқ, самимийлик, жамоага киришимлилик;
- учинчи гурухга шахснинг ҳаётга бўлган муносабатини тавсифлайдиган сифатлар (эмоционал соҳа) мансуб бўлиб, булар қувноқлик, ҳаётга ишонч, ҳазилни тўғри тушуниш, берилувчанлик, фаоллик, ҳар томонлама ривожланишга мойиллик;
- тўртинчи гурухни ўз шахсига бўлган баҳони оширадиган интивидуал сифатлар (“мен” соҳаси) ташкил этади, булар сарамжонлик, мустақиллик, қатъийлик, ўзига хослиқ, таваккалчиликка мойиллик, батартиблиқ ва ҳ.к.

Олий ўқув муассасаси талabalарида бундай сифатларни қуидаги шартшароитлар мавжудлигидагина тарбиялаш имконияти туғилади: а) талabalарнинг аниқланган қизиқишилари, майллари, қобилиятлари асосида уларнинг билим олиш ва амалий фаолиятларини жонлантириш; б) педагогик рефлексиядан касбий маҳорат ва рақобатбардошликни шакллантириш омили сифатида фойдаланиш; в) ижтимоий шерикчиликни ташкил этиш.

Хуллас, дефектологнинг касбий фаолияти пировард натижада инсоннинг ижтимоий мослашувига ва жамоага интеграциясига, унга камчилик характерини ҳисобга олган ҳолда жамиятда муносабиб ва мустақил ҳаёт кечириш имкониятига эришишда ёрдам беришга қаратилади. Дефектолог касбий фаолиятининг юқорида баён этилган характери ривожланиши орқада қолган шахсларнинг маҳсус таълимга бўлган эҳтиёжларининг турли-туманлиги билан ҳамда бу фаолият эҳтиёжларга мос бўлиши ва уларни қониқтириш лозимлиги билан белгиланади.

3. Махсус мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда ўз уставига амал қиласди.

Махсус мактабгача муассаса жисмоний ёки ақлий ривожланишида турли нуқсонлари бўлган болаларнинг мактабгача таълим олишларида уларга ёрдам бериш, уларни англаш имкониятларига мувофиқ тарбиялаш ва соғломлаштириш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилади.

Махсус мактабгача муассаса таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси ҳисобланиб, куйидагилар унинг асосий вазифаларига киради:

болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш;  
боланинг ривожланишидаги нуқсонларни зарур тарзда коррекциялаш;  
бона шахси асосларини шакллантириш, унинг билим олишга бўлган қизиқишиларини ривожлантириш;  
боланинг интеллектуал, шахс сифатида ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;  
болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;  
болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш.

Махсус мактабгача таълим муассасаси юридик шахс ҳисобланади, ўз уставига, банк ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва тўлиқ номи кўрсатилган мухрга, штампларга, ўз номи ёзилган бланкаларга эга бўлади.

## **II. Махсус мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тартиби**

Махсус мактабгача муассаса муассис томонидан ташкил этилади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтади.

Даволаш-соғломлаштириш хизматларига муҳтоҷ бўлган болалар контингенти мавжуд бўлган тақдирда Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар

халқ таълими бошқармалари, Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигига махсус мактабгача муассаса ташкил этиш тўғрисида асосланган таклиф билан мурожаат қилади.

Махсус мактабгача муассаса ташкил этиш тўғрисидаги таклиф махсус мактабгача муассасини ташкил этиш таклиф этилаётган минтақада охирги 5 йилда 2 ёшдан 7 ёшгacha болалар орасида тегишли касалликларнинг кўпайғанлигини кўрсатадиган соғлиқни сақлаш органларининг расмий статистика маълумотлари билан асосланиши керак.

Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги ташкил этиладиган махсус мактабгача муассаса жойлаштирилиши мўлжалланаётган худудда болалар мактабгача таълим муассасаларининг жойлашишини мурожаат қилинган пайтдан бошлаб бир ҳафта муддатда ўрганади ва махсус таълим муассасасини жойлаштириш учун фаолият кўрсатаётган болалар боғчалари (яслилар)дан намунавий бинони ёхуд махсус таълим муассасасини ташкил этишга қўйиладиган норматив талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган махсус лойиҳа бўйича янги бино қуриш учун участкани танлайди.

Махсус мактабгача муассаса ташкил этиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг ижобий хулосалари мавжуд бўлган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари томонидан бир ҳафта муддатда қабул қилинади.

Махсус мактабгача муассасалар уларнинг ихтисослашувига мувофиқ  
қўйидаги типларга бўлинади:

- нуткида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун махсус мактабгача муассаса:
- эшитишда оғир нуқсонлар бўлган болалар учун махсус мактабгача

муассаса;

- кўришда оғир нуқсонлар бўлган болалар учун махсус мактабгача муассаса;
- психик нуқсонли (психик ривожланишида кечикиш, акли заиф) болалар учун махсус мактабгача муассаса;
- таянч-харакатланиш аппаратида нуқсонлар бўлган болалар учун махсус мактабгача муассаса;
- мураккаб нуқсонлари бўлган болалар учун махсус мактабгача муассаса.

Юқорида кўрсатиб ўтилган типлар бўйича махсус мактабгача муассаса ташкил этиш учун тарбияланувчилар контингенти етарли бўлмаган тақдирда турли нуқсонлари бўлган (ривожланишдаги четга чиқишилар) тарбияланувчилар гурухлари шакллантирилган ҳолда кўп ихтисосли махсус мактабгача муассаса ташкил этишга рухсат берилади.

### **III. Махсус мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш**

Махсус мактабгача муассасаларга мактабгача ёшдаги 2-7 ёшли болаларнинг куйидаги тоифалари қабул қилинади:

- нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар (алалия, болалар афазияси, ринолалия, дизартрия, дудукланиш, руҳий-нутқий ривожланишда орқада қолиш);
- эшитишида оғир нуқсонлар бўлган болалар (I-IV гурух карлик, ёмон эшитувчилар, орттирилган карлик);
- кўришида оғир нуқсонлар бўлган болалар (кўзи ожиз болалар, амблиопия ва ғилайлик, заиф кўрадиганлар);
- таянч-харакатланиш аъзосида нуқсонлар бўлган болалар (бош мия, бўйин, кўкрак қафаси, умуртқа, бўғимлар ва оёқлар операцияларининг барча турларидан кейинги ҳолат, барча туғма раЖит, жароҳат, куйиш ва кифозлар, лордозлар, кифосколиоз, қоматнинг бузулиши, кўкрак қафаси, умуртқа ва оёқлар деформацияси, яssi оёқ панжаси, оёқ панжалари фалажи;
- таянч-харакатланиш аъзоси ривожланиши аномалияси, бўғимлар деформацияси, артрозоаритлар, бўғинлар рекурвацияси, жисмоний

ривожланишида орқада қолиш; остеондропатия, хондродистрофия; полиомиелит ва менингоэнцефалитга чалингандан кейин болалар церебрал фалажида, таянч-харакатланиш аъзоларининг барча патологиялари, гемиопорезлар, плегиялар, монопорезлар, Эрб-Дюшен фалажи, полирадикулоневритлар);

- психик ривожланишда орқада қолаётган болалар (ақлий орқада қолиш, жиддий ақлий орқада қолиш, психик ривожланишнинг кечикиши);
- нуқсонлари мураккаб бўлган болалар (ривожланишида 2 ва ундан ортиқ нуқсонига эга бўлган болалар).

Махсус мактабгача муассасаларга болаларни қабул қилиш тиббий-психологик-педагогик комиссияларнинг хulosаси асосида амалга оширилади.

Махсус мактабгача муассасада қанча бўлиш ва болалар билан коррекция олиб бориш муддати тиббий-психологик-педагогик комиссияларнинг хulosасида белгиланади.

Низомгаг мувофиқ болаларни махсус мактабгача муассасага қабул қилиш.

Жисмоний ёки ақлий ривожланишида турли нуқсонлар бўлган болаларнинг таълим олиши ва даволаш орқали соғломлаштирилиши қўйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

- таълим, тарбия ва даволаш (соғломлаштириш)нинг коррекцион йўналтирилганлиги;
- таълим ва тарбиянинг махсус методологиясидан фойдаланиш;
- ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга табақалаштирилган ҳолда ёндошиш.
- Махсус мактабгача муассасада таълим ва тарбияни ташкил этиш болаларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади.

Махсус мактабгача муассаса белгиланган давлат нормативларига, мактабгача таълимга ва даволашга қўйиладиган талабларга мувофиқ

болаларни тарбиялаш, ўқитиши, қараши, парвариш қилиши ва соғломлаштириши таъминлайди.

Махсус мактабгача таълим муассасада таълимнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ёки тавсия қилинган дастурлар билан белгиланади. Махсус мактабгача муассаса ўзининг дастурларидан (муаллифлик дастурларидан) фойдаланиш хукуқига эга. Бундай дастурларни тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади:

Махсус мактабгача муассасада гурухларнинг тўлдирилиши болаларнинг тоифасига ва уларнинг ёшига (икки ёшдан бошлаб ва ундан катта ёшдаги болалар) қараб ва тегишли равишда қуйидагича тарзда белгиланади:

- нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун-10-12 бола;
- факат 3 ёшдан катта бўлган нутқида фонетик-фонематик нуқсонлар бўлган болалар учун-12-15 бола;
- кар болалар учун-8 бола;
- яхши эшитмайдиган болалар учун-10-12 бола;
- кўзи ожиз болалар учун-6 бола;
- яхши кўрмайдиган болалар, амблиопия, ғилай болалар учун-6-10 бола;
- таянч-харакатланиш аъзоларида нуқсонлар бўлган болалар учун-6-10 бола;
- 3 ёшгacha интеллектида нуқсонлар бўлган болалар (ақлий қолоклик) учун-6 бола;
- уч ёшдан катта ёшдаги жиддий ақлий орқада қолган болалар учун-10 бола;
- сил интоксиацияси мавжуд бўлган болалар учун-15-20 бола;
- тез-тез касалликка чалинадиган болалар учун -15-20 бола;
- нуқсонлари мураккаб бўлган (икки ёки ундан ортиқ нуқсонлар) болалар учун-8-10 бола.

➤ ривожланишида бошқа четга чиқишлиар бўлган болалар учун (эндокрин касалликлар)-15-20 бола;

#### **IV. Махсус мактабгача муассасада**

##### **даволаш-соғломлаштириш жараёнини ташкил этиш**

Жисмоний ёки ақлий ривожланишида турли нуқсонлар бўлган болаларни соғломлаштиришга йўналтирилган даволаш-соғломлаштириш, муассасада штатдаги тиббиёт ходимлари ёки соғлиқни сақлаш муассасаларининг уларга бириктирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Махсус мактабгача муассасанинг тиббиёт ходимлари томонидан касалликлар қайталанишининг олдини олишга ва болалар соғлигини яхшилашга йўналтирилган даволаш–соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилади.

Даволайдиган жисмоний тарбия буйича машғулотлар даволайдиган жисмоний тарбия инструктори ёки тегишли тайёргарликка эга бўлган ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Даволаш курсида белгиланган тиббий соғломлаштириш муолажаларини қабул қилиш машғулотлар жадвали келишилган ҳолда ҳар бир бола учун якка тартибда режалаштирилади.

Махсус мактабгача муассасада ҳар бир болага тиббий карта тутилади, бола маҳсус мактабгача муассасада бўлиши муддати тамом бўлгандан кейин ундан кўчирма яшаш жойидаги даволаш муассасасига, ота-оналарга ёки ота-оналар ўрнини босувчи шахсларга берилади.

Махсус мактабгача муассасада барча соғломлаштириш ва реабилитация тадбирларининг тўғри ташкил этилиши ва олиб борилиши устидан назорат маҳсус мактабгача муассаса жойлашган ҳудуддаги соғлиқни сақлаш органлари томонидан амалга оширилади.

Махсус мактабгача муассасаларни тиббий ходимлар билан бутлаш туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари билан биргаликда амалга оширилади.

#### **V. Таълим жараёниниг қатнашчилари.**

Тарбияланувчилар, педагоглар, тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар маҳсус

мактабгача муассасада таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланади.

Махсус мактабгача муассаса тарбияланувчилари бепул мактабгача таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикасида махсус мактабгача муассаса учун тасдиқланган санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ бепул овқат билан таъминланиш, турли тадбирларда қатнашиш хуқуқига эгадир.

Махсус мактабгача муассаса тарбияланувчиларининг бошқа хуқуқ ва мажбуриятлари қонун хужжатларида ва махсус мактабгача муассаса уставида белгиланади.

Тегишли ихтисосли маълумотга, касб тайёргарлигига юксак маънавий фазилатларга эга бўлган шахслар махсус мактабгача муассасада педагогик ва тиббий фаолият билан шуғулланиш хуқуқига эга бўлади.

Ота-оналар ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахслар махсус мактабгача муассасанинг таълим-тарбиявий фаолияти, ўз болаларига берилаётган таълим ва қўрсатилаётган тиббий ёрдам билан танишиш хуқуқига эгадир.

### **Махсус мактабгача муассасани бошқариш.**

Махсус мактабгача муассасага мудир бевосита раҳбарлик қиласи. Махсус мактабгача муассаса мудирини ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Халк таълими вазирлиги билан келишган ҳолда халк таълими худудий органлари томонидан амалга оширилади.

Махсус мактабгача муассаса мудири билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади.

Махсус мактабгача муассаса мудири лавозимига қўйиладиган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Халк таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Мудир махсус мактабгача муассаса номидан иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, махсус мактабгача муассасанинг мол-мулкини қонун хужжатларида белгиланган тартибда бошқаради ва шартномалар тузади.

Махсус мактабгача муассасада педагогика, методика ва васийлик кенгашлари шакллантирилади ва фаолият кўрсатади. Уларнинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

### **Назорат саволлари**

1. Махсус педагогиканинг шаклланиши ва тараққиёти, ундаги муаммоларини аниқланг.
2. Ўқитувчи-дефектологнинг касбий тайёргарлиги, ижодий сифатлари ва шахсига қўйиладиган асосий талабларни айтиб беринг.
3. Махсус таълимнинг ҳозирги замон талабларни айтиб беринг.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Махсус психология. Т.: “Ношир”, 2013 й.
2. Пўлатова П. ва бошқалар. Махсус педагогика. Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2014 й.
3. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.
4. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
5. Аксенова Л.А. Социальная педагогика в специальном образовании. – М.:Академия, 2001.
6. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: “Fanvatexnologiyalar, 2013й.
7. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.

## **Инклузив таълимнинг жорий этилиши муаммолари Режа:**

1. Инклузив таълим тушунчаси. Инклузив таълимнинг ҳуқуқий-мөйёрий асослари.

2. Ўзбекистонга инклузив таълимнинг кириб келиши. Инклузив таълимнинг тадбиқ этишдаги тўсиқлар ва муаммо.

3. Инклузив таълимнинг компонентлари. Кадрларнинг аҳамияти Инклузив таълимнинг жорийланишида таълим иштирокчиларининг ўрни ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар.

**Таянч тушунчалар:** Инклузив таълим, инклузив таълим маданияти, маҳсус таълим, дарс жараёни, синф дарс тизими,

Инклузив таълим (инглиз тилидан олинган бўлиб, *inclusive*, *inclusion*-уйғунлашмоқ, қамраб олмоқ, ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни (дискриминацияни) бартараф этиш.

Инклузив таълим – бу давлат сиёсати бўлиб ногирон ёки бошқа сабаблар туфайли маҳсус ёрдамга муҳтож, касалланган болалар учун мослашувчан ва индивидуаллашган ёрдам тизимиdir ва барча болаларни тенг кўришни кўзда тутадиган инклузив, инновацион таълим туриди.

Миллати, ирқи, танасининг ранги, ижтимоий келиб чиқиши, оиласининг жамиятда тутган ўрни, манбаи, моддий ва маънавий ахволи, жисмоний ёки руҳий ривожланишида камчилиги бўлишидан қатъий назар барча болаларни тенг кўриш, улардаги ҳар қандай имкониятни қадрлаш, ривожлантиришни кўзда тутадиган таълим ҳисобланади.

### **Инклузив таълимнинг мақсад ва вазифалари:**

–имконияти чекланган болалар таълим олишлари учун зарурӣ психолого-педагогик, коррекцион шароитларни яратиш;

–умумтаълим дастурлари ва коррекцион ишларни амалга ошириш;

– ўқувчиларнинг таълимдаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш;

– жамиятнинг ва оиласининг фаол иштироқида ногирон ва соғлом болаларнинг эҳтиёжларини қондириш;

– ижтимоий хаётга эрта мослаштириш;

– имконияти чекланган болалар оиласардан ажralмаган ҳолда яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш;

– жамиятда имконияти чекланган болаларга нисбатан дўстона ва меҳр-муҳаббатли муносабатни шакллантиришdir.

### **Инклузив таълимнинг коидалари:**

1. Инсоннинг қадр қиммати, унинг қобилияти ва ютуғига боғлиқ эмас.

2. Ҳар бир инсон ўйлаш ва хис қилиш қобилиятига эга.

3. Ҳар бир киши эшитиш ва мулоқот қилиш қобилиятига эга.

4. Ҳар бир киши бир-бирига муҳтож.

5. Шахснинг тўлиқ ва ҳақиқий таълим олиши фақат реал ҳамкорлиқда амалга ошади.

6. Ҳамма кишилар ўз тенгдошларини қўллаб-қувватлашга мухтож.

7. Ҳамма таълим олувчиларни ютуқга эришишига уларнинг нимадир қила олмаслиги эмас , балки ниманидир қила олишидир.

8. Инклузив таълим амалга ошираётган умумтаълим мактабдаги синфларда интеграция қилинган ўқувчилар сони 2–3 нафардан оширилмайди ҳамда ўқувчиларнинг умумий сони 25 нафаргача белгиланади

### **Инклузив таълимга бўлган эҳтиёжлар**

Ҳар бир шахсда меҳр олиш, этиборда бўлиш, ҳимояланиш, шахсийлик фаолиятини рухлантириш ва шу каби эҳтиёжлар мавжуд.

Ногирон одамлар бундан мустасно эмас, лекин булардан ташқари уларнинг алоҳида шахсий эҳтиёжлари мавжуд.

Уларнинг хатти ҳаракатлари, қизиқишлари, қобилиятлари каби жиҳатларига асосланган ҳолда ногиронликлари ўхшаш бўлган тақдирда ҳам улар бир биридан фарқ қиласди

Ҳар бир бола шахс сифатида мукаммалдир ва ҳар бир бола ҳаётга мослашиш ва ривожланиш учун ёрдамга мухтождир.

Имконияти чекланган болалар ҳам соғлом болалар билан биргаликда ўзаро фаолият кўрсатишлари мумкин.

Имконияти чекланган болалар ҳам соғлом тенгдошлари билан ёнма-ён ўқиш, тарбияланиш ҳуқуқига эга.

### **Инклузив таълимнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий асослари.**

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил; 41-модда)

– «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Конун (1991 йил, 19, 27-моддалар)

– «Таълим тўғрисида»ги Конун (1997 йил, 22, 23-моддалар)

– «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Конун (2008 йил; таълим олишдаги тенг имкониятлар ва алоҳида кафолатлари, 28, 29-моддалар)

– Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (ўқувчиларни қобилият ва имкониятларига мувофиқ ўқитишга дифференцион ёндашув)

– «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури (2007йил, 4. 2-банди), «Ёшлилар йили» Давлат дастури.

### **Натижада**

-инклузив таълим имконияти чекланган болаларга доимо ўз оиласи маҳалласи ва қариндош-уруглари даврасида бўлишга имкон беради;

-инклузив таълим барча учун, таълим сифатини яхшилашга олиб келадиган катализатор бўлиб хизмат қилиши мумкин;

- Жамиятга эрта мослашади, ўз тендошлари билан тенг ҳукукга эга бўлади.

- Барча болаларни ногиронларга нисбатан ўзлари сингари бола эканликларини англаб, камситмасликларини таъминлаган бўлади.

### **Инклузив таълимнинг муаммолари.**

-Ўқув-методик адабиётлар билан таъминламаганлиги;

- Ногирон болаларга нисбаттан салбий муносабатда бўлиш;
- Имконияти чекланган болаларнинг соғлом тенгдошлари орасида кўринмаслиги;
- Таълим муассасаларини мослаштирилмаганлиги;
- Синфда ўқувчилар сонининг кўплиги;
- Имконияти чекланган болаларнинг бошқаларга қарамлиги;
- Кадрлар масаласидаги муаммолар.
- Жамиятни ва ота-оналарнинг инклузив таълимнини мохиятини тушунмаганликлари.

Шундай қилиб, инклузив таълимни ривожлантириш учун зарур:

- хукуқий асосларини такомиллаштириш;
- ногирон болаларга нисбаттан дўстона муносабатни шакллантириш;
- боланинг ривожланишида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган коррекцион тадбирларни эрта ёшдан бошлаш;
- умумий таълимга жалб қилинган ҳар бир бола учун тиббий-психологик-педагогик кузатувни, яъни мутахассисларнинг доимий ёрдамини ташкил этиш;
- имкониятлари чекланган ҳар бир боланинг соғлом болалар билан биргаликда тарбия ва таълим олишининг зарур шаклларини таъминлаш;

Болалар онгода иркчилик, ногиронлик ҳамда имкониятлар кенглиги хусусида тўғри тушунчаларни шакллантириш инклузив таълимнинг самарадорлигини оширишда жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Нотўғри тушунчаларнинг мавжудлиги сабабли имконияти чекланган болалар ҳакорати ва масхараланишига дучор бўлмоқдалар. Бундан ҳам аянчлиси шу каби салбий муносабатдаги хулк-атворни айрим ўқитувчиларнинг эътиборсиз колдираётганлигидир. Таълим-тарбия самарадорлигиниошириш учун ҳам барча мактабларда ҳамма болалар учун тенг ҳукуқли, севимли, дўстона илиқ муносабатдаги муҳитни яратиш лозим. Мактабда иркчиликни, ногиронлик устидан кулишни кораланиши ва уртасидаги тенг ҳукуқлилик тушунчасини шакллантириш керак. Биз куйида болалар уртасида тенг ҳукуқликни тушунчаларни шакллантириш бўйимконияти чеклангана тавсиялар берилди:

•Педагоглар барча синфларда болалар ўз ҳаётлари ва ҳис туйғуларини муҳокама қила оладиган ўзоро қўллаб – кувватловчи ва ҳам жиҳатликдаги ижобий муҳитни яратишга ёрдам беришлари лозим;

•Ўқувчилар онгига ногиронлик – алоҳидалик эмас, балки камчиликни мажудлиги натижасида имкониятлар чегаралангандигини тушунтира билиш лозим. Ногирон болалардан куркиш, жирканиш ҳисларини йукотишга эришиш талаб этилади.

Педагоглар айрим ҳолатларда стереотипларни қўллашдан кочишлари ва ташабуслари қўллашдан кейин ҳам болалар олдида шархламасликлари лозим. Улар болаларга нима учун лакаб куйиш, масхара қилиш, салбий

муносабатларни юзага келтиришини тушунтириб беришлари ва бунга йул куймасликлари талаб этилади.

Зарур бўлган ҳолатларда имконияти чекланган болаларда айрим ўқувчилар тамонидан билиралаётган салбий муносабатларни бутун синф билан муҳокама қилиш уринли ҳисобланади. Ижобий натижага эришиш учун охиргача курашиш лозим.

Ҳар бир муҳокама болаларнинг ютукларининг унинг аввалги ютукларига салиштириб, кайд этиб, такидлаб бориш муҳимдир. ўқувчилар билан турли хилдаги ва психологияк тестлар ўтказишида боланинг иркига, ижтимоий келиб чиқишига, жинси ва ногиронликка оид саволларни бермаслик айни муддао.

Ўқитувчилар ишларини ва уларнинг ютукларини барча соҳаларида мактаб ва мактабдан ташқари ишларда намойиш қилиб бориш керак. Дарсларга материаллар тайёрлашда имконияти чекланган боланинг ижод намуналарини ҳам қўллаш жуда самара беради.

Китоб, плакатлар ва дастурларни қўллаётиб, шунга ишонч ҳосил қилиш керакки, улар инклузив таълимга мос келиши керак. Мактаблар очик бўлиши, ўқувчилар, ота-оналар ва педагоглар мулокат қила билиши кер

Имкониятлари чекланган болаларнинг, ҳоҳ у маҳсус мактаб, мактабгача муассасалар бўлсин, ҳоҳ умумтаълим муассасалари қошидаги синф ёки гуруҳлар бўлсин, ҳоҳ уйда таълим олиш бўлсин, ўқитишининг барча шакллари, итаълим соҳасига жалб қилиниши маълум жиҳатдан интеграция жараёни ҳисобланади, чунки ўқиши даврида ва ундан кейин ҳам бу болалар бошқа болалар, шу жумладан умумтаълим муассасаларда таълим олаётган болалар билан ўзаро мулокотда бўладилар, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга уйғунлашуви таъминланади. Бироқ, таълим олиш учун мос шарт-шароитларни танлаш ҳар бир боланинг ва ота-онасиниг хуқуқи ҳисобланади. Психологияк-тиббий-педагогик комиссия мутахассислари зиммасига боланинг руҳий-жисмоний ҳолатини ўрганиш ва ташхис қилиш вазифаси юклangan бўлиб, болани ҳар томонлама текшириш натижасида болаларни ўқитиши ва уларга мос келадиган таълим шароитини аниқлашга доир тавсиялар берилади. Шундай қилиб, ўзига хос эҳтиёжлари бўлган боланинг умумтаълим соҳасига самарали жалб қилиниши учун қуидагилар зарур:

–боланинг ривожланишида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган коррекцион тадбирларни эрта ёшдан бошлаш

–умумий таълимга жалб қилинган ҳар бир боланинг тиббий-психологияк-педагогик кузатувни, яъни мутахассисларнинг доимий ёрдамини ташкил этиш;

–руҳий-жисмоний ривожланиши ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиқиб, имкониятлари чекланган ҳар бир боланинг соғлом болалар билан биргаликда тарбия ва таълим олишининг зарур шаклларини танлашни таъминлаш;

Юқорида кўриб чиқилган инклузив таълим тўғрисидаги зарур тушунча ва фикрлар интеграция таълимини амалиётга татбиқ қилишда фойдали

бўлиши мумкин. Олиб борилган сўровномалар таҳлили имконияти чекланган болаларни умумтаълим мактабларида ўқитиши жараёнида дуч келадиган қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

– Чунончи умумтаълим муассасалари шароитини имконияти чекланган болаларга мослаштириб таълим ва тарбия бериш натижасида болалар ўртасида дўстона муносабатлар шаклланиб боради. Бундай болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий жамиятга эрта ва тўлақонли мослашувлари таъминланади.

Инклузив таълимни Ўзбекистон Республикасида жорий қилишининг яна бир афзаллик томони шундаки, маҳсус таълим муассасалари мавжуд бўлмаган жойларда ҳам имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимига тўлиқ жалб қилинишига имконият яратилади.

**Инклузив таълим** умумтаълим жараёнини ривожлантиради ва барча болаларга мос бўлган таълимни жорий қиласди. Имконияти чекланган болалар таълим олишига оид қўшимча мосламаларни ташкил қилиб болаларни таълим олишига қулай шароит яратади. Инклузив таълим турлихил эҳтиёжли болаларнинг таълим олишига қаратилган методологияни ривожлантиришга ҳаракат қиласди. Инклузив таълим турли эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ихчам турдаги дарс беришга ёндашадиган таълимни ишлаб чиқиши амалга оширади. Агарда инклузив таълимни татбиқ этишда дарс бериш, ўқитиши бир мунча самарали ва унумли бўлса унда нафақат имконияти чекланган болалар балки барча болалар ютади.

### **Инклузив таълим маданияти**

“Саламанка декларацияси”га мувофиқ ҳар бир ўқувчининг тафовут хусусиятларини қўллаб-қувватловчи ва маъқулловчи ислоҳот сифатида қарашади. Унинг мақсадлари, жинси, ирқи, маданияти, ижтимоий миллати, дини, индивидуал имконият ва қобилиятидаги тафовутлар оқибатида юзага келадиган ижтимоий сегрегацияга йўл қўймаслиқдан иборат. Дунё бўйича мактабларда инклузивга кўпинча умумтаълим мактабларида ногиронларни ўзларининг tengdoшлари билан бирга таълим олиши деб қаралади.

### **Инклузив таълимга бўлган эҳтиёжлар ва сабаблар.**

Ҳар бир шахсда меҳр олиш, этиборда бўлиш, ҳимояланиш, шахсийлик фаолиятини рухлантириш ва шу каби эҳтиёжлар мавжуд. Ногирон одамлар бундан мустасно эмас, лекин булардан ташқари уларнинг алоҳида шахсий эҳтиёжлари мавжуд. Уларнинг хатти ҳаракатлари, қизиқишлари, қобилияtlари каби жиҳатларига асосланган ҳолда ногиронликлари оз бўлсада ўхшаш бўлган тақдирда ҳам улар бир биридан фарқ қиласди масалан: иккита ногиронлиги бир хил бўлган болаларнинг бири ижобий, рухлантирувчи муҳитда яшashi мумкин, иккинчиси эса салбий, кўнгилни қолдирувчи муҳитда яшashi мумкин. Уларнинг иккаласи ҳам ногирон бўлсада, бу уларга бир хил ёрдам кўрсатилиши керак дегани эмас. Уларнинг эҳтиёжлари яккама-якка ҳолда қондирилиши лозим. Ушбу муаммони муҳимлиги амалиётда кенг тан олинган.

Хар бир бола шахс сифатида мукаммалдир ва ҳар бир бола ҳаётга мослашиш ва ривожланиш учун ёрдамга муҳтождир. Баъзи бир болалар бошқалардан кўра кўпроқ ёрдамга муҳтождир. Бошқалари эса ҳаётнинг маълум бир пайтида ёки бутун ҳаётлари давомида маҳсус ёрдамга муҳтождирлар масалан, мактабда таълим олаётган чоғларида. Бу каби маҳсус қўшимча ёрдам “**Маҳсус таълимга бориб тақалади**”. Ҳозирги кунгача умумий таълим мактаб тизими вакилларининг “**Булар бизнинг болаларимиз эмас. Улар маҳсус таълимга қарашли.**” деган гапларини жуда кўп эшитганмиз. Шу каби масалалар бугунги кунда ногирон гурухларга асосланган классификациясини ва маҳсус таълимга муҳтож болалар тушунчасини ўзгартиришга асос бўлмоқда. Умумтаълим мактабларида нуқсон турига кўра шароит яратилса, кўпчилик маҳсус таълимга муҳтож болаларнинг эҳтиёжларини оддий мактабнинг ўзида ҳам маҳсус дастур, дарсликлар ва ёрдамчи техник воситаларни қўллаши асосида таълим олишини амалга ошириш мумкин.

Маҳсус ёрдамга муҳтож болаларнинг асосий муамоларини улар ўзлари яшаб турган муҳитдан, оиладан узоқда таълим тарбия бериш билан ҳал қилиб бўлмайди. Жамият ўз азоларига жавобгарликни ўз бўйнига олмас экан, чеклаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар қайтариб берилмас экан, ижтимоий интеграцияга эришиш қийин.

Имконияти чекланган болаларнинг таълим-тарбиясида тенгхуқуқлилик муаммосини ҳал этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Аммо бугунги кунда ҳам жуда кўплаб болалар турли хилдаги сабабларга кўра таълимдан четда қолиб кетмоқдалар. Инклузив таълимга жалб қилишнинг ташкилий, илмий-услубий чораларини кўриб чиқиш, яъни мутахассисларни тайёрлаш, малакасини оширишга оид тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим муассасаларига жалб қилишнинг икки асосий омили бор:

Биринчидан, маҳсус эҳтиёжга эга бўлган болалар ҳам соғлом болалар билан биргаликда ўзаро фаолият кўрсатишлари мумкин. Инклузив таълим мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилса, маҳсус эҳтиёжли болалар ижтимоий томондан ҳимояланадилар, соғлом болалар эса ижтимоий адолат ва тенгликнинг тан олиниши буюклигини, ногирон болаларга нисбатан янада меҳрибон ва эътибор билан муносабатда бўлишни ҳис этадилар.

Иккинчидан, ногирон болалар ҳам соғлом тенгдошлари билан ёнма-ён ўқиши, тарбияланиш ҳуқуқига эга эканлиги.

Бу ишларнинг муваффақияти ҳар бир давлатнинг қонунларида акс этилиши зарур. Чунки, қонунлар, уларни керакли моддий ва маънавий ресурслар билан таъминланишини амалга оширишни кафолатлади.

Имконияти чекланган болалар-ўқувчиларга таълим беришда, ота-оналар, маҳаллалар педагоглар, мутахассислар ҳамкорлигига фаолият кўрсатишлари талаб қилинади ва мажбурий шарт ҳисобланади.

Алоҳида эҳтиёжли болалар ҳам соғлом тенгдошлари билан биргаликда ўз қобилияти даражасида фаолият кўрсатиш, таълим олиши, касб-хунар ўрганиши ва ривожланиши мумкин. Инклузив таълим мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилса, маҳсус ёрдамга муҳтож болалар ижтимоий томондан ҳимояланадилар, ижтимоий хаётда тенгҳукуқли эканлигини, ўз тенгдошлари билан бирга билим олишлари мумкинлигини ҳис этадилар.

Алоҳида эҳтиёжли болалар учун ташкил этилган сегрегацион-маҳсус, ёпиқ турдаги муассасаларда болалардаги мавжуд нуқсонлар анча-мунча юқори даражада коррекциялансада, аммо болаларнинг мактаб жамоасидаги тор доирага тушиб қолишлари натижасида ижтимоий жамиятга мослашиши, келажакда соғлом боалалар қатори фаолият юритишларида жуда катта қийинчиликларга дуч келадилар. Маҳсус мактаблар мана шу жиҳатлари билан катта камчиликларга эга. Бундан ташқари маҳсус эҳтиёжли болаларни барча қатори кенг жамоатчилик даврасидан ажратган ҳолда яшашлари ҳам демократия нуқтай назарига тўғри келмайди. Чунки маҳсус эҳтиёжли болалар ҳам барча қатори ҳақ-хукуқларга эга.

Маҳсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига қабул қилиниши ўқувчиларни янада болага қаратилган фаолроқ ва кўпроқ ўқувчиларни қамрайдиган янги ўқитиш услубларини ишлаб чиқишига ундейди. Бунинг нафи эса ҳамма болага тегади.

Жамиятда ногиронларга нисбатан янгилиш фикр ва муносабат мавжуд. Улар ҳақида маълумотларнинг камлиги ва уларга ёшлигидан маҳсус муассасаларда ёпиқ тарзда таълим-тарбия берилиши бунга сабаб бўлиши мумкин. Бундай муносабатни йўқотиш ёки камайтириш анча мушкул ишдир. Лекин тажрибадан шу нарса маълумки, катталарга нисбатан болалар фарқли ва ўхшашлик жиҳатларни тезроқ англар эканлар. Агарда маҳсус эҳтиёжли болалар нормал ривожланишдаги болалар билан биргаликда таълим-тарбия олсалар, бу барча болаларни ногиронларга нисбатан ўзлари сингари бола эканликларини англаш, камситмасликларини таъминлаган бўлар эди.

### **Кўришида нуқсони бўлган болалар инклузив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш.**

- Укитувчикўришида нухсони бўлган боладан (агарда у заиф кўрувчи бўлса) синф тахтасини кўриш учун энг қулай жойги сураб уни уша жойга ўтказиши лозим;
- Агар кўришида нухсони бўлган боланинг кузлари ёругликка сезгир бўлса, уни дераза ёнига ўтказмаслик керак. Шунинг учун ҳам боланинг кузларини ёругликдан саклаш учун картон тусикни ишлатиш мумкин;

- Синфдаги энг ахлокий ва олижаноб ўқувчиларни аниқлаб, кўришида нухсони бўлган болага «йул бошловчи» ўқувчи қилиб тайинланса юқори натижага эришиш мумкин;
- Укитувчи синф тахтасига ёзилган маълумотларни баланд овозда ўқиши талаб этилади;
- Кўришида нухсони бўлган бола маълумотларни эшлиш ва тактил сезгилари асосида эгалайдилар. Щунинг учун ҳам уларга буюмларни ушлаб кўриш имкониятини бериш керак;
- Укитувчи синфий мунозараларда ким гапираётганлигини кўришида нухсони бўлган бола билиши учун ҳар бир ўқувчининг исмини айтиб туриши керак.

### **Эшлишда нуқсони бўлган болалар инклузив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш**

1. Эшлишда нуқсони бўлган болани ўқитувчи ва доскага якинрок (3 метрдан ошмаслиги), синфдагиларнинг барчасини кўра оладиган жойга ўтказиш;

2. Укитувчи дарс жараёнида факт синфга ўқувчиларга қараб дарс ўтиши, эшитмайдиган ўқувчиларни ўзига қаратиб дарс бошлиши; Укитувчи мавзуни тушнитираётган пайтда китоб ёки бошқа буюмлар билан юзини бёкитмаслиги, доскадаги маълумотлар ҳақида тушунча бераётгандан эса орка томони билан туриб колмаслиги шарт. Чунки эшлишда нуқсони бўлган болаларнинг қўпчилиги ўқув материали, тушунтириш, мурожаат ва ҳ. к. о. ларни лабдан ўқиши асосида қабул қила оладилар;

3. Инклузив синф хонаси яхши ёритилган бўлиши керак. Чунки эшлишда нуқсони бўлган болаларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларнинг юзини, қўлларини ёки лабини яхши кўриши керак;

4. Эшлишда нуқсони бўлган болани бошқа болаларнинг лабини кўра олиши учун парталарни шунга мувофик тарзда жойлаштириш лозим;

5. Доимий равища синфда шовкин кутармаслиги талаб этилади. Инклузив синф хонаси мактабнинг таяч ва сокин тарафида бўлиши талаб этилади;

6. Ўқитувчи аниқ талаффуз ва баланд овозда лекин бакирмасдан гапириши тавсия этилади.

### **таянч-ҳаракат аъзоларда инклузив таълимида муаммолари бўлган болалар синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш.**

Енгил даражаги церебрал фалаж болани умумтаълим синфларда ўқитиши учун кўп нарса талаб этилмайди. Аммо оғир даражадаги церебрал фалаж болани умумтаълим тизимида ўқитиши синфни мослаштириш бир оз мураккаброқ. Бунинг учун синфни мослаштириш куйдагимконияти чеклангана бўлиши мумкин:

1. Церебрал фалаж бола ўтирганда боши ва гавдасини тўғри тутиш учун масус уриндиклар;

2. Боланинг бўйини керакли даражада тута олиши учун маҳсус уриндиклар;

3. Уқитувчи ва тенгдошлар болани тушуна олишлари учун мулокат тахталари (масалан, расм ёки турли размий белгилардан ташкил топган тахталар);

4. Бола синфда ҳаракатлана олиши учун синф хонасининг деворлариёнита ёрдамчи воситалар куйиш;

5. Синф хона парталари церебрал фалаж боланинг аравачаси учун мослаштириш;

6. Агар боланинг нутқида оғир нүқсонлар бўлса мулокатнинг бошқа шакллардан, масалан расмлар ёки чизилган размий карточкалардан фойдаланиш мумкин. Улар синф тахтасига жойлаштирилса, бола ўз фикрини бу воситалар орқали ифода этади;

7. Болани саволлар беришга унданг, лекин унга ўз нутқи билан ёки бошқа воситалар орқали жавоб беришга фурсат беринг;

8. Компелекс ёрдам (тиббиёт ходими логопед, массажист ёрдами) турини ташкил этиш;

9. Тенгдошларидан бола билан ўзаро мулокат қилишларини суранг, чунки болалар доимо бир бирлари билан мулокат қилиш йулини топадилар;

Кул, оёгларни бошқара олишда кийналган болалар ёзишда жуда кўп қийинчиликларга учрайдилар. Шунинг учун уларнинг ёзишларга кушимча вакт ажратиш лозим, ёки уларга маълумотнинг нусхаси берилиши ёки бошқа ўқувчи уларга ёзиб бериши мумкин.

### **Енгил даражадагиақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар инклузив таълимида синфларни ва дарс жараёнини мослаштириш.**

1. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар диққатини тарқаклигини ҳисобга олиб партада ортиқча нарсалар бўлмаслиги керак;

2. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар тез чарчаб қолишини ҳисобга олган ҳолда, улар ҳаракатда бўлиш имконини берувчи топшириқлар бериб туриш («дафтарларни йиг», «доскани тозала» каби);

3. Ҳар бир дарсда жисмоний дақиқа ўтказишни унутмаслик;

4. Синфда етакчилик қобилиятига эга бўлган ўқувчини аниқлаб, «синф бошқарувчиси» (имконияти чекланган ўқувчи) этиб тайинлаш (бу ўқуввидан ўқитувчи ақлий ривожланишида муаммоси бўлган бола билан ишлаётганда кўпроқ фойдаланади);

5. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болаларни синфдаги энг аълочи ўқувчи билан бирга ўтказиш;

6. Дарсда асосий кўргазмалликка тайниш;

7. Ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болага топшириқларни қисмларга бўлиб бериш;

8. Болани рагбатлантиришни унутмаслик;

9. Усулларнинг хилма – хиллигидан доимий равишда фойдаланиш;

10. Ўйин методларига максимал даражада таяниш;

11. Бола топшириқни бажараётганда унга кушимча ёки амалий кўрсатма ҳам бериш;

12. Синф жамоасигақлий ривожланишида муаммоси бўлган боланинг ҳам ҳиссаси кушиладиган топшириқлар бериш;

13. Доимий равишдаақлий ривожланишида муаммоси бўлган болани назорат остига олиш.

### **Синф ва гурухларда инклузив таълим тушунчасини ривожлантириш.**

Болалар онгида иркчилик, ноғиронлик ҳамда имкониятлар кенглиги хусусида тўғри тушунчаларни шакллантириш инклузив таълимнинг самарадорлигини оширишда жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Нотўғри тушунчаларнинг мавжудлиги сабабли имконияти чекланган болалар хакорати ва масхараланишига дучор бўлмоқдалар. Бундан ҳам аянчлиси шу каби салбий муносабатдаги хулк-атворни айрим ўқитувчиларнинг эътиборсиз колдираётганлигидир. Таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун ҳам барча мактабларда ҳамма болалар учун тенг ҳуқуқли, севимли, дўстона илиқ муносабатдаги муҳитни яратиш лозим. Педагоглар барча синфларда болалар ўз ҳаётлари ва ҳис туйғуларини муҳокама қила оладиган ўзоро қўллаб – кувватловчи ва ҳам жихатлиқдаги ижобий муҳитни яратишга ёрдам беришлари лозим; ўқувчилар онгига ногиронлик – алоҳидалик эмас, балки камчиликни мажудлиги натижасида имкониятлар чегаралангандигини тушунтира билиш лозим. Ногирон болалардан куркиш, жирканиш ҳисларини йукотишга эришиш талаб этилади.

Педагоглар айрим ҳолатларда стереотипларни қўллашдан кочишлири ва ташабуслари қўллашдан кейин ҳам болалар олдида шархламасликлари лозим. Улар болаларга нима учун лакаб куйиш, масхара қилиш, салбий муносабатларни юзага келтиришини тушунтириб беришлари ва бунга йул куймасликлари талаб этилади.

Зарур бўлган ҳолатларда имконияти чекланган болаларда айрим ўқувчилар тамонидан билиралаётган салбий муносабатларни бутун синф билан муҳокама қилиш уринли ҳисобланади. Ижобий натижага эришиш учун охиргача курашиш лозим.

Ҳар бир муҳокама болаларнинг ютукларининг унинг аввалги ютукларига салиштириб, кайд этиб, такидлаб бориш муҳимдир. ўқувчилар билан турли хилдаги ва психологик тестлар ўтказишида боланинг иркига, ижтимоий келиб чиқишига, жинси ва ногиронликка оид саволларни бермаслик айни муддао.

Уқитувчилар ишларини ва уларнинг ютукларини барча соҳаларида мактаб ва мактабдан ташқари ишларда намойиш қилиб бориш керак. Дарсларга материаллар тайёрлашда имконияти чекланган боланинг ижод намуналарини ҳам қўллаш жуда самара беради.

Китоб, плакатлар ва дастурларни қўллаётиб, шунга ишонч ҳосил қилиш керакки, улар инклузив таълимга мос келиши керак. Мактаблар очик бўлиши, ўқувчилар, ота-оналар ва педагоглар мулокат қила билиши керак.

## **Инклузив таълим самарадорлигини оширишнинг баъзи бир хусусиятлари**

Аравача юрадиган ёки хасса ва бошка мосламалар орқали харакатланувчи болалар учун синфдаги харакатланиш жойларини етарли эканлигига ишонч қилиш учун қуидагиларга эътибор беринг:

- Кўриш ва эшитиш қийинчиликларига эга болалар гилам ва парталар орасида бутун синф фаолиятида иштирок эта оладиган тарзда ўтирганларига ишонч ҳосил қилинг.
- Таълим олишда кийинчиликка учрайдиган ва бунда таълим олиш имкониятларини қўллай олишларига ишонч ҳосил қилинг.
- Турли хил тиббий муаммоларга эга болаларнинг айримлари тез-тез овқатланиш, суюқлик имконияти чекланганиш ёки бошкаларга қараганда кўпроқ бориш эҳтиёжига эга бўладилар. Бундай болалар ўзларини ноқулай ҳис этмасликлари учун зарур шарт-шароитларини яратишга эътибор қаратинг.
- Узоқ муддат тик тура олмайдиган болалар ҳам эътибордан четда колдирманг.
- Агар болага диққатни жамлаш ёки кўринмас яшириш (аутизим ёки гиперфаоллик натижасида диккатнинг этишмаслиги) натижасида тинч утиришга кийналса, бошка ўқувчилар айтилган вазифалар билан машғулот бўлсалар ҳам диккати таркок ўқувчиларнинг бир нафас дам олишларига имкон беринг.

**2005 йилнинг 19 сентябрь куни ХТВнинг 234-сонли буйруғи билан «Имконияти чекланган болалалар ва ўсмирлар учун инклузив таълим тўғрисида муваққат Низом»и тасдиқланди. Ушбу Низомда инклузив таълим тизимининг мақсад, вазифалари белгилаб берилган.**

«Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклузив таълим муваққат Низом» асосида Республикаизда инклузив таълим тизимининг хукуқий-ижтимоий асослари яратилди, низомнинг 4-бандида инклузив таълим тизимида ўкув тарбия жараёнини ташкил этишининг қуидаги масалалари қайд этилган:

Инклузив таълимни ташкил этилган барча умумтаълим мактабларида имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатан дўстона муносабат руҳи шаклланади.

Инклузив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабларида Давлат Таълим стандартларига илова сифатида имконияти чекланганболалар ва ўсмирлар учун коррекцион дастурлар ҳам инобатга олинади, маҳсус коррекцион ишларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади (маҳсус жиҳозланган коррекция хонаси, маҳсус инфраструктура).

Инклузив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабларида тайёрлов гурух ва биринчи синфларида 35 дақиқа ва бошқа синфларда 45 дақиқадан дарслар олиб борилади.

Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар билимлари уларнинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларига асосланган ҳолда белгиланган тартибда баҳоланади.

Таълим жараёнида замонавий умумдидактик тамойиллар билан бир қаторда маҳсус тамойиллар ҳам эътиборга олинади.

Коррекцион таълим ўқувчиларнинг эҳтиёжларига кўра табақалаштирилган ҳолда ташкил этилади.

Инклузив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабига ўқувчилар ота-оналарнинг аризаси ҳамда «Тиббий-психолого-педагогик комиссия»лари хулосалари асосида қабул қилинади ва таълим муассасалари раҳбарлари бўйруғи билан тасдиқланади.

Инклузив таълим амалга оширилаётган умумтаълим мактабидаги синфларида интеграция қилинган ўқувчилар сони 4 нафардан оширилмайди ҳамда ўқувчилар умумий сони 25 нафаргача деб белгиланади.

Шунингдек, мазкур Низомда инклузив таълим иштирокчилари, инклузив таълим мутахассисларининг ота-оналар ёки бошқақонуний вакиллар билан ҳамкорлиги, халқаро ҳамкорликда қатнашиш хусусиятлари батафсил баён этилган.

Имконияти чекланган болаларни инклузив таълим тизимида таълим олишини янада такомиллаштириш, амалиётда учрайдиган муаммоларнинг ечимларини давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигига ҳал қилиш масалалари юзасидан қўйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- коррекцион таълим структурасини сифат жиҳатдан янгилаш;
- республиканинг ижтимоий иқтисодий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич тўлиқ интеграциясига амал қилиш;
- давлат норматив ҳужжатларига инклузив таълимни жорий этиш бўйича қўшимчалар киритиш ёки тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни давлат даражасига олиб чиқиш;
- бинони уларга мос равища реконструкция қилиш;
- умумтаълим тизимида таълим олаётган маҳсус эҳтиёжли болалар учун зарурый моддий техник баъзани яратиш;
- инклузив таълимни ташаббускорлик, меҳр-мурувват тарзида ташкил этиш;
- мактабнинг иш фаолиятига инклузив таълимни амалга ошириш борасида ўзгаришлар киритиш;
- умумтаълим муассаса педагогларини инклузив таълим бўйича қайта тайёрлаш;
- барча педагогика олийгоҳларида ва ўрта маҳсус ўкув юртларида коррекцион педагогик курсларни киритилиши;

– коррекцион Давлат таълим талаблари ва дастурларни имконияти чекланган боланинг имкониятларидан келиб чиқсан холда мослаштириширилган, ишлаб чиқиш;

– умумтаълим, маҳсус мактаб педагоглари, ота-оналар учун ўқув-методик ва илмий оммабоп, ихчам турдаги ўқув адабиётлар ва индивидуал дастурлар яратиш;

– ногирон болани илк ёшидан ташхис қилиш ва қррекцион педагогик ёрдам бериш;

– имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимида умумий ва қррекцион таълим олишини илмий асослари, стандарт талаблар, ўқув-методик мажмуаларни яратиш ва таъминлаш;

– қасб-хунарга ўргатиш, реабилитация қилиш ва бу ишда оилани бевосита иштирокини таъминлаш каби бир қатор долзарб масалаларни келажакда кенг қамровли бажариш учун давлат тасарруфида мувофиқлаштирувчи илмий-педагогик ресурс маркази, бошқарма, илмий лабораториялар ташкил қилиш каби ташкилий, илмий-услубий, амалий ишларни бажариш инклузив таълимни жорий қилиш муваффақиятини таъминлайди.

Имкониятлари чекланган болаларнинг, ҳоҳ у маҳсус мактаб, мактабгача муассасалар бўлсин, ҳоҳ умумтаълим муассасалари қошидаги синф ёки гуруҳлар бўлсин, ҳоҳ уйда таълим олиш бўлсин, ўқитишининг барча шакллари, таълим соҳасига жалб қилиниши маълум жиҳатдан интеграция жараёни ҳисобланади, чунки ўқиши даврида ва ундан кейин ҳам бу болалар бошқа болалар, шу жумладан умумтаълим муассасаларда таълим олаётган болалар билан ўзаро мулоқотда бўладилар, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга уйғунлашуви таъминланади. Бироқ, таълим олиш учун мос шарт-шароитларни танлаш ҳар бир боланинг ва ота-онасиниг хуқуқи ҳисобланади. Психологик-тиббий-педагогик комиссия мутахассислари зиммасига боланинг руҳий-жисмоний ҳолатини ўрганиш ва ташхис қилиш вазифаси юкланган бўлиб, болани ҳар томонлама текшириш натижасида болаларни ўқитишиш ва уларга мос келадиган таълим шароитини аниқлашга доир тавсиялар берилади. Шундай қилиб, ўзига хос эҳтиёjlари бўлган боланинг умумтаълим соҳасига самарали жалб қилиниши учун қуидагилар зарур:

– боланинг ривожланишида ижобий натижаларга эришишга имкон берадиган коррекцион тадбирларни эрта ёшдан бошлаш

– умумий таълимга жалб қилинган ҳар бир боланинг тиббий-психологик-педагогик кузатувни, яъни мутахассисларнинг доимий ёрдамини ташкил этиш;

– руҳий-жисмоний ривожланиши ва таълим эҳтиёjlаридан келиб чиқиб, имкониятлари чекланган ҳар бир боланинг соғлом болалар билан биргаликда тарбия ва таълим олишининг зарур шаклларини танлашни таъминлаш;

**Умумий қоидалар.**

Инклузив таълимга ўтиш масаласи Ўзбекистонда ратификация қилинган болалар хукуқлари ва ногиронлар хукуқлари тўғрисидаги конвенцияга асосланади. Аммо инклузив таълимга ўтишга, бундай ёндашув учун нафақат мос келадиган хукуқий базани яратиш ва шунингдек зарур бўлган шароитларни яратишга;

- -кадрларни тайёрлаш;
- -ногиронларни касбий реабилитациясини таъминлаш;
- -жамиятни тўғри ва ижобий фикрлашига;
- давлат таълим стандартларини мослаштириш ва тасдиқлаш каби
- Чунончи умумтаълим муассасалари шароитини имконияти чекланган болаларга мослаштириб таълим ва тарбия бериш натижасида болалар ўртасида дўстона муносабатлар шаклланиб боради. Бундай болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий жамиятга эрта ва тўлақонли мослашувлари таъминланади.

Инклузив таълимни Ўзбекистон Республикасида жорий қилишнинг яна бир афзаллик томони шундаки, маҳсус таълим муассасалари мавжуд бўлмаган жойларда ҳам имконияти чекланган болаларни умумтаълим тизимига тўлиқ жалб қилинишига имконият яратилади.

## **Назорат саволлари**

1. Инклузив таълим тушунчаси. Инклузив таълимнинг хукуқий-меъёрий асосларини айтиб беринг.
2. Ўзбекистонга инклузив таълимнинг кириб келиши. Инклузив таълимнинг тадбиқ этишдаги тўсиқлар ва муаммони санаб беринг.
3. Инклузив таълимнинг компонентлари. Кадрларнинг аҳамияти Инклузив таълимнинг жорийланишида таълим иштирокчиларининг ўрни ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларини айтиб беринг.

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Маҳсус психология. Т.: “Ношир”, 2013 й.
2. Пўлатова П. ва бошқалар. Маҳсус педагогика. Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2014 й.
3. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.
4. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
5. Аксенова Л.А. Социальная педагогика в специальном образовании. – М.:Академия, 2001.
6. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиши методикаси. Т.: “Fanvatexnologiyalar, 2013й.
7. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.

## **Ўзбекистонда бакалавр-дефектологларни тайёрлашнинг инновацион моделлари.**

### **Режа:**

1. Олий таълим муассасаларида услубий фаолият мазмуни ва турлари.
2. Ўқитувчи-дефектологнинг касбий тайёргарлиги, ижодий сифатлари ва шахсига қўйиладиган асосий талаблар

**Таянч тушунчалар:** Бакалавр, дефектология, инновация, моделлар, маҳсус психология, педагогик маҳорат, мослашувчанлик, коммуникативлик, билимдонлик, касбий маҳорат .

Республикамизнинг истиқолга эришуви жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан таълим-тарбия соҳасида ҳам уз аксини топди. Ўзбек педагогикаси тарихида бурилиш даври, янгиланиш даври бошланди. Ўзбекистон Республикасидаги мустақил ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, уни интелектуал-амалий ривожланиши учун янги шартшароитлар яратиб берди. Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий-илмий бойликларга, инсоннинг ўзига янгича муносабат, ёндашувни юзага келтирди.

Мактабгача таълим Ўзбекистон халк таълими тизимидағи биринчи босқич бўлганлиги боис ҳам ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол вояга этиши учун ўз олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мағкурунинг кенг камровли сифатларини шакллантириш вазифаларини қўйди.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: "Фуқаролар энди ижтимоий-иктисодий жараёнларни иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкор ва ташкилотчисидир".

Бугунги замон тенденциялари миллий маҳсус педагогика олдига ҳам кўпгина вазифаларни қўймоқда. Ривожланишида камчиликларини ўз вақтида бартараф этиш боланинг кейинчалик мактаб программасини муваффақиятли ўзлаштиришига, шахс сифатида жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам беради.

Охирги йиллар мобайнода бир томондан оғир камчилигига эга болалар сонининг кўпайиши, иккинчи томондан эса ҳар бир соҳада илғор технологияларнинг қўлланилиши нутқ камчиликларини бартараф этиш жараёнинг қарашнинг шаклланишини талаб қилмоқда. Ҳозирги кунда маҳсус педагогиканинг долзарб муаммоларидан бири бўлган коррекцион жараённинг самарадорлигини оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиши замоннинг ўзи тақозо этмоқда, яъни ривожланишида нуқсонларини коррекция қилиш анъанавий усулларига қўшимча янгича ёндашувларни киритилиши мақсадга мувофиқдир. Шундай инновацион технологиялардан - қум терапияси ва мнемотехникадир. Мактаб ёшигача бўлган болаларнинг асосий фаолияти-ўйин бўлганлиги ва предмет-образли тафаккур ва хотиранинг устун туришини инобатга олган ҳолда, қум терапияси ёки мнемотехника орқали болага эркин тарзда ахборотларни

етказиш, майда кўл моторикасини, нутқий нафасини, фонематик идрокини ва нутқини ривожлантириш мумкин. Мактаб ёшигача болаларга хос бўлган хусусиятлар: қизиқишининг тез йўқолиши ва тез чарчаб қолишликнинг олдини олишда ушбу технологиялардан фойдаланиш мумкин. Аммо қум терапияси, мнемотехника ёки бошқа инновацион технологиялар асосида болаларнинг нутқини ривожлантириш учун бирон бир дастур, қўлланмалар яратилмаган, илмий-методик асослари яратилмаган. Республикада ушбу масалага бағишлиланган илмий-тадқиқот олиб борилмагани бу муамма долзарб деб белгиладик ва “Оғир нутқ камчиликларига эга болаларнинг нутқини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш” мавзуси долзарб ва инновацион мазмунга эгадир. Инновацион технологиялар (қум терапияси ва мнемотехника) асосида оғир нутқ камчилигига эга бўлган болаларнинг нутқини ривожлантириш кейс технологиясини ишлаб чиқиш. Инновацион технологиялар (қум терапияси ва мнемотехника) асосида оғир нутқ камчилигига эга бўлган болаларнинг нутқини ривожлантириш мақсадга йўналтирилган.

Махсус таълим тизими учун бакалавр-дефектологларни тайёрлаш жараёни учун электрон ўқув модулларининг яратилиши ва сифатини таъминлаш. “Махсус психология” фанининг электрон ўқув-методик таъминоти компьютер дастури. Дастур PHP V 5.0 дастурлаш тилида тайёрланган, Apache Web-сервери ёрдамида ишлайди. Дастурнинг асосий афзал томонлари: тегишли маълумотни (таълимий ресурслар, мавзуга оид материаллар, расмлар, анимация ёки бошқа бўлакни) топиш осонлиги; дастур интерфейсининг қулайлиги, осонлиги ва тушунарлилиги; WEB сайтлар рўйхати қўшимча адабиётлар ва материалларга бўлган эҳтиёжни қондириши. Ушбу дастурнинг асосий вазифаси “Махсус психология” фани бўйича педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари талабалари ва профессор-ўқитувчилари учун зарур бўлган ўқув методик таъминотни яратиш, сақлаш ва тизим фойдаланувчилари учун етказиб беришдан иборат. Ягона аутентификация ва рўйхатдан ўтиш тизими мавжудлиги сабабли, яратилган методик таъминот материалларининг тўрт йўналишда (олигофренопсихология, сурдопсихология, логопсихология, тифлопсихология) ягона тизими яратилди ва фойдаланиш учун қулайлиги ва самарадорлилиги таъминланди.

Шунингдек, тизимнинг веб-технологиялар асосида яратилганлиги хам унга мурожаат қилишни осонлаштиради, тизимда сақланаётган методик таъминот материалларининг хамма учун очик бўлишини таъминлади. Дастур компакт дискка ўзбек тилида ёзилган.

2. Ўқитувчи-дефектологнинг қасбий тайёргарлиги, ижодий сифатлари ва шахсига қўйиладиган асосий талаблар

Ҳозирги замон махсус педагогик таълим ўз йўналишлари ва талабларига мос қуидаги педагогик мутахассисликларни эгаллаш имконини беради: *тифлопедагогика* — кўр ва заиф кўрадиганлар учун педагог ихтисоси (тифлопедагог); *сурдопедагогика* — кар ва заиф

эшитувчилар учун педагог ихтисоси (сурдопедагог); *олигофренопедагогика* — ақлий ривожланишида ҳар хил турдаги ва шаклдаги енгил ва оғир камчиликлар кузатилған болалар ва ўсмирлар билан ишлаш учун педагог ихтисоси (олигофренопедагог); *логопедия* — ҳар хил генездаги нұтқ бузилишларига эга бўлганлар билан ишлаш учун педагог ихтисоси (логопед, фониатр); *мактабгача маҳсус педагогика* — ривожланиши орқада қолган мактабгача ёшдаги болалар билан ишлаш учун педагог ихтисоси; *маҳсус психология* — жисмоний ва интеллектуал имкониятлари чекланган кишилар учун психологик ёрдам кўрсатиш ва уларга ҳамроҳлик қилиш учун психолог ихтисоси.

Педагог-дефектолог чуқур ва ҳар томонлама таълим олади. Бунда *антропологик тамойил* зарурий илмий ва амалий билимлар мажмуини ташкил қилувчи мезон бўлиб хизмат қиласи. Бу тамойил ривожланиши меъёрда кечайтган ва ривожланишида у ёки бу бузилиш кузатилған шахс ва унинг ижтимоийлашуви ҳақидаги билимларнинг танлаб олиниши ва инеграциясини белгилайди. Ривожланишида камчилиги бўлган шахслар ҳақидаги билимлар камчилик хусусиятига қараб маҳсус педагогика нуқтаи назаридан у ёки бу маҳсус соҳа бўйича ҳам дифференциаллашади.

Педагог-дефектологнинг таълим мазмунини ҳозирги замонда қуйидаги муҳим жиҳатлар белгилайди: фундаменталлаштириш, инсонпарварлаштириш ва стандартлаштириш, шунингдек касб эгаллашнинг дедуктив йўли.

*Фундаменталлаштириш*деганда касбий таълимнинг шундай курилганлиги кўзда тутиладики, бунда талабалар касбий тайёргарликни кенг умумий илмий билимларни эгаллашдан бошлаб, аста-секин муайян билим соҳасига ўтадилар, кейин эса шу соҳага оид илмий тадқиқотлар методологияси ав методларини ўзлаштирадилар.

*Инсонпарварлаштириш* ҳозирги замон таълим тизимининг педагог олдида турган вазифаларни ўзига хос тарзда йўналтирадиган ижтимоий-педагогик тамойили сифатида олиб қаралади. Агар аввал таълимда ўқувчининг зарур билимларни ўзлаштиришига эришиш муҳим бўлган бўлса, инсонпарварлаштириш ўқитувчидан боланинг ҳар томонлама ривожланиши ва ўзини-ўзи ривожлантириши, унинг ижтимоийлашуви ва ижтимоий мослашувига ҳар жиҳатдан ёрдам беришни талаб қиласи. Педагог-дефектологнинг касбий таълими бўлажак мутахассисни танланган йўналишдаги касбий фаолиятининг ўзига хос жиҳатларига тайёрлашга кратилади.

XX асрнинг 90-йилларига келиб, олий касбий таълимда юз берган ислоҳотлар миллий олий педагогик таълимнинг, шу жумладан дефектологик таълимнинг *стандартлашувига* ҳамда унинг жаҳон таълим стандартларига яқинлашувига асос солди.

Таълим стандартларининг вазифаси миллий таълимда маҳсус таълим чегараларини аниқ белгилаб олишдан, республиканизнинг олий таълими жаҳон маданий-таълимий маконга уйғун қўшила олишига, таълим тўғрисидаги ўз хужжатларининг халқаро тан олиниши механизмларига

кириш учун зарур хуқуқий воситаларга эги бўлишига ва шу йўл билан олий таълим ҳақидаги дипломлар конвертацияси масаласининг ҳал қилинишига эришишдан иборат.

Олий касбий таълимнинг Давлат таълим стандарти қуидагиларни белгилаб беради:

- олий касбий таълим структураси (даражалари)ни, олий таълим ҳақидаги хужжатларни;
- асосий касбий таълим дастурларига қўйиладиган умумий талабларни ва уларни амалга ошириш шартларини;
- олий таълим муассасаси талабасининг ўқув юкламаси нормативларини ва ҳажмини;
- касбий таълим мазмунини белгилашда олий таълим муассасасининг академик эркинликларини;
- олий касбий таълим йўналишлари (мутахассисликлари) рўйхатига қўйиладиган асосий талабларни;
- олий касбий таълим бўйича Давлат таълим стандартининг талабларига риоя қилиниши устидан давлат назорати қоидаларини.

Педагог-дефектологнинг таълим стандарти мазмунининг мағзини асосий таълим дастури ташкил қиласди. Дастурга кўра талабаларнинг қуидаги фанлар циклини ўзлаштириши ва якуний давлат аттестациясидан ўтиши кўзда тутилади.

7. Умумий гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар.
8. Умумий математик ва табиий-илмий фанлар.
9. Умумий касбий фанлар.
10. Касбий тайёргарликка оид фанлар (махсус педагогиканинг у ёки бу йўналиши бўйича).
11. Қўшимча мутахассислик (ёки ихтисослик) фанлари.
12. Факультативлар.

Таълим мазмуни ва уни ўзлаштириш кетма-кетлиги шундай курилганки, аввал ривожланиши меъёрда кечаётган шахснинг ижтимоийлашув жараёни ва механизмини тушуниш учун зарур бўлган фундаментал илмий билимларга оид фанлар ўтилади. Улар кейинги таълим босқичларида имконияти чекланган шахснинг тарбияси, таълими, ижтимоийлашуви муаммолари билан боғлиқ бўлган амалий жиҳатлар касб этиб боради. Буларга, масалан, махсус психология, ижтимоий педагогик ва ҳ.к каби фанлар киради. Нихоят, бевосита махсус педагогиканинг у ёки бўлимларига тегишли (логопедия, тифлопедагогика ва мутахассислик бўйича бошқа соҳалар) илмий билимлар соҳаларига ўтилади.

Бошқа педагогик ихтисослардан фарқли ўлароқ дефектолог бир қатор махсус ва ўзига хос малакаларни эгаллаган бўлиши лозим. Махсус малакалар умуман имконияти чекланган болаларга тегишли бўлса, ўзига хос малакалар бундай болаларнинг муайян тоифасига тегишлидир. Бу малакаларнинг айримлари (масалан, кичик ёшдаги кар болаларнинг оғзаки нутқини тушуниш, нутқ камчиликларини эшитиб фарқлаш кўникмаси ва ҳ.к.) узок

вақт давомида шаклланади ва натижада имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг уёки бу тоифаси билан бевосита ва муттасил амалий фаолият давомида талабдаги касбий маҳорат даражаси таъминланиб боради. Буларнинг ҳаммаси тарбияланувчилар билан узоқ ва муттасил давом этадиган педагогик таъсирни талаб қиласди. Ўзига хос таълимий эҳтиёжларга эга бўлган болалар ва ўсмирлар билан олиб бориладиган тарбиявий иш кўникмаларининг шаклланиш жараёни ҳам худди шундай узоқ муддат ва меҳнатни талаб қиласди.

Педагог-дефектологларнинг касбий тайёргарлиги тизимида амалий компетентликка (чуқур ва асосли билимларга эга бўлишлик) таълимнинг турли босқичларида ҳар хил мақсад ва вазифаларни кўзлаган ва маҳсус ташкил этилган педагогик амалиёт шароитида ҳам, шунингдек замонавий техник воситалар – тегишли компьютер дастурлари, аудио- ва видеотехника, тренажерлар ёрдамида ҳам эришилади. Бунда замонавий техник воситалар у ёки бу маҳсус малакаларни моделлаштирилган шароитда мустаҳкамлаш имконини беради.

Назарий ва амалий характер касб этган зарур касбий компетенцияга эга бўлишликнинг ўзи дефектолог касбий фаолиятининг муваффақиятини тўла белгилаб бермайди. Бунинг учун шахсга ва мутахассисга хос аҳлоқий тарбиялийк, таълимлийк, маданият талаб қилинади.

Дефектологнинг касбий билимлари қаторига ривожланишида камчилиги бўлган болаларнинг ота-оналари ва яқинлари билан жиддий муносабат ўрнатиш кўникмалари ҳам киради. Ижтимоий-педагогик тайёргарлик ҳам дефектологнинг касбий тайёргарлигига муҳим ўрин эгаллайди, чунки боланинг ўзи ва унинг оила аъзолари яшаб турган экологик мақбул ижтимоий микро- ва макромуҳит яратишда биринчи навбатда дефектолог масъулдир.

Дефектологнинг касбий фаолияти, унинг шахсига қўйиладиган талаблар маҳсус таълимнинг юқорида келтирилган ўзига хос хусусиятлари ва унга давлат стандарти томонидан қўйиладиган талаблардан келиб чиқади.

Педагог-дефектологнинг касбий фаолияти ўқитувчи ишининг анъанавий доирасидан четга чиқади. У ҳар хил турдаги ижтимоий-педагогик, реабилитацион, консультатив-ташхисий, психотерапевтик, бевосита коррекцион ва бошқа турдаги “ўқитувчиники бўлмаган” фаолиятлар билан ўзаро яқин алоқага киришиб, боғланиб кетади. Бу фаолият турларининг ҳаммаси битта муҳим мақсадга – жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган инсонга унинг ижтимоий мослашиши ва интеграциясига маҳсус таълим воситалари билан ёрдам беришга қаратилган.

Дефектологнинг касбий тажрибаси унинг касбий тайёргарлигининг мазмунига тенг эмас, балки анча кенг ва чуқур. Дефектолог маҳсус таълим соҳасида педагогик маданиятнинг ҳамма томонлари ва туб маъносини ўзининг бутун хаёти мобайнида ўзлаштириб боради. У тинимсиз интиладиган мақсад – *педагогик маҳорат*. Педагогик маҳоратнинг асосини эса ижодкорлик ташкил қиласди.

У ёки бу дефектологик мутахассислик бўйича тайёргарлик ўтаган педагогик олий таълим муассасасининг битиравчиси қуйидаги касбий фаолият турларини бажаришда етарли билимга эга бўлиши лозим: ўқитувчилик; конструктив-ташқилий; ташхисий-таҳдилий; консультатив; лойиҳалаш; гностик; психопрофилактика; коррекцион-ривожлантирувчи; маърифий; илмий-тадқиқот; тарбиявий; мувофиқлаштириш.

Бу дегани, шаклланган дефектолог-мутахассис қуйидаги билим ва малакалар эгаси бўлиши лозим:

- бола ва ўсмирнинг ривожланишида ўзига хос жиҳатларни англаб этиш, уларнинг билим олишдаги мавжуд имкониятларини аниқлаш мақсадида педагогик тадқиқот ўтказиш малакасига эга бўлиши;
- бузилиш турини аниқлаш учун (педагогик ва психологик ташхис қўйиш) дифференциал ташхислаш методларини эгаллаган бўлиши;
- трабияланувчиларнинг таълими, тарбияси, ҳаётда ўз жойини топиши, касб танлаши билан боғлиқ муаммолар бўйича болаларга, уларнинг ота-оналарига, шунингдек умумий таълим муассасалари педагогларига консультатив-педагогик ёрдам кўрсатиш малакасини эгаллаган бўлиши;
- ўқув ва дидактик материал ҳамда таълим шароитларини ривожланишида бузилишлар ва чекинишлар бўлган болалар ва ўсмирларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мослаштириш йўллари ва усусларини эгаллаган бўлиши;
- маҳсус таълим мухитини яратиш, ушлаб туриш ва ундан самарали фойдаланиш малакасини эгаллаган бўлиши;
- маҳсус таълим жараёнининг ҳар хил ташқилий шаклларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг таълим ва тарбия технологиялари ва методарини эгаллаган бўлиши;
- маҳсус ва инклузив таълим тизимининг ҳамма тузилмаларида, тарбияланувчиларнинг таълим олиш, яшаш тарзида экологик жиҳатдан мақбул ва психологик ва эмоционал жиҳатдан қулай мухитни таъминлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- болалар соғлигига зарар етказадиган одатларнинг олдини олиш ва коррекциялаш, шунингдек ижтимоий мухитнинг номақбул таҳсиридан ҳимоя қилиш усусларига оид билимларни эгаллаган бўлиши;
- табиий, техноген ва ижтимоий келиб чиқишига эга фавқулотда ва хавфли вазиятларда психологик ёрдам кўрсатиш усусларини эгаллаган бўлиши;
- ота-оналарнинг психологик маданиятини ошириш мақсадида улар билан муносабатларни ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш борасида ташкилотчилик малакаларига эга бўлиши;
- илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш кўникмаларига эга бўлиши.

Ҳар битта дефектологик мутахассисликка нисбатан қўлланадиган бўлса, ушбу умумий компетенциялар у ёки бу ногиронлик категориясидаги болалар билан олиб бориладиган касбий фаолиятнинг ўзига хос

жихатларидан келиб чиқиб янада аниқроқ ўзига хос компетенциялар билан тўлиб боради. Бунинг ёнига яна педагогнинг бутун касбий фаолияти давомида эгаллаб бориладиган бетакрор ва ўзига хос индивидуал касбий тажрибаси қўшилиб бораверади.

Педагог-дефектологлар меҳнат фаолиятини маҳсус таълим муассасаларида (мактабгача, мактаб, маҳсустаълим муассасаларида), психолого-тиббий-ижтимоий, реабилитацион, консультатив-ташхисий марказларда, психологик-тиббий-педагогик консультацияларда, логопедик пунктларида, шунингдек умумий таълим муассасаларида, меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда олиб борадилар ҳамда ҳар хил тоифадаги таълим олувчилар ва тарбияланувчилар билан коррекцион-педагогик ишни амалга оширадилар. Улар ривожланишида камчилиги бўлган болаларнинг индивидуал таълими ва тарбиясини уй шароитида ҳам олиб боришлари.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги давр ривожланиш имкониятлари чекланган шахсларга нисбатан жамиятнинг сифат жихатдан янгича муносабати билан ажралиб турди. Бугунги кунда ривожланишида у ёки бу камчиликлар бўлган болаларни умумий таълим жараёнига қўшиш ҳамда уларга бунинг учун барча керакли шарт-шароитларни яратиш лозимлиги ҳақидаги масала ҳеч кимни ажаблантирмайди. Бунинг билан боғлиқ ҳолда олий касбий таълим тизими қаршисида таълим жараёнини таъминлаб берадиган шахсларнинг юқори касбий даражага эришиши билан боғлиқ янада мураккаброқ масалалар кўндаланг бўлиб турмоқда. Касбий таълим жамият ижтимоий сиёсатининг энг муҳим соҳасига айланиб бормоқда ва ҳозирги замон таълим майдонининг бош бўғинларидан бирини ташкил қилмоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш масаласи бугунги кунда алоҳида олинган шахснинг ҳам, умуман жамиятнинг ҳам ривожланиш шарти сифатида олиб қаралмоқда. Олий таълим тизимини битирувчи дефектологлар Ўзбекистонда маҳсус ва инклузив таълимнинг ривожланишига асосли ва салмоқли ҳисса қўшадиган потенциал кучни ташкил қилишлари лозим. Бу таълим соҳасидаги Давлат сиёсатининг амалга оширилиш гаровидир.

Таълим деганда, бўлажак мутахассисларни мустакил ҳаётга тайёрлашга ҳамда ўз касбий қўнималарини такомиллаштириш имкониятини таъминлашга ёрдам берадиган маҳсус ташкил этилган фаолият олиб қараладиган бўлса, бунинг учун маҳсус педагогни ўқитиш жараёни ҳар бир талабанинг истиқболли ривожланиш эҳтиёжларини қондириши, унинг шахс сифатида ва касбий шаклланишига ёрдам бериши кераклиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Назария ва амалиётнинг интегратив ўзаро алоқалари касб асосларини яхлит ҳолда эгаллашда ғоят муҳим. Режалаштириш, истиқболлаш, моделлаштириш, тескари алоқа ва бошқа шу каби методлар назарий билимларни амалий ва илмий фаолиятда қўллашга ёрдам беради. Ўқитувчи-дефектологларни тайёрлаш жараёни анъанавий (маҳсус) мактабларга ҳам, таълимга йўналтирилган ташкилотларнинг янги турларига, шу жумладан,

инклузив мактаблар, МТМ, реабилитацион марказлар ва ҳ.к.ларга ҳам қаритилган бўлиши лозим. Бу билан боғлиқ ҳолда дефектолог талабалар касбий педагогик амалиёт ўтайдиган базавий ташкилотлар тармоғини кенгайтириш зарурати туғилади.

Педагогик жараённинг мазмуний томони ҳар хил методлар ва методикалар, педагогик технологиялар, ҳар хил фаолият турлари (маҳсулдор, тадқиқий, ижодий ва ҳ.к.)дан фойдаланиш воситасида амалга оширилади.

Педагогик жараён самарадорлигини оширишда таълим методлари, шубҳасиз, алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳар қандай таълим методикаси, таълим олувчиларнинг фикрлаш, билиш фаолиятини ривожлантирадиган методларга асослансанагина, самара бериши мумкин. Бу борада айнан интерактив таълим методларини маҳсус педагогнинг касбий шаклланишида энг самарали деб қабул қилиш лозимлиги ўз-ўзидан аён.

Талаба ва педагог ўртасида қарор топаётган мулоқот амалиётида демократик мулоқот услуги етакчилик қилиб бормоқда. Бу мулоқот услугидан фойдаланиш натижасида таълим олувчилар фаолиятининг ички мотивацияси ривожланади. Турли туман таълим услублари орасида креатив тафаккурни, билимларни мустақил излашга тайёрлик ва қобилиятни ривожлантиришга, муаммоларни ҳал қилишда янгича ёндошиш тажрибасини эгаллашга қаратилганлари кўпроқ эътиборга лойиқ. Бўлажак мутахассисларга касбий фаолиятни ижодий ташкил қилиш санъатини ўргатиш ҳар бир педагогнинг тутган йўли бўлиб қолиши лозим.

Талабалар томонидан таълим дастурларининг муваффақиятли ўзлаштирилаётгани қуйидаги мезонлар асосида аниқланади: талабалар таълимий, амалий вазифаларни ҳал қилишга ижодий ёндошадилар, таълим воситаларини мақсадга кўра танлай оладилар, қолипга тушиб қолмаган, янгича қарорлар қабул қила оладилар, касбий-педагогик мулоқот маданиятини ўзлаштирган бўладилар, коммуникатив қобилиятлари шаклланган бўлади, ўз нуқтаи назарига эга бўладилар ва уни ҳимоя қила оладилар ва ҳ.к.

Махсус таълим тизими учун кадрлар тайёрлашнинг бутун жараёни бўлажак мутахассислар томонидан билимлилик, ахлоқийлик, тадбиркорлик, қарорлар қабул қилишда мустақиллик, конструктивлик, чаққонлик каби хислатларга эга бўлишга йўналтирилган бўлиши лозим, токи бу уларга келажакда жамиятнинг ижтимоий тузилмасига жадал кириб бориш имконини беради. Олий таълим шароитида касбий ижтимоийлашув жараёнида талабалар кета-кет қуйидаги босқичлардан ўтадилар: олий таълим ҳамжамиятига интеграция, мутахассис сифатида шаклланиш, ҳар хил ижтимоий фаолият турларида мустақил ривожланиш.

Олий ўқув муассасасида ўқув ишларининг самарадорлиги талабаларнинг рухияти, дунёқарashi, ҳис-туйғулари, қизиқишлиари, интилишларидан келиб чиқкан ўз фаолиятларини англаб етишларига боғлиқ. Амалиёт шуни кўрсатадики, бунинг асосида педагогик рағбатлантириш ётиши лозим.

Педагогик рағбатлантириш деганда ишонтиарли ва асосли сұхбатлар, муттасил машқлар, таълим олувчилар ва таълим берувчилар ўртасидаги самимий муносабатлар, маңнавий рағбатлантиришлар воситасида талабаларнинг ижодий потенциалини, индивидуал ишлаш услубини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш билан боғлиқ педагогнинг мақсадли фаолияти кўзда тутилади. Билишга бўлган интилишни фаоллаштириш мақсадга мувофиқлик, ижодийлик, фаоллик, кузатувчанлик, индивидуал қобилиятларни ҳисобга олиш, истиқболлилик тамойилларига асосланади.

Олий ўқув муассасаси битирувчисига қўйиладиган талаблар рўйхатига аввалам бор унинг функционал ва шахсий хислатларини белгилаб берадиган қуйидаги сифатлар киради:

- юқори касбий маҳорат ва билимдонлик;
- фундаментал назарий ва амалий тайёргарлик;
- қайта касбий тайёргарлик ва малака оширишга тайёрлик билан боғлиқ юқори мослашувчанлик;
- мулоқотга киришиш қобилияти, яъни коммуникативлик;
- ижодий фикрлашга тайёрлик, онгли касбий ижодийлик, янгини кўзлаб одат тусига кирган эскидан воз кечиш;
- иқтисодий ва тадбиркорлик онгга эга бўлишлик;
- ўз касбини шахсий ижодиёт воситалари ва маҳсуллари билан бойита олиш;
- аҳлоқий тарбия ва шахсий сифатларни тарбиялашга қодирлик.

Умуман олганда, ҳозирги замон олий ўқув муассасасининг битирувчисига зарур бўлган сифатларни тўртта гурухга бирлаштириш мумкин:

- биринчи гурухга ишга оид (касбий) сифатлар кирадики, булар интизомлилик, меҳнатсеварлик, прагматиклик (амалиётга асосланиш), тадбиркорлик, ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчанлик;
- иккинчи гурухга шахснинг бошқа шахсларга нисбатан муносабатини кўрсатадиган сифатлар (кишилараро алоқалар соҳаси, мулоқот соҳаси) мансуб бўлиб, булар ҳайриҳоҳлик, дилкашлиқ, самимийлик, жамоага киришимлилик;
- учинчи гурухга шахснинг ҳаётга бўлган муносабатини тавсифлайдиган сифатлар (эмоционал соҳа) мансуб бўлиб, булар қувноқлик, ҳаётга ишонч, ҳазилни тўғри тушуниш, берилувчанлик, фаоллик, ҳар томонлама ривожланишга мойиллик;
- тўртинчи гурухни ўз шахсига бўлган баҳони оширадиган интивидуал сифатлар (“мен” соҳаси) ташкил этади, булар сарамжонлик, мустақиллик, қатъийлик, ўзига хослик, таваккалчиликка мойиллик, батартиблиқ ва ҳ.к.

Олий ўқув муассасаси талабаларида бундай сифатларни қуйидаги шарт-шароитлар мавжудлигидагина тарбиялаш имконияти туғилади: а) талабаларнинг аниқланган қизиқишлари, майллари, қобилиятлари асосида уларнинг билим олиш ва амалий фаолиятларини жонлантириш; б) педагогик

рефлексиядан касбий маҳорат ва рақобатбардошликни шакллантириш омили сифатида фойдаланиш; в) ижтимоий шерикчиликни ташкил этиш.

Хуллас, дефектологнинг касбий фаолияти пировард натижада инсоннинг ижтимоий мослашувига ва жамоага интеграциясига, унга камчилик характерини ҳисобга олган ҳолда жамиятда муносаб ва мустақил ҳаёт кечириш имкониятига эришишда ёрдам беришга қаратилади. Дефектолог касбий фаолиятининг юқорида баён этилган характери ривожланиши орқада қолган шахсларнинг маҳсус таълимга бўлган эҳтиёжларининг турли-туманлиги билан ҳамда бу фаолият эҳтиёжларга мос бўлиши ва уларни қониқтириш лозимлиги билан белгиланади.

3. Маҳсус мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда ўз уставига амал қиласиди.

Маҳсус мактабгача муассасаса жисмоний ёки ақлий ривожланишида турли нуқсонлари бўлган болаларнинг мактабгача таълим олишларида уларга ёрдам бериш, уларни англаш имкониятларига мувофиқ тарбиялаш ва соғломлаштириш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилади.

Маҳсус мактабгача муассасаса таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси ҳисобланиб, қуйидагилар унинг асосий вазифаларига киради:

болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш;

боланинг ривожланишидаги нуқсонларни зарур тарзда коррекциялаш;

бона шахси асосларини шакллантириш, унинг билим олишга бўлган қизиқишиларини ривожлантириш;

боланинг интеллектуал, шахс сифатида ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;

болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;

болаларни мактабда ўқишига тайёрлаш.

Маҳсус мактабгача таълим муассасаси юридик шахс ҳисобланади, ўз уставига, банк ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва тўлиқ номи кўрсатилган мухрга, штампларга, ўз номи ёзилган бланкаларга эга бўлади

## **Назорат саволлари**

1. Олий таълим муассасаларида услугбий фаолият мазмуни ва турларини айтиб беринг.
2. Ўқитувчи-дефектологнинг касбий тайёргарлиги, ижодий сифатлари ва шахсига қўйиладиган асосий талабларни изоҳланг.
3. Дефектолог-мутахассис қандай билим, қўникма ва малакалар эга бўлиши лозим:

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Мўминова Л.Р. ва бошқалар. Maxsus психология. Т.: “Ношир”, 2013 й.
2. Пўлатова П. ва бошқалар. Maxsus педагогика. Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2014 й.
3. Назарова Н.М. Сравнительная специальная педагогика. М.: «Академия», 2012г.
4. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
5. Аксенова Л.А. Социальная педагогика в специальном образовании. – М.:Академия, 2001.
6. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Мутахассислик фанларни ўқитиш методикаси. Т.: “Fanvatexnologiyalar, 2013й.
7. Чичерина Я., Нуркельдиева Д., Бондарева Е. Инновационные подходы в подготовке кадров- дефектологов (монография). Т.: “Навруз”, 2014 г.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРГА ТОПШИРИҚЛАР:**

#### **1-машғулот. Дефектология фанининг ғоя, назария, гипотеза, қонуният ва тамойиллари (2 соат).**

1. Махсус педагогиканинг (дефектология) мазмуни, илмий-назарий асосларибўйича жадвал тузинг
2. Махсус педагогиканинг ўналишлари бўйича методологик асослариа тест тузинг, битта йўналиш бўйича дарс ишланмасини тайёрланг.
4. Махсус педагогика йўналишларига инновацияларнинг жорий қилиниши масалалари бўйича амалиётдан мисоллар келтиринг..
6. Марказий нерв системасининг шикастланишидаузага келадиган дизонтогенезлар турлари бўйича слайд тайёрланг.
7. Нуқсонли болалар турларини ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида реферат тайёрланг.
8. “Абилитация” ва “реабилитация” атамаларига изоҳ беринг.

#### **2-машғулот. Дефектологиянинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Етакчи ва замонавий концепциялари. (2 соат амалий)**

- 1.Педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш.
- 2.Касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, қўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилганпедагогик тавсиялар ишлаб чиқинг.
- 3.Дефектология (мутахассисликлар бўйича)” мутахассислиги умумкасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи дефектологлар педагогик технологиялар асосида дарс ишланмасини тайёрласин..
4. Таълим технологияларининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари хақида эссе тайёрлаш.
5. Педагонинг шахсий ва касбий компетентлигини тўғрисида маъруза матнини тайёрлаш.

#### **3-машғулот. Ўзбекистонда махсус педагогиканинг шаклланиши ва тараққиёти, ундаги муаммолар ва амалий ечимлари (2 соат амалий)**

- 1.Ўзбекистонда махсус педагогика соҳаларининг ривожланиш босқичлари хақида жадвал тайёрлаш.
- 2.Ўзбек махсус таълим тизимини хақида конспект тайёрлаш
- 3.Махсус тизими учун ўқув дастурлари ҳамда дарсларнинг муаллифларини келтиринг 1-2 дарсларни,уқув-кўлланмаларини оғзаки тахлил қилинг.
4. Дефектолог мутахассисларинг тайёрланишининг йўлга қўйилиши (1964 йил).ва дефектология факультетининг ташкил этилиши хақида маълумот тўпландиши.

5. Республикаизда маҳсус таълимнинг илмий-назарий асосларини яратиш муаммолари ва амалий ечимлари хақида педагогик тавсиялар ишлаб чиқинг.

6. Дефектология соҳасидаги илк тадқиқотларнинг олиб борилиши. Миллий маҳсус педагогика ривожланишига хисса қўшган олимлар хақида реферат тайёрланг.

7. Мамлакат миқёсидаги илмий-тадқиқотларнинг ташкил этилиши, уларнинг маҳсус таълим тизими амалиётининг ривожланишига таъсири хақида эссе тайёрлансин.

#### **4-машғулот. Дефектология фанлар интеграцияси натижасида шаклланган фан тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари (2 соат амалий)**

1. Замонавий фан ва амалиётдаги янгилик ҳамда ўзгаришлар. Техника ва технологияларнинг жадал ривожланиши мавзусига сухбат саволларини тузинг..

2. Техника ва тиббиёт соҳасининг интеграциялашуви хақида мисоллар келтиринг.

3. Тиббиётдаги ютуқларнинг алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар даволаниши, ривожланиши, таълим-тарбияси жараёнига ижобий таъсири хақида амалиётдан мисолларни топинг ва давра субатининг дастурини тузинг. Ногиронликка янгича муносабатнинг шаклланиши: тиббий ва ижтимоий моделлар тўғрисида салбий ва ижобий мисоллар ишлаб чиқинг.

4. Илк ва эрта ташхис ҳамда коррекцион-ривожлантирувчи муҳитнинг яратилиши нималарга боғликлигини эссе асосида ёритинг.

5. Илмий-тадқиқот методлари хақида жадвал тузинг.

#### **5-машғулот. Инклузив таълимнинг жорий этилиши, муаммолари ва ечимлари (2 соат амалий)**

1. Инклузив таълимнинг жорийланишида юзага келаётган муаммолар ва тўсиқлар хақида маъруза тайёрлаш..

2. Инклузив таълимнинг жорийланишида Евросоюз ташкилотинг лойихасини аҳамияти хақида буклет тайёрлаш..

3. Ҳар бир тингловчи инклузив таълим иштирокчиси сифатида ўз фаолиятини зарурий бўлган вазифаларни аниқлайди ва режалаштириб олади.

#### **6-машғулот. Ўзбекистонда бакалавр-дефектологларни тайёрлашнинг инновацион моделлари (4 соат амалий).**

1. Инновацион таълим технологиялари, уларнинг моҳияти, мазмуни. Бакалавр-дефектологларни тайёрлаш ўқув жараёнидага инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш йўллари тўғрисида реферат тайёрлаш.

2. Талабаларнинг билиш фаоллиги ва креатив кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион таълим технологиялари бўйича 1-2 тест тайёрлаш.

3. Ўқув жараёнлари натижаларини назорат қилиш ва баҳолашга йўналтирилган таълим технологиялари. Кейс-стади. Портфолио. Модулли таълим хақида саволлар таёrlаш, давра сухбати ўтқазиши..

### **Тингловчиларнинг билимларини мустахкамлаш учун тест саволлари**

1. Ақли заифликни келтириб чиқарувчи сабаб ва оқибатлари қайсилар?
  - a) Хомила даврида турли салбий таъсир этувчи инфекция, жарохатлар ва туғилиш вақтидаги жарохатлар, асфикция (туғилиш жараёнида қисилиб қолиш).
  - b) Чақалоқнинг ilk ёшида салбий таъсир этувчи юқумли касалликка чалиниши, овқатланишинг бузилиши, ташқи таъсир, экология.
  - c) Турли ирсий йўл билан авлоддан авлодга ўтадиган ген, хромосома касаллиги.
  - d) Барча жавоблар тўғри
2. Ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болалар қайси фаннинг обьекти?
  - a) Олигфренопедагогика фанининг.
  - b) Сурдопедагогика фанининг.
  - c) Тифлопедагогика фанининг.
  - d) Логопедия фанининг.
3. Эшишида муаммолари бўлган болалар қайси фаннинг обьекти?
  - a) Сурдопедагогика фанининг.
  - b) Олигфренопедагогика фанининг.
  - c) Тифлопедагогика фанининг.
  - d) Логопедия фанининг.
4. Кўришида муаммолари бўлган болалар қайси фаннинг обьекти?
  - a) Тифлопедагогика фанининг.
  - b) Олигфренопедагогика фанининг.
  - c) Сурдопедагогика фанининг.
  - d) Логопедия фанининг.
5. Нутқида оғир нуқсонлари бўлган болалар қайси фаннинг обьекти?
  - a) Логопедия фанининг.
  - b) Олигфренопедагогика фанининг.
  - c) Сурдопедагогика фанининг.
  - d) Тифлопедагогика фанининг.
6. Мужассам нуқсонли маҳсус ёрдамга мухтоҷ болалар тоифасига қандай болалар тегишли?
  - a) кар – кўр - соқов болалар.
  - b) кар ва ақли заиф, кўр ва олигофрен болалар.

- c) харакат – таянч аъзолари жарохатланган ва кўр ёки ақли заиф болалар.
- d) Барча жавоблар тўғри

7. Нутқ бузилишлари қандай хусусиятлари билан ажралиб туради:

- a) Нутқнинг психофизиологик механизмларидаги четлашиш билан боғлиқ бўлган хусусиятлари билан
- b) Нутқ бузилишининг ҳарактерига боғлиқ холда аниқ логопедик таъсир этишни талаб қилувчи хусусиятлари билан
- c) Сўзловчининг ёшига номувофикалик хусусияти билан
- d) Барча жавоблар тўғри

8. Болалардаги нутқий нуқсонларнинг келиб чиқиш сабаблари қайсилар?

- a) Хомиладорлик вақтидаги токсикозлар, вирусли, эндокрин касалликлар, жарохатлар, қоннинг резус факторга мос келмаслиги.
- b) Наслий факторлар.
- c) Бола ривожланишининг биринчи йилидаги бош мия касалликлари.
- d) Барча жавоблар тўғри

9. Туғруққа қадар ҳомиланинг ривожланишини текшириш бу ....

- a) пренатал текшириш
- b) комплекс текшириш
- c) диагностик текшириш
- d) логопедик текшириш

10. Туғма нуқсонларга олиб келувчи сабаблар қайсилар?

- a) носоғлом турмуш тарзи (спиртли ичимликлар ичиш, наркотиклар, айрим дори моддаларини қабул қилиш ҳамда чекиш);
- b) турмушда ишлатиладиган кимёвий моддалардан фойдаланиш (захарли кимёвий брикмалар, бўёқ ва уни суюлтирувчи воситалар, бензин ва нефть маҳсулотлари);
- c) радиоактив, электромагнит нурланишлар, аёллардаги эндокрин касалликлари;
- d) Барча жавоблар тўғри

11. Қандай касалликлар бевосита наслга таъсир қиласи?

- a) ОРЗ, грипп
- b) сил, тери-таносил, гиёхвандлик, ОИВ касаллиги (ОИТС), руҳий касалликлар
- c) пародонтоз
- d) камқонлик

### **"Махсус педагогика" фани бўйича синовлар учун саволлар.**

- ✓ Коррекцион-ривожлантирувчи таълим тизимини қуришнинг ҳозирги замон концепцияси.
  - ✓ Махсус педагогика предмети ва вазифалари.
  - ✓ Меъёрдан чекинган ривожланиш ҳақида тушунча.
  - ✓ Ривожланиши орқада қолган боралар турлари.
  - ✓ Ривожланишдаги камчиликларнинг сабаблари.

- ✓ Махсус педагогиканинг методологик базаси.
- ✓ Психик дизонтогенез ва унинг асосий турлари.
- ✓ Психиканинг ривожланишини белгилайдиган омиллар.
- ✓ Коррекцион педагогика ва махсус психологиянинг ривожланишида

Л.С.Виготскийнинг назарий концепцияларининг аҳамияти.

- ✓ Меъёрдаги психик ривожланишнинг умумий қонуниятлари.
- ✓ Меъёрдан чекинган ривожланишнинг умумий қонуниятлари.
- ✓ Психик ривожланиш нуқсонининг мураккаб тузилиши ҳақидаги таълимом.

✓ Л.С.Виготскийнинг "Таълимнинг ривожлантирувчи характери ҳақида Оги концепцияси.

- ✓ Меъёрда ва меъёрдан чекинган ҳолда ривожланишда "актуал ривожланиш" ва "энг яқин ривожланиш" зоналарининг ўзаро нисбатлари.

✓ Ривожланиши орқада қолган болаларни психологик ўрганиш тамойиллари.

- ✓ Психологик тадқиқот натижасида олиб борилган миқдор ва сифат таҳлилининг ўзаро нисбатлари.

✓ Ривожланишда кузатилган камчиликлар таҳлилига тизимли ёндошув. Нуқсоннинг тузилиши.

- ✓ Бирламчи ва иккиламчи нуқсонларнинг ўзаро нисбатлари.

✓ Ривожланиши орқада қолган болани ўрганишда кузатиш методининг аҳамияти.

✓ Камчиликли ривожланиш шароитида етакчи фаолият турларининг шаклланиши ва алмашинишидаги ўзига хос хусусиятлар.

✓ Ривожланиши орқада қолган болалар учун мўлжалланган муассасаларни ташкил қилиш тамойиллари ва уларнинг ташкил қилиниши.

✓ Ривожланиши орқада қолган болаларга коррекцион таълим ва тарбия беришнинг умумлаштирилган моделини тузиш тамойиллари.

## ГЛОССАРИЙ

**Адаптация** – лотинча *adapta* – мослаштираман, мувофиқлаштираман сўзидан олинган бўлиб, қўйидагиларни билдиради: организмларнинг яшаш шароитларига мослашиши;

**Анализ** – (юононча *analsis* – парчалаш, бўлиш сўзидан) таҳлил нарса ва ходисаларни фикран, таркибий қисмларга ажратишни акс эттирувчи ақлий операция. А. (таҳлил қилиш) жараёнида бутуннинг бўлакларга нисбатан муносабати аниқланади.

**Анализатор** – юксак даражада ривожланган ҳайвонлар ва одам организмнинг ташқи ва ички муҳитдан келиб чиқувчи таъсирларни идрок, таҳлил ва синтез қилишини таъминловчи мураккаб анатомик-физиологик тизим (нерв механизмлари). Ушбу тушунча илк бор И.П.Павлов томонидан қўлланилиши таклиф қилинган.

**Анамнез** – юононча *anamnesis* (эслаш) сўзидан олинган бўлиб, ташхисни қўйиш ва аниқлаш, корекцион-тарбиявий тадбирларни белгилаш мақсадида текшириш жараёнида касал шахснинг ўзи ва яқинларидан касалликнинг юзага келиши ва кечиши, ўсиши ҳақидаги маълумотларни тўплаш жараёнини англатади.

**Аудиология** – эшитиш ва унинг бузилишлари ҳақидаги фан.

**Аномал** – юононча *anomalous* – нотўғри, нотекис сўзидан олинган бўлиб, умуммеъёрдан ўзгача бўлган ҳолат маъносида қўлланади.

**Ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммоси бўлган болалар** – туғма, ирсий, эга бўлинган касалликлар ёки белгиланган тартибда тасдиқланган жароҳатлар асоратлари оқибатида ҳаётий фаолият(лар)и чекланган жисмоний ва (ёки) психик камчиликка эга бўлган 18 ёшгача болалар (бола).

Бу дефектлар туғма ёкн туғилгандан ке-йин пайдо бўлиши мумкин.

**Анкета методи** – педагогика ва психологиянинг илмий-тадқиқот методларидан бири. Бу метод орқали изланиш обьектини ўрганиш мақсадида тузилган саволларга ёзма равишда тегишли жавоблар олинади.

**Бош мия** – Бош мия уч бўлимдан: орқа мия, унга узунчоқ мия киради, мия кўприкчаси, мияча, оралиқ мия ва катта ярим шарлардан ташкил топган ўрта мияҳвмда олдинги миядан иборат. Одам бош миясининг катта ярим шарлари ниҳоят даражада ривожланган бўлиб, уларни қоплаб турувчи пўстлоқ, тахминан, 14 миллиард нейронлар танасидан иборат. Бош мия ярим шарлари пўстлоғи остида узун ўсимталар ҳосил бўлган. Бу ўсимталар ярим шарларни бош миянинг бошқа бўлимлари билан ва орқа мия билан бирлаштириб туради.

**Бош мия нервлари** – бош миянинг пастки юзаси (асоси)дан бошланувчи 12 жуфт нерв бўлади. Улар бош мияни ташқи муҳит ва ички аъзолар билан боғлаб туради. IX, X, XI жуфт нервларнинг шикастлашиши (бузилиши) овоз ва нутқ камчиликлари – афония, дисфония (органик тури), бульбар ва псевдобульбар дизартрияни юзага келтириб чиқаради.

**Брайл ёзуви** – кўзи ожиз шахслар томонидан қўлланувчи нутқ шакли бўлиб, бунда ҳарф, сўз ва рақамлар грифел (бигизсимон қалам) билан

рельефли-нуқтали белгилар кўринишида махсус мослама (ускуна) ёрдамида акс эттирилади. 1829 йилда француз педагоги Луи Брайл (1809-1852) томонидан яратилган.

**Брок маркази** (француз антропологи ва хирурги П. Брок номи билан юритиладиган атама) – бош миядаги учинчи чап пешана бурмасининг пастки қисмида жойлашган.

**Вербал мулокот** – икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг сўз, нутқий воситалар ёрдамида фикр алмашишлари (муносабатга киришишлари).

**Вернике маркази** – бош мия чап ярим шарларидаги юқори чакка бурмашининг орқа учдан бир қисмида жойлашган эшитув - нутқ маркази. Бу марказни, унинг жароҳатини илк бор немис олими К. Вернике кашф этган.

**Глобал ўқиши** – эшитишида муаммоси бўлган болаларни ўқишига ўргатиш жараёнидаги дастлабки босқич. Таклиф этилаётган сўз ва жумлалар бола томонидан яхлит ҳолда, яъни глобал идрок этилади.

**Дактилология (дактил алифбоси)** – (юонча *daktulos* – бармок, *logos* – сўз) эшитишида муаммоси бўлган шахсларнинг ўзаро ва эшитувчи инсонлар билан қўл алифбоси воситасида мулокот қилиш воситаси. Сўзлашув нутқини дастлабки ўзлаштириш, саводга ўргатиш жараёнида Ўқитишнинг бу воситаси муваффақиятли натижаларга олиб келганлиги сабабли унинг кейинчалик сурдопедагогик амалиётда кенг ёйилишини келтириб чиқарди.

**Девиант ҳулқ** – лотинча *deviatio* – оғищ, четга чиқиши сўзидан олинган бўлиб, ҳулқнинг меъёрдан четга чиқиши маъносини англатади. Яъни шахснинг жамиятда қабул қилинган ҳуқуқий ёки ахлоқий меъёрларга қарама-қарши бўлган хатти-харакатлар тизими ёки баъзи ҳаракатни содир қилиши тушунилади.

**Деонтология** – касбий ахлоқ, касбий бурч ва масъулият ҳақидаги таълимот. Педагогик фаолият шундай касбий фаолият турларидан бири ҳисобланади. Яъни таълим-тарбия жараёнида педагог ўқувчилар билан ўзаро муносабатларга киришишда педагогик деонтология қоидаларига амал қилган ҳолда иш кўриши лозим.

**Диагноз** – юонча *diagnosis* - аниқлаш сўзидан олинган бўлиб, касалликнинг тавсифи ва моҳияти ҳақидаги қисқача тиббий хулоса маъносини англатади. Ҳозирда диагноз ўрнида *таихис* атамаси ҳам қўлланимокда.

**Ижтимоий адаптация** – лотинча *adaptatio* – мослаштираман ва *socium* – жамият сўзларидан олинган бўлиб, шахснинг жамиятда қабул қилинган инсоний қадрият, мақсад, ахлоқий меъёрларни қабул қилиш ва эгаллаш йўли билан ижтимоий мухит шароитларига мослашишини билдиради. Алоҳида ёрдамга муҳтоҷ бола шахсининг ижтимоий мослашуви махсус йўналтирилган таълим-тарбия орқали амалга оширилади.

**Илғор педагогик технология** – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ таълим оловчи шахсига қаратилган, фаоллаштирувчи методлар ва замонавий таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш жараёни.

**Инновация** – соҳага янгилик, ўзгаришлар олиб кириш жараёни ва фаолияти.  
**Интерграциялашган** – integrative – жамловчи (мужассамловчи), integrate – жамлаш (қўшиш).

**Интеграция таълими** – ақлий ва жисмоний ривожланишларида муаммолари бўлган болаларнинг соғлом тенгқурлари жамоасида таълим олиши. Интеграция таълими имконияти чекланган болани муаммо сифатида кўради ҳамда педагоглар томонидан алоҳида гуруҳ болаларини гуруҳ, синф шароитида ўқитилиш ва тарбиялаш йўл ва воситаларининг қўлланилишини назарда тутади.

**Инклузив** – inclusive – қўшувчи, inclusion – уйғунлаштириш.

**Инклузив таълим** – болаларни бир-биридан ажратувчи тўсиқларни бартараф этишга, уларнинг ёши, жинси, диний ва ижтимоий келиб чиқиши, ривожланишдан орқада қолиши ва иқтисодий таъминланганлик даражасидан қатъий назар, умумтаълим жараёнига тўлиқ уйғунлаштиришга қаратилган давлат сиёсати.

**Интерфаол методлар** – таълим жараёнида ўқитувчи томонидан мақсадга эришиш учун қўлланувчи ўқувчиларнинг ўз ва ўзаро фаоллашув-ларига қаратилган йўл ва усуслар йигиндиси.

**Иккинчи сигнал системаси** – И. П. Павлов томонидан сўз, нутқ ёрдами билан ҳосил бўлувчи мураккаб сигнал системасини таърифлаш учун ишлатилган термин; сўз, нутқ таъсирида бош мия ярим шарлари қобиғида ҳосил бўл-ган муваққат нерв боғланншлари системаси. И. с. с. меҳнат фаолияти туфайли биринчи сигнал системаси асосида тарихан таркиб топган бўлиб, у билан узвий боғлангандир.

**Интеллект** –(лат. *Intellēctus* — тушуниш, тушунча сўзидан) инсоннинг умуман билиш фаолияти; унинг фикрлаш қоби-лияти, тафаккури, акли.

**Коррекциялаш** – имконияти чекланган болаларнинг психофизик ривожланишидаги камчиликларни тўғрилаш, заифлаштириш ёки тўғрилашга қаратилган психолого-педагогик чоралар тизими.

**Компенсация** – таълим-тарбия жараёнида соғлом сезги аъзоларига таяниш ёки қисман бузилган функцияларни қайта қуриш орқали меъёрдан чиққан анализатор ўрнини тўлдириш (қоплаш).

Бериш қонуниятларини ўрганади.

**Кўзи ожиз болалар** – кўриш қобилиятининг бузулиши ёки йўқолиши юзага келган болалар. Жисмоний ривожланишдаги ушбу муаммолар туғма ёки ҳаёт давомида юзага келиши мумким.

**Логопед**(юнонча *λογος*— сўз, *ράσεια*— ўргатиш, тарбиялаш сўзларидан) – Болалар ва катталар нуқтидаги камчиликларни бартараф этиш билан шуғулланадиган махсус педагог.

**Малака**– машқларни кўп такрорлаш натижасида юзага келадиган автоматлашган ҳаракатлар.

**Махсус психология** – ақлий ва жисмоний ривожланишида муаммоси бўлган шахсларнинг психик (рухий) ривожланиш хусусиятлари, меъёрдан ўзгача ривожланишларини коррекция қилиш йўлларини ўрганувчи фан.

**Махсус таълим ташкилотлари** – имконияти чекланган болаларни ташхислаш, ўқитиши, тарбиялаш ва маслаҳатлар бериш учун яратилган ташкилотлар: болалар боғчалари, мактаблар, мактаб-интернатлар, умумтаълим мактаблари қошидаги логопедик пунктлар, психолого-тиббий-педагогик консультациялар, психолого-педагогик коррекция кабинетлари, реабилитация марказлари ва бошқа ташкилотлар.

**Махсус таълим шарт-шароитлари** – махсус таълим дастурлари ва таълим методлари, индивидуал техник таълим воситалари ҳамда яшаш ва фаолият кўрсатиш муҳити, шунингдек педагогик, тиббий, ижтимоий ва бошқа хизматлар, зеро бу хизматларсиз имконияти чекланган шахслар таълим дастурларини ўзлаштира олмайдилар (ўзлаштиришга қийналадилар).

**Метод** – юононча *metodos* сўзидан олинган бўлиб, йўл, ахлоқ, усул маъноларини англатади.

**Методика** – бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. У алоҳида методлардан ташкил топади. Коррекция педагогикаси ҳар бир йўналиш фанларига оид таълим қонуниятларини тадқиқ қиласди. Масалан: «Кўзи ожиз болалар мактабларида математика ўқитиши

**Невропатология** (юононча *neirop* — томир, нерв *raOгаз* касаллик, *loғoз* — сўз, таълимот сўзларидан олинган бўлиб, нерв (асаб) тизими хасталикларини ўрганувчи фан.

**Олигофрения** – юононча *oligos* – кам, оз ва *phren* – ақл сўзларидан олинган бўлиб, олигофрения бола марказий нерв тизимининг она қорнидалиги – ҳомиладаги даврида, туғилиш жараёнида ҳамда туғилгандан сўнг З ёшга тўлгунига қадар бўлган давр ичida шикастланиши, шунингдек, касалликни бошидан кечириши натижасида юзага келади.

**Олигофренопедагог** – олигофренопедагог; ақлий ривожланишида муаммолари бўлган болаларга таълим-тарбия берувчи дефектолог-ўқитувчи.

**Олигофренопедагогика** – ақлий ривожланишида муаммоси бўлган болалар таълим-тарбияси масалалари билан шуғулланувчи коррекция педагогикасининг бир тармоғи.

**Онтогенез** – индивиднинг туғилганидан бошлаб, ҳаётининг охирига қадар ривожланиши.

**Патология** (юононча *raИюз* — азобланиш, *loғo\$* — таълимот, сўз-ларидан-Хасталик жараёнларини ва ҳолатларинн ўр-ганувчи фан.

**Педагогик тавсифнома** – Уқувчиннинг ўзлаштиришини, қизиқишиларинн, жисмоний ва ақлий ривожланишипи акс эттирувчи хужжат.

**Пропедевтика** – замин ҳозирлаш, тайёрлаш.

**Психик функциялар** – миянинг турли идрок этиш фаолияти: сезиш, идрок, хотира, тафаккур ва ҳ.к.

**Реабилитация** – касал ёки ривожланишларида муаммолари бўлган шахслар организми бузилган функцияларининг ҳамда меҳнатга бўлган лаёқатларининг тикланиши ёки компенсацияланиши. Реабилитация тиббий, психологик, педагогик, ижтимоий тадбирлар мажмуаси асосида таъминланди ҳамда шахснинг руҳий ва жисмоний имкониятларидан келиб чиққан ҳолда

ижтимоий шароитга мослашуви, ижтимоий ҳаёт ва меҳнатга лаёқатини назарда тутади.

**Республика таълим маркази қошидаги маҳсус таълим бўлими.** М. к. ўқув планларини, программа, ўқув-норматив хужжат-ларни, ўқув ваўқув-методик хужжатларни, адабиёт қўлланма ва бошқаларни ишлаб чиқади; илғор педагогик тажрибаларни ўрганади, умумлаштиради, Халқ маорифи бўлим-ларидағи М. к. лар иш тажрибаларни ўрганади, ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатади, уларни адабиёт билан таъминлади.

**Рефлексия** – қайта акс эттириш (reflection - акс эттириш ёки орқага назар ташлаш) – интеллектуал фаолиятнинг кўринишларидан бири булиб, у фикр юритиш ва мулоҳаза килиш ёки аввалги тажрибаларга суюнган холда алоқа килиш ва таҳлил қилишга қаратилган.

**Ривожлантириш** – тарбияланувчининг организми ва онгига содир бўлувчи микдор ва сифат ўзгаришларининг жараёни.

**Сурдопедагог** – (лат. *зиггия*— кар, *расшела*— ўргатиш, тарби-ялаш сўзларидан) – сурдопедагог. Эшитиш камчиликлари бор бўлган, кар болаларга таълим ва тарбия берувчи педагог.

**Сурдопедагогика** – сурдопедагогика (лат *зиггиз*— кар ва пе-дагогпка) дефектология (к.) тармоги; гуиг — кар соқов), кар ёкпи заиф эшитувчи болаларнп тарбиялаш, ўқитпш ва уларга маълумот бериш масалаларини ишлаб чиқади.

**Тарбия** – шахсни шакллантиришни назарда тутувчи маҳсус ташкил этилган мақсадга йўналтирилган жараён.

**Таълим** – ўқитишининг маҳсули бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўнимка, малакалар ва тафаккур усулларининг тизими. Таълимга эга бўлишнинг бош мезонини билимлар ва тафаккурнинг тизимлилиги, уларнинг яратувчанлик, инсонпарварлик йўналишида қўлланиши белгилайди.

**Таълим-тарбияда индивидуал ёндашув.** Ҳар бир шахснинг ақли, маданий савияси ва билим даражаси, индивидуал хусуснятларини ҳисобга ол-гаи холда у билан муомала-муносабатда бўлиш совет педагогика-сининг принципидир. И. м. б. принципи айникеа аномал болаларга таълим-тарбия беришда мухим аҳамиятга зга.

**Тифлопедагог** — тифлопедагог. Кўриш камчилиги бор бўлганлар-га (кўр, заиф кўрувчи болалар) таълим-тарбия берувчи маҳсус педагог.

**Тифлопедагогика** — тифлопедагогика (юнонча *урМоз* — кўр па педагогика). Дефектологиянинг кўр, заиф кўрувчи болаларни ўқитиш, тарбиялаш, билим бериш ҳамда меҳнатга тайёрлаш, маҳсус таълим-тарбия йўллари орқали тузатиш, уларни ўрганиш ва пуксоппн олдини олниш масалалари билан шуғулланувчи соҳасидир..

**Уранопластика** (юнонча *игапоз* – танглай сўзидан) – қаттиқ танглай ёрикларини операция қилиш. У. дан олдин обтураторлардан (к.) фойдаланнлади. Ериқлнклар туфайли содир бўлган нутқ камчиликларини

нўқотишига қаратилган логопе-дик машғулотлар операциядан олдин ва операциядан сўнг мунта-зам равища олиб борилади.

**Фаолият** – инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлари.

**Этика** – ахлоқий қонун-қоидалар ҳақидаги таълимот.

**Ўзбекистон Республикаси карлар жамияти** ихтиёрида кўп сонли маданият уйлари, клуб ва кутубхоналар, театр студиялари ва спорт муассасалари мавжуд. ВОГ — Бутун дунё карлар федерациясига киради. Ҳар бир республикада, жумладан Узбекистонда (Тошкентда) ҳам уларнинг жамиятлари бор.

**Ўқитиши методлари** – маҳсус таълим жараёнида ўқитувчи томонидан мақсадга эришиш учун қўлланувчи йўл ва усувлар йифиндиси.

**Ўқув дастури** – ҳар бир ўқув фанидан ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг мазмуни ва ҳажмини белгилаб берувчи ўқув режасига мувофиқ равища ишлаб чиқилган хужжат.

**Ўқув режаси** – таълим турига мувофиқ равищдаишлаб чиқилган ўқув предметлари рўйхати ва ҳажми, уларни ўтиш кетма-кетлиги ҳамда назорат қилиш шаклларини ўзида мужассамловчи асосий хужжат.